


496
1981/2



Труды
2
1981



1981—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари партиянинг иқтисодий стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ўн биринчи беш йилликда давлат планини тузиш учун негиз бўлиб хизмат қилади. Асосий йўналишларни амалга ошириш учун совет тузумининг битмас-туганмас кучларини, жуда катта ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциални, мамлакатнинг бой табиий ресурсларини моҳирлик билан сафарбар қилиш керак. Мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, резервларни халқ хўжалигига хизмат қилдириш, ишлаб чиқариш самардорлигини кескин равишда ошириш — партия, давлат ва хўжалик органларининг, барча жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларининг, ҳар бир совет кишининг бурчидир.

Моддий ва маънавий бойликлар ишчиларнинг, колхозчилар ва зиёлиларнинг меҳнати билан вужудга келтирилади. Фақат меҳнат миллий бойликни кўпайтириш манбаидир. Жамият ишлаб чиқарилган нарсанигина тақсимлай олади. Шу боисдан меҳнат натижалари нақадар юқори бўлса, социалистик Ватаннинг қудрати шу қадар кўпроқ мустақамланади, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар шу қадар тўлароқ қондирилади, совет кишиларининг турмуш даражаси шу қадар юксак поғонага кўтарилади.

* * *

Беш йилликнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатнинг иқтисодий потенциални янада кўпайтиришни ва халқ фаровонлигини оширишни, Совет давлати мувофақ қудратининг юксак даражада бўлишини таъминлайди, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксак даражага кўтаради, жаҳон социализм системасини мустақамлашга ва тинчлик ҳамда социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларни жипслаштиришга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети совет халқи Ленин партиясининг раҳбарлигида коммунистик қурилишда, Ватанимизнинг қудратини мустақамлашда янгидан-янги ютуқларга эришади, деб қатъий ишонч билдиради.

„СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари“ тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездида лойиҳасидан.

КПСС XXIV съездида Туямўйин гидроузели қурилиши зарбдор объект қилиб белгиланган ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига киритилган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори билан 1969 йилда бу улкан иншоот қурилиши бошлаб юборилди. Етмишдан ортиқ қурилиш ташкилотларига уюшган ўттиз миллион вакиллари Амударёни жиловлаш ва унинг сувини сунъий денгизга жамғариш учун чинакам матонат кўрсатдилар. Дарё инсон қудрати билан тўсилди.

КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборган азамат қурувчилар гидрозелнинг асосий иншоотларига миллион кубметр бетон ётқизишга муваффақ бўлдилар. Улар ленинчи партиямиз съезди очиладиган кунгача сунъий денгизда дастлабки 400 миллион кубметр сув тўплаш учун астойдил курашмоқдалар. Қурувчилар съезд йилида гидрозелнинг биринчи навбатини битказишга қарор қилдилар. 2,6 миллиард кубметр сув йиғиладиган Туямўйин гидроузели Қорақум ва Қизилқумда юз минг гектарлаб ерларни ўзлаштириш имконини беради. Суратларда: 1. Туямўйин бунёдкорлари ваколатига кўра, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, моҳир экскаваторчи Мадийр Қиличев Амударёни тўсишда иштирок этди. 2. Яна бир иш куни ниҳоясига етди. Баракали меҳнатдан сўнг ҳайдовчилар — Эркин Қўшназаров, Бегмат Наврузов, катта диспетчер Оллоберган Шарипов, экскаваторчи Мадийр Қиличев ва ҳайдовчи Абдулла Матжонов ўртоқлар оила, дўстлар даврасига шошиладилар, мутолаа қиладилар, маданий ҳордиқ чиқарадилар. 3. Бу сурат 1978 йили — Туямўйин гидрозелининг энг баланд нуқтасида туриб олинган эди... 4. Амударё тўсилди! (9-бетдаги «Денгиз мавжлари» очеркни ўқинг).

А. ЖДАНОВ ва Э. ПЕНСОН фотолари

О. У. САЛИМОВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари

ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧ

ХАР гал, коммунистлар, бутун совет кишилари партиянинг навбатдаги съездига йиғилганларида, бунёдкор, мўъжизакор халқимиз, Совет мамлакатини эришган ҳамма ғалабаларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — жонажон Коммунистик партиямиз амалга оширган улғувор ишлар тўғрисида ўйлаб, ҳақли равишда фахрланидилар.


Коммунизмнинг юксак идеаллари йўлидаги яратувчилик меҳнати КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съездида тайёргарлик кунларини ҳақиқатан ҳам афсонавий даврга айлантирди. Унинг беш йиллик қалбларимизда эзгу хотира қолдирмоқдаки, унинг мазмунини янги завод ва фабрикалар, гулистонга айланган чўллар, ишчи ва колхозчиларнинг оммавий меҳ-

нат қахрамонлиги, ҳар бир совет кишининг муттасил тарзда маъмур ва фаровон бўлиб борган турмуши, хуллас, буюк ишлар, қутлуғ воқеалар ташкил этади.

Совет Ўзбекистони ўнинчи беш йилликни ажойиб ғалабалар билан яқунлади. Республикамиз халқ хўжалиги ҳамма соҳаларининг меҳнаткашлари, шунингдек, зиёлиларимиз фидокорона ва самарали ишладилар, шонли меҳнат намунасини кўрсатдилар. 1976—1980 йилларда, аввалги беш йилликка нисбатан, 18,5 миллиард сўмлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилди. Республикамиз иқтисодий потенциали анчагина ўсди. 90 дан ортиқ sanoat корхонасини қуриб ишга туширдик. Урта Осиёда энг йирик Сирдарё ГРЭСи, Туямўйин сув омбори, Чирчиқ капролактама, Навоий катаран ишлаб чиқариш комплекслари шулар жумласи-

дандир. Республикамиз географик харитаси ҳам ўзгариб бормоқда: кечаги чўллар ўрнини эндиликда пахтазорлар, янги шаҳар ва посёлкалар эгаллади. Узимиз яратган, қарийб 45 минг гектар янги ўзлаштирилган ерларни суғорадиган Андижон денгизи бўйида янги социалистик шаҳарлардан бири — Советобод бунёд этилди. Бу — чўл ва қурғоқ районларнинг ўзлаштирилиши — ўтган беш йилликнинг яна бир ёрқин хусусиятидир. Қарши, Жиззах, Сурхон-Шеробод чўллари, илгари «қарғиш теккан» деб ҳисоблаб келинган жуда кўп ерларга партиямиз иродаси, халқнинг мўъжизакор меҳнати билан ҳаёт бахш этилмоқда. Унинг беш йиллик мобайнида 500 минг гектар ер ўзлаштирилди.

Ўтган беш йилликда шонли пахтакорларимиз меҳнатининг ҳар куни, ҳар оғи чинакам жасорат-



га айланди. 1976 йилдан бошлаб ҳисоблаганда, улар Ватанимизга 28 миллион 375 минг тонна «оқ олтин» топшириб, планни анча ошириб бажардилар, ҳал қилувчи йилда бу олтин қўллар Бутуниттифоқ хирмонига мисли кўрилмаган, чинакамига рекорд ҳосил—6 миллион 200 минг тонна пахта ўйди. Ҳосилдорлик республика бўйича ўртача 32,5 центнерни ташкил этди.

Дала гвардиячилари — механизаторларимиз умумий ишга қўшадиган ҳисса йилдан-йилга салмоқлироқ бўла бормоқда. Улар ўтган йили мўъжизакор машиналари билан 3,8 миллион тонна пахта тердилар.

Шу муносабат билан муҳим бир ҳодисани — оталар ва ўғиллар, ака-укалар ва опа-сингиллардан ташкил топган зарбдор меҳнат экипажларининг жасоратларини эслаб ўтиш мумкин. Қашқадарёлик ака-ука Норовлар ва Қиёмовлар, наманганлик опа-сингил Бобоҳўжаевалар каби эмукдош илғорларнинг номлари бутун республикада машҳур бўлиб кетди. Оилавий экипажларнинг катта меҳнат ғалабалари ҳақидаги хушxabар Бутуниттифоқ миқёсида ҳам кенг ёйилди. СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Г. Т. Береговой Нишон районидаги СССР 50 йиллиги номли совхоз пахтакорлари — Шомурод, Нурота, Холмурод, Неъмат ва Рамазон Қиёмовларга йўллаган табрик телеграммасида шундай деди: «Пахта йиғим-терим мавсумининг энг маъсулиятли дамларида сизларнинг оилавий экипажингиз рекорд натижаларга эришмоқда — қарийб уч норма иш бажармоқда. Бу «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта» шiori остида ўтказилаётган мусобақа иштирокчилари бўлган барча пахтакорлар учун намуна бўлиб хизмат қилади».

Йиғим-терим мавсумида республикамизнинг барча меҳнаткашлари пахтакорга айланди, ҳамма ўзини халқнинг қаҳрамониона меҳнати билан етиштирилган мўл ҳосил тақдири учун маъсул деб ҳис қилди. Пахтазорларда деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, минглаб шахарликлар фидокорона меҳнат қилдилар. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига қизгин давом этган социалистик мусобақа, оператив, таъсирчан пропаганда, илғор тажрибанинг кенг ёйилиши сабаб бўлиб, ҳосилни фоят қисқа муддатда, сифатли йиғиштириб олдик. Республикамиз КПСС XXVI съезди шарафига қабул қилган юксак социалистик мажбуриятини муваффақиятли адо этди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев шу буюк меҳнат муваффақияти муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасида: «Кейинги йилларда пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари муттасил ривожланаётганлигини таъкидлаш қувончлидир,— деб айтди.— Республика деҳқонлари бу йил мўл дон ҳосили етиштирдилар ва давлат омборларига 1 миллион тоннадан кўпроқ дон топширдилар. 2,9 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка сотилди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юксак суръатлар билан ривожланмоқда.

Бу — мамлакат аҳолисини озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлаш йўлидаги катта ҳисса ҳисобланади».

Республикамиз меҳнаткашлари эришган муваффақиятларнинг бундай юксак баҳоланиши бизни янада аъло, самарали меҳнат қилишга, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган режаларини тўла-тўқис амалга оширишга даъват этади.

Бутун Ватанимиз каби, серқуёш республикамиз ҳам янги кишини камол топтириш, фан, маданият, халқ маорифи тараққиёти соҳасида салмоқли

ютуқларни қўлга киритди. Бу соҳада КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» деб чиқарган қароридан кейин айниқса катта ўзгаришлар рўй берди. Қарорда таъкидланганидек, партиянинг асосий мақсади «барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва социалистик Ватанга, коммунизм ишига садоқат руҳида, меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, буржуа қарашлари ва хулқлари сарқитларини тамомила йўқотишдан, шахсни ҳар томонлама, уйғун ривожлантириш, маънавий маданиятнинг чинакам бойликларини вужудга келтиришдан иборат».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш ишига алоҳида эътибор бермоқда. КПСС Марказий комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1979 йил XIII пленумида: «Республика партия ташкилоти меҳнаткашларни социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш борасида доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Биз ҳар бир кишида социалистик Ватандан, СССР халқларининг қадроларча мустақкам дўстлигидан фахрланиш, миллий ифтихор ва миллий маданиятга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғусини камол топтиришимиз лозим», деб таъкидлади.

КПСС Марказий Комитетининг бу тарихий қарорини Ўзбекистонда амалга ошириш жараёнида, КПСС XXVI съезди арафасида В. И. Ленин 55 томлик Тўла асарлар тўпламининг ўзбек тилидаги нашри ниҳоясига етди. Эндиликда башариятнинг энг улуғ даҳоси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчисининг ижоди бутун ўзбек халқининг маънавий мулки бўлиб қолди. Биз жаҳон меҳнаткашларининг улуғ доҳийси, устоди ва дўсти бўлган Владимир Ильич Ленин асарларининг Ўзбекистонда кенг тарқалгани билан фахрланишга ҳақлимиз.

Совет ҳокимияти йилларида республикамизда В. И. Ленин асарлари 574 номда — жами 7 миллион 956 минг нусхада, шу жумладан, ўзбек тилида 391 номда — 7 миллион 179 минг нусхада, қорақалпоқ тилида 63 номда — 263 минг нусхада нашр этилди. В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламининг ўзбек тилида нашр этилиши республикамиз аҳлининг ленинизм ҳаётбахш ғояларини янада чуқурроқ эгаллашга, уларни коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини, шу жумладан, ўн биринчи беш йиллик режаларини амалга ошириш йўлида яна ҳам қизгин фаолиятга сафарбар этишга ёрдам беради. Ленинни билиш Ленин билан ҳар қуни маслаҳатлашиш, Лениндан ўқиб-ўрганиш, таълим олиш, ғалабанинг энг тўғри йўлини танлаш, бунёдкор меҳнатда янгидан-янги, ажойиб зафарлар қозониш демакдир.

Таниқли олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, халқ хўжалиги мутахассисларининг биргаликдаги кўп йиллик ижодий меҳнатлари самараси ўлароқ 14 жилдлик Ўзбек Совет Энциклопедияси нашрининг тугалланиши республикамиз маданияти ва илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу коллектив асарда ўзбек халқи совет халқлари қардош оиласида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида эришган улкан муваффақиятлар ҳар томонлама ўз аксини топган.

Фаннинг тез ва интенсив тараққий этаётгани замонамизга хос муҳим белгидир. Бинобарин, у республикамизнинг моддий ва маънавий ҳаётининг ҳамма соҳаларига тобора кўпроқ таъсир кўрсатаётгани бежиз эмас. Учинчи беш йиллик давомида фанни тараққий топтириш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун капитал

маблағ сезиларли даражада кўпайтирилди. Республикаимизнинг илмий-тадқиқот ташкилотларида, шунингдек, олий ўқув юртлари кафедраларида 34 минг илмий ва илмий-педагог ходимлар меҳнат қилмоқдалар. Кейинги беш йилда Нукус Давлат университети, Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, бошқа олий ўқув юртларининг 4 филиали, 9 умумтехник факультет очилди, 19 янги ихтисос бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди.

Олимлар билан ишлаб чиқариш ходимлари ўртасидаги ижодий дўстлик ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Қуйидаги мисол шундан далолат беради: ўтган беш йиллик мобайнида халқ хўжалигида 485 таклиф жорий этилди, натижада 1,5 миллион сўм тежаб қолинди. Айниқса олий ўқув юртларимизнинг илмий-тадқиқот ишларида тобора кўпроқ ва фаолроқ қатнашадигани қувончлидир. Кейинги йилларда улар корхоналар ва муассасалар билан 300 дан ортиқ илмий-техник ҳамкорлик шартномаси туздилар. Масалан, Самарқанд Давлат университетида Оқдарё райони хўжаликлари базасида ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Олимлар ва мутахассисларнинг яқин ҳамкорлиги пахтачиликда экинларни муҳофаза қилиш ва биологик методини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда яхши натижалар бермоқда. Бу фойдала, истиқболли янгилик эндиликда СССРдагина эмас, чет мамлакатларда ҳам қўлланилмоқда. Тошкент Автомобиль-йўл институтининг бир гуруҳ олимлари пахтани бевосита даладан қоп-қанорсиз ташиб келтирадиган кўп звеноли трактор поездини қишлоқ хўжалигида жорий қилдилар. Бунинг учун институтнинг бир гуруҳ олимлари Беруний номидаги Республика давлат мукофотиغا сазовор бўлдилар.

Янги жаҳият маънавий маданиятининг бинёдкорлари — адабиёт ва санъат арбобларимиз коммунистик тарбия борасида ниҳоятда катта роль ўйнайдилар. Коммунистик партиямиз улар йирик ижтимоий муаммоларни бадий тасвирлаб беришлари учун йўл кўрсатмоқда, замонамиз қаҳрамонининг актив ҳаётий позициясини барқарор этишга, унинг коммунистик эътиқодини ва юксак ахлоқийлигини кўрсатишга даъват этмоқда. Адабиёт ва санъатнинг энг муҳим вазифаларидан бири — амалдаги социализмнинг афзалликларини очиб беришдан, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, унинг бутун улуғворлиги ва бутун гўзаллигида демократик ва социалистик идеалларимизни намоён қилишдан иборатдир. Бу вазифани эса юксак умуммаданият, теран илмий билим, марксча-ленинча дунёқарашга, чинакам зиёли фаолиятларига эга бўлган ижодкоргина бажара олади.

Ўзбекистон ижодкор зиёлиларининг энг яхши вакиллари мана шу талаблар даражасида ижод қилмоқдалар. Мамнуният билан қайд этиш мумкинки, ўзбек адиблари, санъат арбоблари ҳаётни синчковлик билан ўрганишга, ҳаммаша унинг илғор позицияларида бўлишга интилоқдалар. Бир қанча ижодий коллективлар ва ходимлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Республикда хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ ансамблига, Тошкент шаҳри марказини бунёд этган архитекторлар ва қурувчиларга, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг бир гуруҳ артистларига, таниқли адиб Ҳамид Фуломга СССР Давлат мукофоти берилди. Республикамиз вокалчилари биринчи бўлиб Глинка номидаги конкурснинг, шунингдек, Рио-де-Жанейро конкурси лауреати бўлдилар.

Ўзбек бадий маданиятининг истеъдод билан яратилган асарлари оммани коммунистик руҳда тарбиялашга, совет ҳаёт тарзини барқарор этишга имконият яратмоқда. Адибларимиз, рассомларимиз, композиторларимиз, актёрларимиз ўз

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадий журнали



№ 2 (372)

Февраль

1981

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

истеъодлари, салоҳиятлари ва маҳоратларини халқ хизматига бахш этмоқдалар, унинг ташвишлари, ўйлари ва интилишлари билан яшамоқдалар. Уртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарлари бутун мамлакатимиз, шу жумладан, республикаимиз ижодий ходимлари учун ҳам йўлчи юлдуз бўлиб қолди.

Адабиёт ва санъат арбоблари ўз қаҳрамонини — асл граждани, хормас-толмас бунёдкорни, оташин ватанпарварни тобора яқиндан ва ҳар тарафлама билишга ҳаракат қилиб, колхоз-совхоз далаларида, завод-фабрика цехларида, муассасалар ва билим юртларида тез-тез бўлиб турадилар. Афсуски, ҳамма адабиёт ва санъат ходимлари тўғрисида шундай деб бўлмайди. Улардан баъзилари воқелик билан яқиндан боғланган эмаслар, шунинг учун ҳаётнинг катта ва мураккаб масалаларини гоҳо юзаки ва нурсиз бир таразда тасвир этмоқдалар.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида: «Ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси халқ ҳўжалигини барқарор, тобора ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни таъминлашдан иборат», деб таъкидланади. Ўн биринчи беш йилликда аҳоли жон бошига реал даромадлар 16—18 процентга оширилади, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 13—16 процентга, колхозчиларнинг жамоат ҳўжалигидан оладиган даромадлари 20—22 процентга кўпаяди.

Республикаимизда, айниқса қишлоқ жойларда, аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш бўйича катта ижтимоий тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўплаб замонавий тураржойлар, мактаблар, шифоналар, болалар боқчалари, клублар, кутубхоналар қурилди. Ўтган беш йилликда 400 клуб ишга туширилди. Ҳозир қишлоқларимизда жами 3 минг 200 клуб, 5 минг 500 га яқин кутубхона ишлаб турибди.

Кейинги йилларда 555 маданий комплекс бунёд этилдики, улар таркибида клублар, кутубхоналаргина эмас, даволаш ҳамда болалар муассасалари, мактаблар, китоб магазинлари, маиший корхоналар ҳам бор. Бу эса меҳнаткашлар тарбиясини янада планли ва кенг йўлга қўйиш, уларнинг малакасини, сиёсий ва маданий савиясини ошириш, маиший шароитини яхшилаш имкониятини беради.

Маданий-оқартув муассасаларини марказлаштириш каби янгиликлар ўзини оқламоқда. Республикаимиздаги 50 район шу янгиликни жорий этди. Илгари ҳар бир маданий муассаса ўз алоҳида планига эга бўлар эди. Эндиликда эса синовдан ўтган иш шакллари, илғор, фойдали тажрибани кенг қўлланишга мос комплекс программа тузилмоқда. Натижада кўпгина ҳўжаликларда колхоз раисларининг, совхоз директорларининг маданият ва маиший турмуш бўйича ўринбосари лавозими таъсис этилди. Ана шу янгилик жорий этилган ҳўжаликлар ҳозир 700 дан ошиб кетди. Янги лавозимда ишлаётган раҳбарлар қишлоқ аҳоли турмуш маданияти масалаларини, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришни, физкультура ва спортни тараққий эттиришни ўз диққат марказларида тутадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов бошчилик қилаётган Қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини ўстириш бўйича республика кенгаши бу соҳада катта ишларни амалга оширмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, буларнинг ҳаммаси КПСС XXVI съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олган республикаимиз беш йиллик сарҳисобининг айрим саҳифаларидир. Унинг беш йиллики муваффақиятли яқунлаганимиз билан фахрлансак арзийди. Лекин, айти пайтда, баъзан ишимизда рўй берган хато ва камчиликларни ҳам диққат ва синчковлик билан ўрганишимиз, уларни келгусида такрорламаслик учун керакли хулосаларни чиқаришимиз лозим.

Жонажон Коммунистик партияимиз мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилади. Ҳар бир совет кишиси, республикаимизнинг ҳар бир меҳнаткаши учун порлоқ истиқбол мужассами бўлган бу улугвор режаларнинг амалга оширилишига энг кўп шахсий ҳисса қўшишдан ҳам олий ва шарафли вазифа йўқдир.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз



Неъмат ҲИКМАТОВ,
Шаҳрисабз район партия
комитетининг биринчи
секретари

ФАРОВОНЛИК УЧУН

Ажойиб, ҳаяжонли кунларни кечирмоқдамиз. Мамлакатимиз коммунистларининг тарихий анжумани ҳаётимиз истиқболини белгиламоқда. СССРни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида коммунистик қурилиш тажрибаси ижодий умумлаштирилган, шонли партияимизнинг мамлакатимизни иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан янада ривожлантиришга қаратилган стратегияси ва тактикаси мукамал ифодасини топти.

Шу кунларда алоҳида мамнуният билан қайд этиш керакики, мамлакат халқ ҳўжалигини янада ривожлантириш ва халқ фаровонлигини муттасил юксалтиришни кўзда тутган партияимиз аграр сиёсатининг изчиллик билан амалга оширилиши ҳам ажойиб самаралар бермоқда. Буни ўнинчи беш йиллик яқунлари яққол кўрсатди. Республикаимизнинг барча меҳнаткашлари каби, районимиз қишлоқ ҳўжалик ходимлари ҳам ўнинчи беш йилликда катта ва қувончли натижаларга эришдилар. Пахтакорларимиз давлатга 300 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Беш йилликнинг яқунловчи йилида биринчи марта ҳосилдорликни гектарида 41 центнерга етказишга муваффақ бўлди. Гўшт, сут, пилла, сабзавот ва мева тайёрлаш планларини ҳам ошириб бажардик. Унинг беш йилликда, тўққизинчи беш йилликдагига нисба-

тан, гўшт етиштириш 53 процент, сут етиштириш 45 процент, тухум етиштириш эса икки баробардон кўпроқ ошди.

Мамлакатимиз халқ ҳўжалигини юксалтиришнинг асосий йўналишларида халқимизнинг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондиришнинг асосий омили бўлган аграр-саноат комплексларини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, ҳозирги шароитда чорвачиликни ривожлантириш, кўпроқ гўшт-сут маҳсулотлари етиштириш ҳар қачонгидан кўра муҳим вазифа бўлиб қолди. Бу ҳаётий масала ҳамisha партия ва ҳукуматимизнинг диққат марказида турибди. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль, 1979 йил Ноябрь ва 1980 йил Октябрь пленумларида чорвачиликни жадал тараққий эттириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга қаратилган қарорлар қабул қилинди.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўтган йил ноябрь ойида Ленин райони ва Самарқанд райони, шунингдек, бизнинг Шаҳрисабз районининг ҳам чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга қаратилган ташаббусини маъқулади. Бу ишончли оқлаш учун барча куч ва имкониятларни ишга солимоқдамиз. Район қишлоқ ҳўжалик органлари, тайёрлов идоралари ходимлари билан бор имкониятлар ва резервларни пухта ўрганиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларида белги-ланган вазифаларга мувофиқ ўн биринчи беш йиллик охиригача колхозларда, давлат ва ҳўжаликларро корхоналарда 10 минг тонна, яъни 1980 йилги даражадан 2,3 баробар кўп гўшт, 20 минг тонна сут ва 20 миллион дона тухум етказиб бериш чорасини кўраётирмиз.

Бу тадбирлар нималардан иборат?

Моллар зотини яхшилаш ҳисобига, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ғунажинларни наслга қолдириш йўли билан туёқ сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Беш йиллик охиригача қорамоллар сонини 26,4 минг бошга, шу жумладан сигирларни 8,5 минг, чўчқаларни эса 15 минг, қўй ва эчкиларни 37,5 минг бошга етказамиз. Сўқимга ва бўрдоқига боқилаётган қорамолларни энг тўйимли озуқалар билан қатъий рацион асосида боқиш ҳисобига бир қорамолнинг вазнини ўтган йилги даражадан 115 килограммга оширишга, яъни 450—460 килограммга етишига эришамиз. Шунингдек, ҳар бир сигирдан соғиб олинadиган сут миқдори 3 минг 500 килограммни ташкил этади. Яъни 1979 йилги кўрсаткичдан 1 минг 200 килограмм кўп бўлади.

Мамлакатимизни иқтисодий ва социал юксалтиришнинг асосий йўналишларида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштиришнинг муҳим омилидан бўлган ёрдамчи ҳўжаликларни ривожлантириш лозимлиги алоҳида таъкидланган. «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ёрдамчи ҳўжаликлариди,— дейилади асосий йўналишларда,— аҳолининг шахсий ёрдамчи ҳўжаликлариди, шунингдек, ишчи ва хизматчиларнинг боғдорчилик ва полизчилик ширкатларида гўшт, сут, картошка, сабзавот ва мева етиштириш кўпайтирилсин».

Бинобарин, ёрдамчи ҳўжалик қўшимча маҳсулот етиштиришда муҳим резервдир. Биз районимиз шароитида ҳар бир идора, ташкилот ва корхонанинг имкониятларини пухта ўрганиб, уларда



Шаҳрисабз чорвачилик комплексиди молларни тўйимли озуқа билан боқиш, бузоқларни озиқлантириш, ем-хашак тарқатиш ва сугориш ишларининг ҳаммаси механизмлашган. Бузоқбоқар Холида Эргашева ёш молларни меҳр билан парваршиш қилмоқда.

МАДАНИЙ КАМОЛОТ

Коммунистик партия шахнинг ҳар томонлама ва уйғун камол топиши масаласига катта эътибор беради. КПСС XXV съезди тарихий қарорларида бу масала жуда конкрет қўйилган эди. Колхозчи деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли ўнинчи беш йилликда республика қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида, айниқса унинг умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган етакчи тармоғи — пахтачиликда улкан муваффақиятга эришилди. Ўзбекистон деҳқонлари социалистик қишлоқ хўжалигида моддий бойликни ишлаб чиқарувчилар сифатидагина эмас, мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол қатнашувчи онгли граждандар сифатида ҳам баркамол қиёфаларини кўрсатдилар. Ривожланган социализм маданиятининг гуллаб яшнаши, халқ маънавий турмушининг тубдан ўзгариши учун реал ижтимоий-иқтисодий имкониятлар, шарт-шароитлар яратмоқда, қишлоқ маданияти ва турмушини юксалтирмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари маънавий маданиятининг муттасил ўсиб бориши ҳаётимизнинг қонунияти бўлиб қолди.

Сўнгги йиллар совет кишиларининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, маданий-техникавий савиясини ўстириш, меҳнат шароити ва дам олишини яхшилаш йўлида янги босқич бўлди. Зеро, бу қонуний ҳодисадир. Коммунистик қурилиш тараққиёти давомида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, жумладан, қишлоқда ишлаб чиқарувчи кучлар муттасил ўсмоқда, қишлоқ хўжалик фани ва техникаси тараққий этмоқда, бунинг натижасида ижтимоий бойлик кўпаймоқда, колхозчиларнинг иш куни қисқаргани сари уларнинг бўш вақти ортмоқда.

Бинобарин, қишлоқ меҳнатчиси бўш вақтдан оқилона фойдаланиш ҳисобига юксак интеллектуал ва маънавий тараққий этган, уйғун ривожланган шахсга айланмоқда. Коммунистик жамият қурилиши меҳнаткашларнинг янги қиёфасини: ишлаб чиқаришнинг назарий асосларини чуқур ўзлаштирган, ишлаб чиқаришнинг бутун система-

сидан хабардор, ҳар томонлама етук авлодни камолга етказмоқда.

Бу соҳада республикада жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Қашқадарё область Шаҳрисабз райониде жойлашган Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленин номидаги колхозда олиб борилаётган ишларни мисол келтириш мумкин. Колхозда лекторийлар, маълум соҳалар бўйича халқ университетлари ишлаб турибди. Хонадонлар ялписига водопровод, газ, телефон билан таъминланган, кўчалар асфальтланган. Маданият саройи, колхоз тарихи музейи, жанговар шон-шўҳрат хонаси меҳнаткашлар хизматида. Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган колхоз аъзолари хотирасига Шўҳрат ёдгорлиги ўрнатилган. Кейинги икки йилда икки мактаб, намунали болалар боғчаси, спорт зали фойдаланишга топширилди. Икки қаватли маиший хизмат комбинати, 90 ўринли болалар боғчаси, 30 та уй қуриб битказилмоқда.

Хуллас, колхозда маданий ҳордиқ чиқариш, меҳнаткашлар ўз маданий ҳамда умумий билим савияларини оширишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам ўрта мактабни битирган ёшларнинг кўпчилиги колхозда ишлаб қолмоқдалар, улар қишлоқ хўжалик меҳнатини муттасил тарзда саноат асосига кўчириш жараёнининг иштирокчиларига айланмоқдалар. Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан иш вақтини тежаш, иш вақтида бекор туриб қолиш ва унумсизликка барҳам бериш, ишдан ташқари вақтдан унумли фойдаланиш, ижтимоий фонднинг ўсиши ва маиший хизматнинг яхшиланиши, рўзгор ишларига кетадиган вақтни қисқартириш ҳисобига колхозчилар учун бўш вақт имкониятлари кўпаяди. Бўш вақт социалистик жамиятнинг ижтимоий бойлигидир. Шунинг учун ҳам жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида Коммунистик партия меҳнаткашларнинг бўш вақтдан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланишлари масаласига

катта эътибор билан қарамоқда. Бу масаланинг янада муваффақиятли ҳал этилиши қишлоқда маиший хизматнинг яхшиланиши ва уй-жой қурилиши билан узвий боғлиқдир.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, қишлоқда рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар катта маънавий юксалишга олиб келди. «Вақтинг кетди — нақдинг кетди», дейди халқимиз. Меҳнаткашлар бўш вақтдан фойдаланиб, ўз билим савияларини оширмоқдалар, бадий асарларни, илмий-оммабоп адабиётларни мутолаа қилмоқдалар. Чунончи, Андижон областида ҳозир 5,5 миллион китоб фондига эга бўлган 1200 га яқин кутубхона бор. Улардан, — мактаб ўқувчиларини ҳисобга олмаганда ҳам, — 471 минг киши мунтазам фойдаланади. КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ва илмий-техник тараққиётда кутубхоналарнинг ролини ошириш тўғрисида» деб чиқарган қарорига асосланиб, область раҳбар ташкилотлари 1976—1980 йиллар учун тузган комплекс программа кўнгилдагидек амалга оширилди, область кутубхоналарининг ишлаб чиқариш коллективлари, маданий-оқартув муассасалари ва ўқув юртлари билан муносабатлари янада мустаҳкамланди, уларнинг марказлаштирилишига катта аҳамият берилди.

«Иш вақтидан оқилона фойдаланилсин, меҳнатнинг унумсиз сарф ва исроф бўлиши тугатилсин, — дейилади асосий йўналишларда, — ижтимоий хизматни ривожлантириш, рўзгор ишларини энгиллаштириш асосида меҳнаткашларнинг бўш вақти кўпайтирилсин айниқса ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш формалари ва уни ташкил этиш такомиллаштирилсин».

Асосий йўналишларнинг бу сатрлари бўш вақтдан фойдаланишда янги сифат босқичи бошланганидан далолат беради.

Дўстмурод НОРҚУЛОВ

ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу нарса айниқса район техника таъминоти бошқармаси, вино заводи, Ҳисор геологик-қидирув бошқармаси сингари корхона ва муассасаларда яхши йўлга қўйилди. Уларнинг ёрдамчи хўжаликлари учун 330 гектар ер ажратдик. Ана шу майдонда асралаётган чорва моллари учун озуқа экинлари ўстираимиз. Шунингдек, мазкур корхона ва муассасалар меҳ-

нат коллективларининг эҳтиёжлари учун сабзавот ва мева етиштирамиз. Биз ёрдамчи хўжаликлар учун озуқа етиштириладиган экин майдонини 1985 йилга бориб 1000 гектарга етказамиз.

Районимизда мавжуд ер резервлари аллақачонлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик тасарруфига киритилган. Демак, озуқа учун дон-дуқакли экинларни пахта билан алмашлаб экиш имкониятимиз чекланган. Шуни ҳисобга олиб,

1980 йил бошида область партия комитетида Муборак чўлидан ўзлаштириш учун ер сўраб мурожаат қилдик. Илтимосимиз қондирилди. Утган йили колхозларда ишчан ва ташкилотчи коммунистлар бошчилигида тузилган зарбдор бригадаларнинг кучи билан Муборак чўлида Шаҳрисабз массивини ташкил этдик ва 6 минг гектар ер ўзлаштириб, пахта эдик. Жорий йилда янги массивда яна 4 минг гектар ер ўзлаштириш ҳаракатидамиз. Бу эса хўжалиklarимиз учун эски пахта майдонларининг бир қисмига беда, макка-жўхори ва жавдар каби оқсилли озуқа экинларини алмашлаб экиш имкониятини бермоқда. Демак, коммунистлар ва комсомолларнинг ташаббускорлиги натижасида озуқа проблемаси асосан ҳал этилмоқда.

Асосий йўналишларда совет кишиларининг билим олиши ва маданий савиясини оширишга алоҳида эътибор берилган. Янги беш йиллик давомида ҳунар-техника ўқув юртларида 13 миллион малакали ишчи вояга етказиш кўзда тутилган. Биз ҳам маҳаллий шароит ва эҳтиёжларни ҳисобга олиб, ҳунар-техника билим юртлари тармоғини кенгайтириш, уларда чорвачилик учун зарур бўлган мутахассислар тайёрлашни йўлга қўймоқдамиз. Масалан, намунали аграр-комплекс бўлган чорвачилик комплекси қошида ташкил этилган махсус ҳунар-техника билим юртида бузоқбоқарлар, ўрта маълумотли зоотехниклар ва сут соғувчи операторлар тайёрланмоқда. Чунки малакали мутахассис кадрлар фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишда ҳал қилувчи кучдир.

КПСС Марказий Комитетининг мамлакатимиз халқ хўжалигини янада юксалтириш программаси бутун совет халқи билан биргаликда бизнинг Шаҳрисабз райони меҳнаткашларининг сиёсий фаоллигини ва ғайратини кучайтириб юборди. Негаки, ҳар бир коллектив бу тарихий ҳужжатда ўз истиқболини яққол кўриб турибди. Шунинг учун ҳам район партия комитети мавжуд резервларни ўн биринчи беш йилликнинг улғувор вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга сарфлар этмоқда.



Сут соғувчи Меҳри Остонова (чапда), бош ветеринария врачси Уктам Рашидов ва сут соғувчи Вилоят Эшимова молларни ветеринария кўригидан ўтказмоқдалар.

А. ЖДАНОВ фотолари

ВАТАН ҚАЛҚОНЛАРИ

ҚАҲРАМОН халқимиз ва унинг шавкатли қуроли кучлари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг шонли 63 йиллигини алоҳида сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида қаршиламоқда. Унинг беш йилликни улкан зафарлар билан яқунлаган мамлакатимиз меҳнаткашлари янги беш йилликка собит қадам қўйдилар. Жонажон партиямизнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа ва КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасининг умум-халқ муҳокамасига қўйилиши бунёдкор халқимизнинг куч ва ғайратини, келажакка ишончини янада ошириб юборди. Дастгоҳ олдидаги ишчи ҳам, пайкал бошидаги деҳқон ҳам, узоқ яйловдаги чўпон ҳам, бепоён Ватанимиз хавфсизлиги учун жанговар постда сергаж турган чегарачи ҳам, ҳамма бу тарихий ҳужжатни ёрқин келажагимизнинг улуғвор программаси сифатида кутиб олди.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг шахсий состави КПССнинг навбатдаги тарихий съездини жанговар тайёрлиги ҳар қачонгидан кўра ошган, ленинчи партиямиз атрофида янада мустаҳкам жипслашган ҳолда қаршиламоқда.

Мисли кўрилмаган синовлардан шараф билан ўтган Қизил Армиямизнинг ташкил топиши ва унинг жанговар қаҳрамонликларга тўлиқ шонли тарихи доҳиймиз В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғлиқдир. Владимир Ильич пролетар революциясини амалга ошириш ва социализм куриш программасини ишлаб чиқар экан, Ватанни қурол билан ҳимоя қилишни ташкил этишни шу программанинг узвий қисми деб қаради. У, ҳар қандай революция ўзини ҳимоя қила олиши билангина аҳамиятлидир, деб таъкидлади.

В. И. Лениннинг ташаббуси билан 1917 йилда қуролланган ишчи отрядларидан ташкил топган ва Октябрь қуроли кўзғолонида фаол қатнашган қизил гвардия ёш Совет ҳокимиятини ҳимоя қилувчи ягона куч эди. Тўнғич социалистик давлат бўлган Советлар мамлакатига қарши қуролланган халқаро империализм ва ички контрреволюцион кучлар бирлашиб ҳужум қилишини Владимир Ильич доҳиёна башорат билан олдиндан кўра билди. Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш учун, халқ озодлигини бўғишга чоғланган ёвуз ниятли душман кучларига қарши курашиш учун қатъий марказлашган ва темир интизомли янги армияни — ишчилар ва деҳқонлар армиясини ташкил этиш зарур эди.

В. И. Ленин имзо чеккан ҳужжатлар — Совет республикаси Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 15 (28) январь ва 29 январь (11 февраль) декретлари асосида Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси ва Ишчи-Деҳқон Қизил Флоти ташкил топди. Бу армия қаҳрамонларча курашиб, халқаро империализмнинг мудҳиш ниятларини пучга чиқарди. Қизил Армия 1918 йил 23 февралда Нарва ва Псков бўсағаларида герман милитаризмининг сараланган қўшинларига қақшатқич

зарба берди; антанта малайлари — Корнилов, Краснов, Каледин, Колчак, Юденич, Деникин, Врангель армияларини тор-мор келтирди; халқаро империализмнинг зарбдор кучи — Антанта томонидан уч марта уюштирилган ҳужумни тамом бартараф этди.

Қизил Армиянинг жанговар отряди — Туркистон Республикаси Қизил Армияси эса Тошкентдаги Октябрь қуроли кўзғолонида шаклланган ва синовдан мардонвор ўтган Қизил гвардия заминиде вужудга келди.

Туркистон Советларининг IV ўлка съезди (1918 йил, 19—26 январь) социалистик армия ташкил этиш тўғрисида қабул қилган қарор асосида республика Халқ Комиссарлари Совети бу ишга 1 миллион сўм маблағ ажратди. Ишчи ва Солдат депутатлари Тошкент Совети қошида 1918 йил 15 февралда Қизил Армия штаби тузилди. 2 март куни Тошкентда Қизил Армиянинг биринчи отряди, сўнгра тез орада 1-Ўзбек ва 1-Тошкент миллий батальонлари ташкил топди. Доҳиймиз В. И. Ленин имзоси билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг ҳарбий округлар, жумладан, Туркистон Ҳарбий округини таъсис этиш ҳақида 4 майда қабул қилган декрети эълон қилинди. 1918 йилнинг ўрталарига келиб Совет Туркистони Қизил Армиясининг шахсий состави 20 минг кишидан ортди. У ички ва ташқи аксиланкилобий кучларга қарши ҳаёт-мамот жангларида чиниқди. Бу армиянинг ғалабалари М. Фрунзе, В. Куйбишев, П. Кобозев, А. Казаков, Э. Кужэло, И. Белов, Г. Зиновьев, В. Чапаев, Д. Фурманов каби ажойиб саркардаларнинг номи билан боғлиқдир.

Гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида совет Туркистондаги кескин курашларда Низомиддин Хўжаев, Миркомил Миршаропов, Файзулла Хўжаев сингари маҳаллий кадрларимизнинг ҳарбий истеъдодлари намоён бўлди.

Ўрта Осиёдаги ҳарбий қурилиш тарихида миллий қисмларнинг шаклланиши катта аҳамиятга эга эди. Ишчи-Деҳқон Қизил Армиясининг қисмлари сафида миллий бўлинмаларнинг ташкил этилиши Коммунистик партиямиз изчил амалга ошираётган миллий сиёсатнинг тантанасидир.

Чет эл интервенцияси ва оқгвардиячилар устидан қозонилган ғалабадан сўнгра совет республикалари ҳарбий-сиёсий бирлигининг янада мустаҳкамланиши, кўпмиллатли Совет Иттифоқи социалистик республикаларининг ташкил топиши муносабати билан давлатимиз ва Қуроли кучларимизнинг ҳарбий-сиёсий бирлиги янада мустаҳкамланди. Қизил Армиянинг ижтимоий базиси кенгайди. Турли миллат ва халқларнинг вакиллари жанговар резерв қисмлар тузилди. Масалан, 1925 йил охирига келиб Қизил Армия қисмлари ҳамда армия ва флот командириларнинг 38,8 проценти рус миллатидан бошқа халқларнинг вакилларидан иборат эди. Урушгача бўлган беш йилликлар даврида мамлакатимизнинг иқтисодий ва ҳарбий қудрати янада ўсди ва мустаҳкамланди.

Совет Иттифоқининг мустаҳкамланиши, унинг халқаро пролетариат учун илҳомбахш ибрати

жаҳондаги империалистик ва реакцион доираларга хуш келмади. Улар биринчи социалистик давлат бўлган Советлар мамлакатини қурол кучи билан яқсон этиш ва халқларини қул қилишга интила бошладилар. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан бу хавф тобора кучайди. Партия ва ҳукуматимиз тажовузкор империалистларнинг ҳатти-ҳаракатларини зийраклик билан кузатди ва мамлакатимизда ҳарбий қурилишни такомиллаштириш тadbирларини кўрди.

Қарийб бутун Европани асоратга солган Гитлер галаси 1941 йилнинг 22 июнь тонгида Ватанимизга хоинона ҳужум қилди. Европадаги урушда тажриба орттирган, бизга қараганда куч ва сон жиҳатидан икки баробар устун вермахт қўшинлари мамлакатимизнинг ғарбий чегараларига бос-тириб кирди.

Йигирма уч ёшли Қизил Армиямиз душманнинг 190 дивизияси, қарийб 5 минг самолёти, 3 минг 700 дан ортқ танки, 50 мингдан кўпроқ тўпи ва миномёти, жами 7 миллион 300 минг фашист аскарларига тўқнаш келди.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш керакки, партия ва ҳукуматимиз Ватанимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун қисқа муддатда улкан ишларни амалга оширди.

Улуғ Ватан урушига отланган халқимиз ва жангчиларимиз дастлабки кезларда оғир ва изтиробли кунларни бошдан кечирди. Душман галалари кўп талафот кўришига қарамасдан қутуриб олдинга юлқинар эди. Улар фавқулодда ва ўзлари учун қулай фурсатда ҳужум бошлаганликлари туфайли ғарбий областлар территорияларининг катта қисмини босиб олдилар, Москва ва Ленинград остоналарига яқинлашиб келдилар. Лекин бу муваффақиятлар муваққат эди. Коммунистик партиямиз мамлакатимизни яхлит пўлат қалъага айлантирди. Фронт ва мамлакат ичкари-сининг монолит бирлиги қудратли кучга айланди. «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун!» деган шир халқимиз ва жангчиларимизнинг ҳаёт қонуни бўлиб қолди. Партиямизнинг «Бизнинг ишимиз ҳақ! Душман яниб ташланади! Биз ғалаба қозонамиз!», деган даъвати жангчиларимизни ёвуз душманга қарши курашга илҳомлантирди. Қуроли кучларимиз душман ҳамласини тўхта-тибгина қолмасдан, жиддий қарши ҳужумга ўтди. Немис фашист босқинчиларининг Москва бўсағасида тор-мор келтирилиши урушнинг боришида кескин бурилиш даврининг бошланиши бўлди. Немис фашист армиясининг енгилмаслиги ҳақидаги афсона чиппакка чиқди. 1942—1943 йилларда Қуроли кучларимизнинг Сталинград ва Курск бўсағаларидаги аёвсиз олишувларда, Кавказ учун олиб борилган жанглардаги мислсиз ғалабалари туфайли Улуғ Ватан уруши ва умуман иккинчи жаҳон урушининг боришида кескин бурилишга эришдик. Фашизм устидан тўла-тўқис ғалаба қозонишимизда совет қўшинларининг Ленинград бўсағаларидаги, Украина, Молдавия, Болтиқ бўйидаги, Висла ва Дунайдаги ҳужум операциялари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Берлиндаги шиддатли операция гитлерчилар Германиясининг мағлубияти билан яқунланди. Голиб совет солда-

ти маҳв бўлган рейхстаг устига Галаба байроғини тикди.

Совет Иттифоқи ва унинг қуролли кучлари фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабада ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Совет Армияси империалистик Япония самурайларига ҳам қақшатқич зарба берди. Қуролли кучларимиз Мўғулистон Халқ Республикаси қўшинлари билан биргаликда 23 кун мобайнида Квантун армиясини тор-мор этди. Совет Армиямиз Ватанимизни душмандан ҳимоя қилибгина қолмай, интернационал ҳалоскорлик бурчини ҳам шараф билан бажарди. У Польша, Болгария, Чехословакия, Югославия, Руминия, Венгрия, Хитой ва Корея халқларига озодлик келтирди.

Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси социалистик давлатимиз қудратининг жаҳоншумул ёрқин далили бўлди. Кўпмиллатли халқимизни ёвуз душманга қарши курашга сарфарбар этган, уни ғалабага илҳомлантирган ва маънавий қуроллантирган Коммунистик партиямизнинг раҳбарлиги буюк ғалабани қўлга киритишда ҳал қилувчи омили бўлди. Урушнинг охириги йилида армия ва флотимиз шахсий составида жанг қилганларнинг асосий зарбдор қисми коммунистлардан иборат эди.

тинч меҳнат қилмоқда. Партия ва ҳукуматимиз тинчликни таъминлаш учун ҳормай-толмай курашмоқда. Турли ижтимоий системадаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш, халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатида изчил амал қилмоқда. Лекин империалистик доиралар, айниқса, АҚШ йилдан-йилга ҳарбий харажатларни кўпайтириб, янги-янги қирғин қуролларини ишлаб чиқаришга зўр бериб, ер шарининг турли нўқталарида ҳарбий базалар қуриш билан социалистик мамлакатлар ҳамкорлигига хавф туғдиришга уринмоқда, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиб халқаро вазиятни кескинлаштиришга интилмоқда. Хитой гегемонистлари ҳам ашаддий империалистик кучлар билан бирга тинчликка ва халқлар хавфсизлигига, социалистик мамлакатлар ҳамкорлигига раҳна солиш ҳаракатида. Партия ва ҳукуматимиз бундай мураккаб ва зиддиятли халқаро шароитда доҳиймиз В. И. Лениннинг Ватанимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ҳақидаги васиятларига амал қилиб, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти шахсий составининг жанговар тайёрлигини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда, Ватанимиз чегараларининг даҳлсизлигини таъминламоқда. Коммунистик партиямиз ва Совет давлатимиз айни вақтда ўзининг ташқи сиёсатида

умуман, жаҳондаги сиёсий иқлимни соғломлаштириш юзасидан таъсирчан тадбирларни амалга оширажакларини баён этдилар.

Кенгаш иштирокчилари Афғонистон теварагида вужудга келган аҳволни сиёсий йўл билан ҳал этиш зарурлигини ҳам таъкидладилар. Шунингдек, улар Эрон халқининг ўз тақдирини ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз мустақил ҳал этиш, ўзининг ривожланиш йўлини белгилашдан иборат даҳлсиз ҳуқуқини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар партия ва давлат арбобларининг 1980 йил 5 декабрда Москвада бўлиб ўтган учрашуви бунинг яна бир ёрқин намоиши бўлди. Учрашув қатнашчилари халқаро аҳволни соғломлаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, можароларнинг ҳаммасини музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишга бундан буюн ҳам ҳисса қўшиш ниятида эканликларини билдирдилар. Улар Американинги янги маъмурияти ишларни ижобий руҳда олиб боришга тайёр эканлигини намоён қилган тақдирда АҚШ билан муносабатларни ривожлантиришга худди шундай ижобий ёндашиш ниятида эканликларини изҳор этдилар.

Учрашувда шу нарса қатъий ишонч билан таъкидландики, тинчлик, хавфсизлик ва халқаро ҳамкорликдан манфаатдор бўлган барча мамлакатлар ва халқларнинг куч-ғайрати халқаро тараққиётнинг етакчи тенденцияси сифатида кескинлик юмшатилишини таъминлашга қодирдир.

«Совет халқи КПСС билан Совет давлатининг принципиал тинчликсеварлик йўлини,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил Июнь пленумида сўзлаган нутқида,— Ватанимизни ҳимоя қилиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини тўла-тўқис маъқулламоқда. Биз кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш, 70-йилларда эришилган ҳамма яхши ишларни сақлаб қолиш, қуролсизланиш сари бурилишга эришиш, халқларнинг эркин ва мустақил ривожланиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун келгусида ҳам кучимизни аямаймиз».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ совет делегациясининг Ҳиндистон Республикасига расмий визити эса иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида янги босқич бўлди.

«СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги яхши муносабатлар,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев Ҳиндистон парламенти аъзолари ҳузурда сўзлаган нутқида,— ҳозирги замоннинг асосий проблемалари хусусида уларнинг позициялари бир-бирига ўхшашлиги ёки яқинлиги иккала мамлакат халқларининг мустақиллиги ишига, тинчлик ва давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги ишига, қуролсизланиш учун ва янги урушнинг олдини олиш учун курашга содиқ эканликлари ҳозирги халқаро вазият кескинлашган шароитда айниқса муҳимдир».


СССР ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ва техника ҳамкорлиги, савдосотиқ, маданият ва фан, маориф соҳалари бўйича битимларнинг имзоланиши турли социал-иқтисодий системалардаги икки мамлакат бир-бирининг ўзаро фойдасини кўзлаб ва бутун инсониятнинг манфаатларини ўйлаб ҳамкорлик қилишнинг ажойиб намунасидир.

КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» улуғ Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, мамлакатимиз мудофаа қудратининг янада ошиши ва тинчликни мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратади.

Коммунистик партиямизнинг навбатдаги XXVI съезди мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда, халқаро кескинликни юмшатишда ва тинчликнинг барқарор бўлишида муҳим тарихий босқич бўлади.

* * *

Чунки «Беш йилликнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада кўпайтириши ва халқ фаровонлигини ошириши, Совет давлати мудофаа қудратининг юксак даражада бўлишини таъминлайди, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксак даражага кўтарди, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашга ва тинчлик ҳамда социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларни жипслаштиришга ёрдам беради».



Республика Ҳарбий номиссари ўртоқ С. Эргашев (ўртада) УзССР Ҳарбий комиссарлиги тарихи музейида ёш коммунист офицерлар (чапдан) Ф. Баташов, В. Бессонов, Л. Сидорина, В. Суханов, А. Бурзик ва А. Медведевга алангали йиллар хотираларини ҳикоя қилиб бермоқда.

Бошқа қардош халқлар қатори совет Ўзбекистонимизнинг довиорақ фарзандлари ҳам буюк ғалабани қўлга киритишга муносиб ҳисса қўшдилар. Ҳардошларимиздан 280 киши ҳаёт-мамонт жангларида кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар. Уттиз олти мард ўғлонимизнинг кўксини жангларда кўрсатган жасоратлари учун Биринчи, Иккинчи ва Учинчи даражали Шухрат орденлари беади. Халқимиз ўзининг Собир Раҳимов, Аҳмадҷон Шукуров, Қўчқор Турдиев, Шодмон Умаров, Мамадали Толиболдиев, Сирожиддин Валиев сингари қаҳрамонлари билан ҳақли равишда фахрланади. Уларнинг номи ёш авлодимиз учун голиблик ва қаҳрамонлик рамзи бўлиб қолди.

Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг жанговар аъёналарини бугунги ёш авлод муносиб давом эттирмоқда. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти шахсий составида қаҳрамон авлодимиз жасоратини такрорлашга қодир бўлган ёшлар хизмат қилмоқдалар. Улар Ватанимиз мудофааси йўлида чинакам ғайрат ва жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар, замонавий ҳарбий техника сирларини мукамал эгаллаган ҳолда жанговар постларида сергак туриб Ватанимиз чегараларини қўриқламоқдалар.

Уттиз беш йилдирки, халқимиз осойишта яшаб,

ленинча тинчлик сиёсати принципларига изчил амал қилиб, бошқа давлатлар билан тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик қилиш намунасини кўрсатмоқда.


Халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришда Польша пойтахтида 1980 йил май ойида ўтказилган Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кенгашда тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган қардошларча мудофаа иттифоқининг 25 йиллик фаолиятига якун ясалди. Кенгаш қатнашчилари ўз давлатлари ўртасидаги қардошларча дўстликни мустаҳкамлашда, марксизм-ленинизм принципларига, ҳуқуқий тенгликни, мустақиллик ва миллий суверенитетни ҳурматлашга, ички ишларга аралашмасликка, ўртоқларча ўзаро ёрдам ва интернационал бирдамликка асосланган кенг ҳамда кўп қирралли ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда Варшава Шартномасининг жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлганлигини мамнуният билан қайд этдилар.

Кенгашда яқдиллик билан қабул қилинган Декларацияда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европада сиёсий ва ҳарбий кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантиришга қаратилган бундан буюнги қадамлар тўғрисидаги таклифларни, қуролланиш пойғасини живовлаш,

СЪЕЗДГА МЕҲНАТ СОВҒАСИ

Учинчи беш йиллик якуловчи йилининг сўнгги ҳафталарида совет космонавтлари Леонид Денисович Кизим, Геннадий Михайлович Стрекалов ва Олег Григорьевич Макаров ўртоқларнинг «Союз Т-3» космик кемасидаги муваффақият билан тугалланган парвози космик фазони забт этишимизда янги ёрқин истиқболлар очади. Экипаж «Салют-6»—«Союз Т-3»—«Прогресс-11» илмий-тадқиқот комплексига фанкиз учун янги бўлган муҳим техник, технологик ва тиббий-биологик текширишлар ўтказди. Қаҳрамон экипаж орбитал комплекс самарали парвозини ифтихор билан жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездига бутун совет халқининг меҳнат совғаси деб атади. Суратда: «Союз Т-3» космик кемаси экипажи аъзолари: СССР космонавт учувчилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари тадқиқотчи инженер Г. М. Стрекалов, кема командири Л. Д. Кизим ва борт-инженер, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони О. Г. Макаров ўртоқлар Москва Қизил майдонда.

А. ПУШКАРЕВ фотоси (ТАСС)



Мели БОБОҚУЛОВ

СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Баллада

I

Эсингдами, ҳарбий хизматга —
Кетар куним кўйдинг узатиб.
Ҳада этиб менга гулдаста,
Сўқмоқча бординг кузатиб.
Апрель эди ўшанда, чоғи,
Серёгинроқ келганди баҳор.
Гулга тўлиб қишлоқ кучоғи,
Чўқиларда ярқиради қор.
Илк бўсадан туйдим майи ноб,

Лола аксин кўрдим бетингда.
Қип-қизариб кетдингу ажаб,
Қараб қолдинг маънос ортимдан.
Сўнгра дадил силкитиб қўлинг,
Қичқирдинг сен:— Кутаман, Фиёс!..
Шу бир сўздан тоғ бўлди кўнглим,
Қалқиб кетди жон қўшим бехос.
Ажаб, бир кун кирдинг тушимга,
Сен — чўққиди, мен — эсам пастда.
Ёлворсам ҳам боқмадинг менга,
Аммо ўзинг қора либосда.
— Пастга туш!— деб қичқирганмишман,
Старшина уйғотди туртиб.
— Кўриндими кўзингга душман,
Нега дод деб тсмоғинг йиртдинг?
— Узим шундай, туш кўрдим қизиқ...
— Ҳа, тушингга киргандир қизлар,—
Старшина қўлоғим чўзиб,
Деди:— Тентак тушида сўзлар.
Мен хат ёздим, хат ёздим бот-бот,
Сендан жавоб олмадим аммо.
Наҳот, дердим икки энлик хат,
Ёзиш шунча бўлса муаммо?

II

Бурчни ўтаб қайтдим энтикиб,
Юрак сени кўмсарди фақат.
Совуқ гапдан эгим жунжикиб,
Кўз олдимни қоплади даҳшат.
Ёлғон, дердим, ичда шивирлаб,
Одамлардан эшитсам неки.
Ҳаяжондан эгим жимирлаб,
Изтиробим йўқ эди чеки.
Қани энди севги азобин,
Телбалардек тортмасам бесар.
Одамларнинг эшитмай гапин,
Қулоқларим бўлиб қолса қар.

III

Биринчи бор келдинг юзма-юз,
Қўлда қизчанг, бошингда тугун.
Қотиб қолдим қаршингда сўзсиз,
Кўриб оғир қисматнинг юкин.
Ўтиб кетдим ёнгинандан мен,
Ўтиб кетдим бир сўз демайин.
Ўтишга-ку, ўтиб кетдим, лек,

Санчар эди кўксим зирқираб.
Нечун сенга сақладим кин-кек,
Кўзимдан ёш чиқди тирқираб.
«Наҳот қалбинг бўлса метин-тош?»—
Юрагимдан чиқди шу нидо...

IV

Тонг отмади гўё шу кеча,
Кўз юмсам бас: баргдек сарғайиб —
Сен турасан қўлингга қизчанг,
Бошда тугун, ночор мунғайиб...
Сендан жиндай такаллуф кутмай,
Кириб бордим ҳовлингга тўғри.
Кириб бордим сўрамай-нетмай,
На телбаман, на кўнгли эгри.
Остонада кўрдингу мени,
Қстиб қолдинг ҳайкалдай бесас.
Кутмабмидинг ё келишимни,
Туш кўргандай қалқидинг бехос.
Сукут чўқди орага шу он,
Сукут чўқди йил каби оғир.
Кафт устида қалқир икки жон,
Ўтда ёнар иккала бағир.
Мен билмайман қанча турдик жим,
Артим секин кўзларинг ёшин.
Сингиб кетдинг бағримга бир зум,
Сўнгра аста кўтардинг бошинг.

V

Дединг:— Нега келдингиз, Фиёс?..
Етмасмиди — тушда кўрганим;
Севгингизни этолмай эъоз,
Бир умрга ерга урганим.
Қай юз билан боқайин сизга,
Қай сўз билан оқлай ўзимни?
Ахир, пичоқ етди бўғизга,
Фақат кўзим қиймас қизимни.
Боши берқидир мен кирган кўча,
Ўз-ўзимга ошар нафратим.
Арзимайман тирноғингизга,
Эл ичиди қорадир отим.
Яхши ҳам бор бахтимга қизчам,
Йўқса кимга айтардим дардим...
...Сен ҳақингда ҳали кўп нарса
Билмайман мен, бошингда не ғам.
Аммо дилга тушади ларза,
Армонларинг тилсимдай мубҳам.

Ҳақни гапир, дилингдагин тўқ,
Ўз оғзингдан эшитай барин.
Кимдир ўша сенга урган тиг,
Кимдир ўша олифта Карим?
Бош чайқадинг, кўзларингда ёш,
Дединг тўлиб босолмай ўпканг:
— Одам эмас, иблис, бағри тош!..
Силкинарди йиғидан елканг.—
У йўқотган инсонлик ҳиссин,
Турган эдим мен чиқиб йўлга...
Ҳа, ўзи ҳам, юзи ҳам курсин,
Мақр билан туширди қўлга!..
Илон чаққан одамдек худди,
Беихтиёр инграб юбординг.
Кўзларингда ғам-андух дуди,
Оғир экан нақадар дардинг!
...Бебурд Карим, машъум қадаминг
Икки уйнинг сўндирди шамин.
Сен бир эмас, икки одамнинг
Ҳаётини айладинг забун.
Ишқли дилга ёғдирдинг қиров,
Қурум босган кўксингни агар,
Чироқ ёқиб қидирса биров,
Айт, топарми севгидан асар?!
Қаҳрим тошиб кўзғолдим, лекин,
Йўқолганди бутунлай тинчим.
Коровланиб кўз олдим секин,
Музлаб кетди эгим ва ичим...
Кўргин, дилбар, қалбимни очиб,
Севгим ҳамон оловли оташ.
Майли, бўлса қўлингга қизчанг,
Майли, тубан, дея олай ном.
Сенинг қизчанг, менинг ҳам қизчам,
Қани, кўтар бошингни, эркам!..
Мен учун сен гавҳардек тоза,
Мен учун сен азизсан жондек.
Ишқимиздан олсин андоза,
Ҳаётда ким қоқилса сендек.
Кўзларингдан тўкиларди ёш,
Сени тортдим бағримга секин.
Айт, солдимми ё дилингда ғаш,
Нечун титрар лабларинг беун?
Дединг:— Сизга садқадир бу жон,
Қизчамиз ҳам кула бошлади.
Ғам ёшимас кўзимдан оққан,
Бу чинакам севинч ёшлари...

Пастдарғом

УЧ ЮЛДУЗ

Раҳматжоннинг ёшлик йиллари Андижоннинг гўзал Султонобод қишлоғида ўтди. Улуғ Ватан уруши бошланганда у ўнинчи синфда ўқир эди. Дастлабки куниеқ район ҳарбий комиссарлигига бориб, кўнгиллилар қаторида фронтга жўнатишларини сўради.

Колхоз бухгалтери Маҳмуджон Сатторовни армия сафига жўнатиш маросимида Раҳматжоннинг бу «болалиги» ота-онасига маълум бўлиб қолди. Ўғлининг истагидан хабар толган онаизор айниқса кўп ташвиш тортиди. Қишлоқ оқсоқоли Қобил: «Ўғлингиз Ватан ва халқ олдидаги бурчини адо этишга чоғланган экан, унга оқ йўл тиланг», деб онанинг кўнгилни кўтарди. Шу орада Раҳматжоннинг бувиси Ўғилхон хола, синглиси Ҳожархон, тоғаси Ортиқназар ва бошқа қариндошлари тўпландилар. Улар ич-ичларидан қувонар эдилар: «Раҳматжон дадасига тортибди. Отаси ҳам халқ учун, фаровон ҳаёт учун курашган йигитлардан эди. Отасининг изидан бормоқчи. Ой бориб омон келсин», деб тилак билдирдилар.

Кўнгилли ёш ватанпарварлар 1941 йилнинг 20 сентябрида Андижонга етиб келдилар. Уларни янги ташкил этилган ўзбек дивизиясининг тўпчилар полкига қабул қилдилар. Сўнгра ҳарбий таълим машқлари бошланди.

Орадан ойлар ва кунлар ўтиб, 1942 йилнинг ноябрида Раҳматжон Каримов хизмат қилаётган қисм Сталинград фронтига келди.

Раҳматжон Кубань гвардиячи дивизиясининг 23-полкида хизмат қила бошлади. Сталинград бўсағаларида олиб борилган аёвсиз жангларда у мислсиз жасорат кўрсатди, дастлабки жанглардан кейиноқ Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Қаттиқ жангларнинг бирида у ярадор бўлиб, дала госпиталига тушди. Соғайгач, яна 886-ўқчи полк жангчилари сафида тошкентлик Ҳикмат Исаев, Мухаммад Жалилов, Қодир Усмонов, наманганлик Валижон Абдуллаев, Абдурахмон Ҳайитқулов сингари ҳамюртлари билан биргаликда ғалаба учун курашни давом эттирди. Лекин бу орада уларни тўпчилар қисмига жўнатдилар. Булар хизмат қилаётган 43-корпуснинг 116-артиллерия полки Волхов фронтига жўнаш ҳақида буйруқ олди. Яна аёвсиз жанглар бошланиб кетди. Синяево тепалигини эгаллашдаги жасорати учун

Каримов II даражали Шўҳрат ордени билан тақдирланди.

— Жанглар тўхтовсиз давом этарди,— деб эслайди у.— Разведкага кетган взводимизни душман сезиб қолиб, уларни ўққа тутди. Яраланганлар орасида взвод командиримиз Иванов ҳам бор эди. Мен ўқ ёмғири остида Ивановни хавфсиз жойга олиб чиқдим. Бунинг учун полк командири менга ташаккур эълон қилди.

Нарва дарёси қирғоғидаги жанг сира эсимдан чиқмайди. Душманга қарши ҳужумга ўтиб, жонли кучларига, техникасига талафот етказдик, ўт очиш нукталарини янчиб ташладик.

Буюк инқилоб бешиги бўлган қутлуғ Ленинград шаҳрининг довурак мудофаачилари билан душманни таъқиб қилиб Польша тупроғига қадам кўйдик. Одер дарёсидан кечиб ўтаётганимизда катта талафот кўрган душман бизни дарёга чўктириш учун жон-жаҳди билан уринарди. Лекин биз жанг билан дарёни кечиб ўтдик. Разведкачиларимиз душман батальони билан бизга қарши ҳужумга ўтмоқчи эканини хабар қилди. Тезда қулай позицияларни эгаллаб, пистирма қурдик. Эрта тонгда танкларнинг гулдироси эшитилди. Зудлик билан танкка қарши қурол ва тўпларни жанговар ҳолатга келтирдик. Душманнинг ўн беш танки бизга томон ўрмалаб келмоқда эди. Жангда командиримиз Миличенко ҳалок бўлди. Биз ўн саккиз жангчи уч соатгача душманнинг уч батальонини ушлаб турдик. Кечга яқин бизга мадад кучлар келиб қўшилди. Душманни қувиб 40 километр олдинга юрдик. Иложсиз қолган гитлерчилар тўхтовсиз чекина борарди. Одер бўйларида кўрсатган жанговар хизматларим учун иккинчи марта Қизил Юлдуз ордени билан тақдирландим. Халоскор совет жангчилари сафида шиддатли жанглар билан Польша, Венгрия, Руминия ва Чехословакияни озод қилдик. Жанглардаги жасоратимиз учун бошқа довурак қуролдошларим қаторида мен ҳам учинчи Қизил Юлдуз ордени билан мукофотландим. Жангда энди биз ғолиб эдик. Хат орқали она юртимиз билан боғландик. Ҳамюртларимиздан мактублар ола бошладик. Тошкентлик Нафиса Шораҳмедова деган қиздан хат келди. У ўз хатида 1940 йили акаси Неъмат Шораҳмедов армия сафига қақирилгани, уруш бошланганда улар Белоруссиянинг Чижов шаҳарчасида хизмат қилгани, лекин бир неча ойдан буён ундан хабар йўқлиги ҳақида ёзган эди. Шу-шу Нафиса билан хат ёзишиб турдик. У ўз мактубларида Тошкент шаҳридаги аҳвол ҳақида, ҳамюртларимизнинг ғалаба учун кеча-кундуз тинмасдан матонат кўрсатаётганликларини ёзарди. Австриянинг Линц шаҳридан Нафисага хат ёзди. Яраланиб бир қўлимдан ажралганимни билдирдим. Нафиса эса жавоб хатида: «Мен қадрдон акамни йўқотдим, лекин сизни топдим. Бошингиз омон бўлсин, ҳеч хафа бўлманг», деб далда берган эди. Унинг бу гаплари менга катта мадад бўлди. Урушни ғалаба билан тугаллаганимиздан кейин уйга, она шаҳримга қайтдим. Онам вафот этган эди. Синглим Ҳожархон билан Тошкентга кўчиб келдик. Чкалов



номидаги Авиация заводида ишлаш бошладим. Тақдирни қарангки, Нафисахон билан турмуш қурдик. Орадан йиллар ўтди. Беш қиз ва бир ўғил кўрдик. Қизларим — Дилмира техникумда ўқитувчи, Дилором инженер, Дилдора, Гавҳар, Шаҳноза ва ўғлим Иброҳим студент. Бахтлигимиз. Тинч меҳнат қучоғида фаровон ҳаёт кечирялмиз.

Раҳматжон Каримов урушдан сўнг Тошкент Халқ хўжалиги институтининг иқтисод ва планлаштириш факультетига ўқишга кирди ва институтни муваффақиятли тамомлади. Коммунист Каримов ҳозир ЎзССР Пахта тозалаш министрлигининг Ҳисоблаш марказида бўлим бошлиғи бўлиб ишламоқда.

У бўш вақтларида фронт хотираларини коллективдаги ёшларга, мактаб ўқувчиларига ҳаяжон билан ҳикоя қилиб беради. Анъанавий учрашувларда Раҳматжон Каримов доим фахр билан таяқидлайди:

«Бахтимиз учун қон кечиби, аёвсиз жанг қилдик. Бугунги бахтга, фаровонликка, кўп миллатли халқимизнинг буюк жасорати туфайли, ғалаба учун жанг майдонларида ёвуз душман билан шердек олишиб мардларча ҳалок бўлган ҳамюртларимизнинг қутлуғ қони эвазига эришдик. Ёшларимиз буни ҳамиша ёдларида туттиларки, қаҳрамон ота-боболарининг шонли анъаналарини тинч меҳнат қучоғида давом эттиришлари лозим!»



Улуғ Ватан уруши қатнашчилари (ўнгдан) Т. Зиёев, М. Раҳматуллаев, М. Мадиев, Х. Оқилов, Я. Шохўжаев, А. Аҳроров, М. Обидов, Б. Муллаев ва Ҳ. Орипов маҳалла клубини қуришда фаол қатнашдилар.

Б. МИЗРОХИН фотоси



ГУЛЛАРАН ҲАЙКАЛ

Кексалик кишини жамоат ишларидан четга тортмайди, балки унинг ҳаётга янада яқинроқ бўлишини тақозо қилади. Руҳан тетик, донишманд, серғайрат қария фақат онланинг суянчиги, мураббийси эмас, бутун маҳалла-кўйнинг

маслаҳатгўйига айланади. Шунинг учун биз, қариялар, «Уруш ва меҳнат ветеранлари» кенгашини ташкил қилиб, амалий ишга ўтдик. Ҳашар уюштирдик. Бузилаётган эски иморатларнинг материалларидан: қадимий нақшин устун, тоқилардан фойдаланиб, маҳалламиз гузарини ободонлаштирдик. Мўйсафидлар чойхонаси, клуб қурдик. Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган дўстларимизнинг руҳини шод этиб, улар хотирасига обида ўрнатдик. Маҳалламизда ўтган ҳурматли иншиларни эъзозлаб, уруш қурбонлари — дўстларимизни хотирлаб, улар ҳаётдан ҳиноя қилувчи «Фидойилар» китобини туздик. Бу китоб билан танишган ёшлардан ҳар бири ўша қаҳрамонлардан ўрнат олсин, дедик. Бог яратиб, шоир Усмон Носир айтгандек, жанговар дўстларимизга гуллардан бамисоли ҳайкал тикладик. Энди ҳар баҳор бу боғулга кирганда, орамиздан бевақт кетган фидойиларнинг қалблари белгиларга айланиб шивирлаб туради...


Мирзохид ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар, Акмал Исромов районидagi Ҳабиб Абдуллаев номли маҳалла комитетининг раиси



Ўзбекистон халқ рассоми В. ЕВЕНКО.

Рассом Д. МАХОТИН.

Рассом Н. ГАЛИЕВ.



ЕР САҲОВАТИ - ДАРЫ ЗЕМЛИ -
ЗА ФАРОҒАТИ! ТРУДЯЩИМСЯ!



Рассом Р. АЛИЕВ.



**НАША АРМИЯ СИЛЬНА
ОХРАНЯЕТ МИР ОНА**

Рассом Д. ФАЙЗИРАҲМОНОВ.

Рассом А. БАКИРОВ.



**МЕҲНАТИМ -
КУЙИМ -
РЕСПУБЛИКАМ МЕҲНАТИГА ЖЎР**
В. В. МЯКОВСКИЙ

ДЕНГИЗ МАВЖУЛАРИ

«Туямўйин гидроузелини қуриш жадаллаштирилсин...»

КПСС XXIV съезди минбаридан айтилган бу сўзлар Хоразм меҳнаткашлари асрий орзуларидан яна бири рўёбга чиқиши учун дастуриламал бўлди. Дарҳақиқат, сув — Хоразмнинг асрий орзуси. Қадим бир сайёҳ Хоразмни икки улкан саҳро орасида титраб турган бир қатра кўз ёшга ўхшаган эди.

Улуғ Октябрь қуёши воҳага бахт келтирди. Хоразм Халқ Совет Республикаси барпо этилишидан анча аввал, хон ҳукмронлиги даврида воҳадан қутлуғ Россияга шундай хитобнома юборилди: «Ўртоқлар! Сиз, Россия ишчи-деҳқонлари Николай II ҳукумати, шунингдек, буржуа ҳукумати, унинг малайи — сотқин Керенскийни ағдариб ташладингиз. Энди сизларда эзувчи губернаторлар ҳам, жандарм, пристав ва полициячилар ҳам йўқ... Озод Россиянинг биродар ишчи-деҳқонлари! Сиз ҳозир хон ва капиталистлар томонидан беқиёс эзлаётган биродарларингизни унутмаслигингиз керак. Улар сизнинг ёрдамингизга муҳтождирлар...»

Воҳа меҳнаткашлари доҳиймизнинг: «Биз Хева деҳқонининг Хева хони қўл остида эзлишини мутлақо истамаймиз», деган сўзларини эшитиб, қад ростладилар, янги ҳаётга интилдилар.

Эндиликда Хоразм энг қоқоқ, саводсиз ўлкадан пахтачилик машъалига, илм-маърифат диёрига айланди. Уша Ленин ғоялари тўла-тўқис амалга ошди. Воҳага темир йўл келди, уни эл «Бахт йўли» деб атади. Лекин хоразмликлар сув йўлини ҳам бахт йўли деб атайдилар.

Сув! Воҳанинг урф-одатлари, турмуш тарзи шу сўз билан боғланган. Сувнинг этагида яшайдиган йигитдан совчи келса, қиз бермаганлар. Сувга «Хуббим», деб сифинганлар.

Саратонда экиннинг тақдирини кунлар эмас, соатлар қилади. Ғўза сувсираса, гулини тўкади. Шунинг учун ҳам: «Ер — хазина, сув — олтин», деганлар. Мутахассис А. Кауфман шундай деб ёзган эди: «Туркистондаги кўп «чўлу биёбонлар»нинг тупроғи — Урта Осиёдаги машҳур соз тупроқ бўлиб, бу тупроқ етарли миқдорда сув бўлса, мўл ҳосил берадиган тупроқлар... Улкани кезиб чиқар экансиз, бир замонлар ер сўғориш учун хизмат қилган ва ўнларча квадрат чақирим масофага чўзилган сертармоқ: катта-кичик канал ва ариқлари, бундан бир неча юз йил муқаддам хароб бўлиб кетган қишлоғу шаҳарларнинг айроналари кўрасиз. Улкада сунъий сўғоришни кутиб ётган соз тупроқ биёбонлар бир неча миллион десятина майдонни ташкил этади».

Доҳиймиз Ленин ўша мутахассиснинг мулоҳазаларини шарҳлаб: «Туркистонда ҳам, Россиянинг бошқа кўпгина жойларида ҳам ана шу миллионлаб десятинадан иборат ерлар фақат сўғоришни ва ҳар хил мелiorация ишларининг «кутиб ётгани» йўқ, бу ерлар рус деҳқон аҳлининг крепостной ҳуқуқ асоратидан, дворянларнинг латифундиялари зулмидан, давлатдаги қора гуруҳчилик диктатурасидан озод бўлишни ҳам «кутиб ётибди», деган эди.

Ильич айтганидек, воҳа чинакамига озодликка эришганидан кейингина чўл-биёбонлар бўстонларга айлантира бошланди. Катта Тошсақа канали, Катта Полвон канали каби сув иншоотлари фақат Хоразм областига эмас, балки Туркманистон ва Қорақалпоғистон далаларига ҳам обиҳаёт элтиди. Тошсақа канали қурилиши воҳа тарихида худди темир йўл келишидай улкан воқеа бўлди. Лекин мавжуд сув йўллари замонавий талабларга жавоб бермай қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори билан 1969 йили Туямўйин гидроузели қурилиши бошланди. КПСС XXIV съездида бу зарбдор қурилиш съезд объекти қилиб белгиланди ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига киритилди. Гидроузел асосан уч босқичда барпо этилади. Бу ерда 7 миллиард 800 миллион кубметр ҳажмдаги Ўзан, Капарас, Султон Санжар, Қўшбулоқ сув омборлари қурилади. Шунингдек, Туямўйин бўғовида йилига 150 минг киловатт-соат электр қуввати

ҳосил қиладиган гидростанция бунёд этилади. Сув омборлари тўла ишга тушгандан кейин Амударёнинг ўнг ва чап қирғоғи бўйлаб иккита улуғ канал оқа бошлайди, воҳанинг энг узоқ районларигача обиҳаёт элтади. Аммо бари бир Туямўйин сув омбори воҳанинг эҳтиёжини тўла-тўқис қондиrolмайди. Бу муҳим масала ҳозир бутун мамлакат диққат марказида турибди. Айни пайтда фақат экин майдонларини кенгайтиришигина эмас, воҳа табиатини аслича сақлаб қолиш ҳам зарур. Орол денгизи муаммоси воҳа тақдирдаги энг долзарб, энг йирик муаммодир. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз жуда катта маблағлар ҳисобига шимол дарёлари сувини Хоразм воҳасига келтириш тадбирларини кўрмоқда. Туямўйин гидроузели сув муаммосининг ҳал этилишида илк қадам бўлади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Туямўйин қирлари воҳа марказидан қарийб 30—



40 метр баландликда жойлашган. Туямўйин Хоразмнинг қўлидаги обиҳаёт тўла олтин пиёла!

Гидроузел ишга тушгандан кейин воҳа таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади: Хоразм денгизи бунёд этилади. Кўҳна Урганчдан Тошхўвўзгача бўлган юзларча километр масофадаги кафтдек текис ерлар, фақат сув танқислиги туфайли хувиллаб ётган ерлар боғ-роғларга айланади. Яна бир Хоразмга тенг келадиган Сарикамиш, Қизилжар массивлари ўзлаштирилади. Ҳозир бу массивларни катта чорвачилик базаларига айлантириш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон кенгликларини айтинг... 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида Қорақалпоғистон АССРда шолкорликни ривожлантириш ишлари давом эттирилсин, деб таъкидланган. Қорақалпоғистонда пахта билан бирга шолчилик жадал ривожлантирилишида Туямўйин сув омборининг аҳамияти катта бўлади. Бинобарин, агар сув муаммоси тўла ҳал қилинса, Хоразм воҳаси фақат пахтачиликдагина эмас, шолчиликда ҳам мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришади. Бу башорат эмас, нақд гап. Чунончи, Хонқа районидagi Ал-Хоразмий номли совхоз шолкорлари якунловчи йилда ҳосилдорликни 71 центнерга етказдилар. 80 центнердан шолчи етиштираётган бригадалар оз эмас. Туямўйин гидроузели тўла ишга туширилгандан кейин юзлаб юқори ҳосилли шолчи совхозлари барпо этилади. 500 минг гектар янги ер очилади, яъни мавжуд экин майдони яна икки марта кўпаяди.

Ҳозирда Туямўйин қурилишининг кўлами Султон Санжар тоғларидан воҳа пахтазору шолчояларига келиб туташди. Сув омборлари, гидростанциялар билан бирга Амударёнинг ўнг ва чап қирғоқларида катта каналлар қурилиши жадаллаштирилмоқда. Бу каналлар Хоразм денгизидан 300 километр масофага сув элтади. Қақраб ётган биёбонлар бўстон бўлади, 500 минг гектар ерни сўғориш тубдан яхшиланади. Фақат Питнак қирларидagina эмас, бутун воҳада янги ерлар ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Туямўйин қурилиши бутун воҳа бўйлаб давом этмоқда.

Инсоният ўз ҳаётининг маъносини, шодлик ва қувончларининг мужассам тимсоли бўлган бир сўзни кашф этган. Бу — «бахт» сўзи. Одамзод бахтини, саодатини, эътиқодини, балки ўзлигини ҳам яна бир сўзга нақш этади: муҳаббат! Кўнгилда муҳаббат бўлмаса, инсон кўзлари турфа ранглари фарқлай билмас, ҳислари ғўзал оҳанглари энглай олмас ва ниҳоят, қўллари ҳаётни бу даражада безай олмас эди. Шунга кўра инсон юрагидан севса, муҳаббат қўяганини бошига кўтаради. Бепоён тоғлар силсиласига, Питнак қирларига боқар экансиз, улар минглаб бунёдкорларнинг халқ гузаллиги, она ерга бўлган муҳаббат акс этиб турган кўзгудек туюлади. Шунда Туямўйин қурувчиларига нисбатан кўнглингизда битмас-туганмас эҳтиром туғилади. Уларнинг нурли сиймолари бир-бир кўз ўнгингиздан ўтади.

Бетончи Нурмат Йўлдошев — Туямўйин қаҳрамонларидан. Қирқ беш ёшларда. Унинг биринчи фазилати: меҳнатининг мақсадини яхши билади. Нияти суръатда ҳам, сифатда ҳам пешқадам бўлиши. Чунки келажак меъмори, обиҳаёт тўла денгиз яратиб, халқнинг асрий орзусини рўёбга чиқармоқда. Коммунист қурувчининг ўзи билан суҳбатлашсангиз, жавоблари содда:

— Ишлаб юрибмиз... Ота-боболаримиз бир умр ариқ қазиб ўтдилар. Бизлар сунъий денгиз қураётибмиз... Бугун кўп сув керак. Ишни битириб яна Пештага қишлоғига...


Бу ёғини айтмаса ҳам маълум: деҳқон боласининг юрагини ер ушлаб туради. Унинг меҳнатига қиёс изласак, шундай ҳаётини муқофаси хаёлга келади: неча асрлардан буён бутун Питнак қирларида Чингиз тепалиги энг баланд ва энг баҳайбат бўлиб турар эди. Эндиликда канал дамбалари, бошқа иншоотлар орасида қолган бу тепалик бир сиқим тупроқдай кўринади.

Яраш Сафаров ҳам Туямўйиндаги юзлаб зарбдорларнинг бири. Ҳаётдаги шу воқеанинг мағзини чақмай туриб, уни чинакамига тушуниш қийин: 1966 йилги дахшатли зилзила Тошкент шаҳрида содир бўлса-да, Хоразмнинг юраги қақшади. Ушанда Яраш ўнинчи синфда ўқирди: қўлоғи — радиода, кўзи — газетанда... Етуклик шайхонамасини қўлга олдию йўлга шайланди. Ҳўғри Тошкентга йўл олди. Фишт терувчи бўлиб ишга кирди. Тез орада разрядли ишчи бўлди. Тошкент қурилишини Совет Армияси сафига кетди. Хизматни тугатганидан кейин яна Тошкентга қайтди. Тошкент бор гўзаллиги билан яшнаб турарди. Ярашнинг кўнгли тўлди. У энди янги қурилаётган Дружба шаҳрига жўнади.

Қурилиш раҳбарлари уста фишт терувчи Ярашнинг яна бир фазилатини сезиб қолдилар. У қоқликдан нафратланади. «Кимки, қоқоқ бўлса, ўрнини бўшатиб бериб, қўлидан келадиган бошқа ишни қилиши керак. Бир қоқоқ ўн илгорга халал бериб, орқага сургайди», дерди. Шунинг учун Ярашнинг энг қоқоқ бригадига бошлиқ қилиб тайинландилар. 1974 йили эса коммунистлар Яраш Сафаровни ўзларининг жанговар сафарига қабул қилдилар. У ҳақда устозларининг фикри шундай:

— Ярашнинг фазилатлари фақат яхши ишлашигина эмас, унда ўз замондошлари тақдирига масъуллик ҳисси кучли. Биз бу ўртоғимизни коммунистик ҳаётнинг ҳақиқий эгаси бўладиган янги ишчи авлоднинг аjoyиб вакили сифатида хурмат қиламиз.

...Ҳамма ҳаяжонда. Мадиёрнинг кўзларида ўт чақнайди. У гоҳ команда бериладиган томонга қараб қўяди, гоҳ «Биз, сени жиловлаймиз, Аму!», деган шiorга нигоҳ ташлайди. У — Амударёни тўсиш ҳуқуқини олиш учун бошланган мусобақанинги ғолиби. Жасоратли меҳнатини қадрлаб, бутун коллектив унга катта ишонч билдирди: Амударёни тўсишдек шарафли ишни топширди. Шу бетакор, умрини чақмоқдек ярқ этиб ёритиб юборган дақиқаларда у ҳаёт йўлини кўз олдига келтирди. Асли Питнақдан. Дастлаб бир ойча монтер бўлиб ишлади. Кейин экскаваторчи Георгий Поповичга шогирд тушди. Попович Мадиёрга



Янги социалистик шаҳар — «Дружба» қурувчиларининг байроқдорларидан бири — Яраш Сафаров.



Туямўйин гидроузели марказий қурилиш лабораториясининг етакчи инженери Ҳалима Норимова Хоразм воҳасининг келажагини яратаётганлар сафида меҳнат қилаётгани билан фахрланади.



А. ЖДАНОВ фотолари



Коммунистик меҳнат зарбдори! Сафарбой Жуманиёзов, Виталий Югай ва Николай Королёв Туямўйин қурилишидаги фидокорона меҳнатлари туфайли ана шу юксак номга эга бўлдилар.

КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига қизгин давом этган социалистик мусобақа монтажчи Комил Жуманиёзов каби комсомол-ёшлар учун чиниқиш мактаби бўлди.

ўз касби сирларини ўргатди. Мадийёрнинг назарида экскаватор ақлли ва қудратли махлуқдек бўлиб туюлди. Меҳр-муҳаббат билан ишлагани учун ҳам тез орада илғорлар сафидан ўрин олди. Устози оқ йўл тилаб, уни мустақил ишга йўллади.

Кўп ўтмай уни экскаватор машинистлари бригадари қилиб тайинладилар. Дўстлари аввал коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрли ном билан, кейин Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан муборакбод этдилар. Мана, устоз билан шогирд ёнма-ён турибди. Георгий Попович қувончи ичига сиғмай шундай деди:

— Раҳмат, Мадийёр!.. Энди, устозман, десам арзийди. Ахир хоразмликлар шогирди ўзидан ўзмаган устозни устоз демайдилар. Энди сен ҳам яхши устоз бўл!

Мадийёр Қиличев яхши устоз бўлди, унинг шогирдлари жуда кўп. Шогирдлари олға интилганлари сари келажак ҳам яқинлашаётгандай...

Мадийёр янграқ овозни эшитиб сергакланди. Биринчи марта парвозга қанот кераётган бургутдай чайқалиб қўйди. Амударёни тўсиш бошланди...

Туямўйинда етмишдан зиёд қурилиш ташкилоти бор. Агар шулардан бири кунлик топшириқни бажаролмай қолса, бутун қурилишнинг иш мароми бузилади. Бинобарин, қурилишнинг юксак ритмини талаб даражасида бошқара оладиган

раҳбар куч зарур эди. Виктор Григорьевич Духанин Туямўйин гидроузели қурилиши бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишга келиши билан ана шундай раҳбарлик органини ташкил этди. Бу — қурилиш оператив штаби эди.

Туямўйинда бўлганимизда, Сурхондарёдаги Катта Шеробод канали қурилиши қатнашчиси, ажойиб коммунист, III даражали Меҳнат шўхрати ордени кавалери М. Еникеев ва унинг касбдошлари билан танишдик. Қурувчилар КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг «Правда» газетасидаги суҳбатини биргаликда ўқимоқда эдилар. «Виктор Григорьевични янги ишлар кутарди. У Туямўйин гидроузели қурилиши бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланди. Бу ерда ҳам у вазминлик билан, баъзи бир раҳбарларга хос бўлган шовқин-суронсиз ишлаб, одамларни ўз орқасидан эргаштирди... Утган йили кўпминг кишилик коллектив Амударёни жиловлаб, уни ўз измига бўйсундирди. Бу ерда сунъий денгиз тез орада мавжланиб, Ўзбекистон ва Туркменистон территориясидан 500 минг гектар янги ерларни сўғориш имконини беради.

Хоразмда Духанинни сувнинг мири — мироб, деб бежиз айтмайдилар».

Бу сўзлар Туямўйин қурилишининг барча байроқдорлари ҳақида айтилган, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, бу ерда аввало мустақкам қурилиш индустрияси барпо этилди. Ердамчи корхоналар комбинати ҳозир ўндан ошиқ маҳсулот беради. Беш йил ичида пландаги 29 миллион 171 минг сўм ўрнига 29 миллион 826 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Учта қурилиш-монтаж бошқармаси, 10 участка, 25 бригада ноябрь ойидаёқ 1980 йил планларини бажарди. 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Т. Шаропов бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси, С. Цой, К. Саидов бошлиқ бригадалар, 3-қурилиш-монтаж бошқармасидан А. Турсунов, Ю. Фафуров бошлиқ бригадалар беш йиллик планларини 3,5—4 йилда адо этдилар. Туямўйинда қурилиш бошлангандан буён жами 187 миллион сўмлик, ўнинчи беш йилликда эса 100 минг сўмлик иш бажарилди.


Туямўйин гидроузели қурилиши бошқармаси партия комитетининг секретари И. Юсупов шундай дейди:

— Гидроиншоотимиз қурилишининг бир фазилати, менингча, ташаббускорликдир. «Ўзим учун ва ўша йигит учун» ватанпарварлик ташаббуси қурувчиларимиз маънавий дунёсининг бойлигини кўрсатди. Улар — 33 миллат вакиллари бир оила фарзандларидек тотув. 67 бригадамиз коммунист-



Туямўйин гидроузели манзаралари...

Дружба шаҳридаги ўрта қишлоқ профессионал техника билим юртида 720 ўғил-қиз экскаваторчилар, тракторчилар, бульдозерчилар каби касбларни ўрганмоқдалар. Улар нелгусида Туямўйин бунёдкорлари қаҳрамонлигини давом эттирадилар.



тик меҳнат бригадаси, 33 қурувчи коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга эга. Коммунистлар ва комсомоллар социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар. Партия ташкилоти сафида 304 коммунист бор. Уларнинг жанговар меҳнати, ташкилотчилик фаолиятини қурилишимиз суръатидан ҳам билиш мумкин.

Дарҳақиқат, Туямўйин бунёдкорлари сунъий денгиз, нурхона барпо қилиш билан бирга Питнак қирларида янги коммунистик шаҳар қурмоқдалар. Бутун мамлакат Дружба шаҳридан борини аямаетибди. Замоनावий кўпқаватли уйлар кўзни қувонтиради. Шаҳар аҳолиси шинам тураржойлар атрофини тобора ободонлаштирмоқда. Кенг йўллар четига чинорлар экилди. Яқинда намунавий лойиҳа асосида қурилган шифохона комплексининг биринчи навбати ишга туширилди. Комплексада боғ, хиёбон бунёд этилаётир. 400 ўринли киноконцерт зали, боғча-яслилар, барча қўлайликларга эга бўлган мактаблар ва бошқа янги объектлар шаҳар кўрғига кўрк қўшди. Иккита маданият уйи мунтазам ишлаб турибди. Болалар музика мактаби, болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бахтиёр фарзандлар таълим олмоқдалар. Хуллас, ҳамма жойда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Туямўйин қурувчилари КПСС XXVI съездини гидроузелнинг биринчи навбати қурилишини ту-

лик ниҳоясига етказиш ва 400 миллион кубметр сув жамғариш билан кутиб оладилар. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида янги ерлар очиш, сув таъминотини яхшилаш, айниқса янги суғориладиган яйловлар барпо этиш вазифалари қўйилди. Гидроқурувчилар ана шу катта вазифалар асосида истиқбол режаларини белгилаб олдилар. 1981 йили сув омборида камидан 2 миллиард 600 миллион кубметр сув жамғарилади. Хуллас, Хоразмнинг улғувор иншооти ойма-ой денгиз қиёфасини касб этмоқда.

Бутун Осиёда энг катта сув иншооти ҳисобланган бу қурилишни воҳанинг ҳар бир кишиси ўзининг масъул иши деб билади, унинг тўғрисида фахрланиб гапирди.

Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхознинг минг тонначи бригада бошлиғи, СССР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Солай Худойқулов шундай дейди:

— Воҳада бир қарич ер сувга қонмай қолса, бир этак пахта нобуд бўлади, дейдилар. Сир эмас, баҳорнинг айни яхши кунларида сув кутиб сарғаямиш. Воҳа тақдирида сув — биринчи масала. Шунинг учун ҳам у беш йиллик объекти бўлган... Бунёдкорлар омборларга сув йиғишга киришдилар. У сув эмас, Хоразм воҳасининг эр-

танги гулгун жамоли, баланд пахта хирмонлари, тилими тил ёрар бол қовунларию тўрт фаслда ҳам омборда сақланадиган узумлари... Биз, дехқонлар, алп бунёдкорлардан миннатдоримиз.

1919 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор, бутун умрини сув ишига бағишлаган Бобожон Отабоев билан Туямўйинда бўлганимизда, шундай деди:

— Бир умрга татийдиган иш бўлаётир. Бу фақат воҳани сув билан таъминлабгина қолмай, уни сув балосидан сақлайдиган буюк тўғон бўлади. Биласиз, ота-боболаримиз бир умр: «Ўт балосидан, сув балосидан, тухмат ердасидан сақлағай», деб дуо қилганлар. Эски Тўрткўл шаҳрини, қанчадан-қанча қишлоқларни дарё дейгиши — тошқини кўз олдимишда нуратиб кетди. Ҳар йили бир неча минг гектар ердаги экинлар дейишга кетарди. Энди бу даҳшатли сўз изоҳли луғатдагина учрайди...

Дарҳақиқат, Туямўйин гидроузели воҳа тақдирини янги мазмун билан бойитадиган — даврнинг энг муҳим қурилишидир. Хоразм денгизини ўттиз уч миллат фарзандлари бунёд этмоқдалар. Шунинг учун унинг умри гулдай гўзал, пўлатдай мустаҳкам, денгиздай бетиним бўлади.

Насрат СОЛАЕВ

«Гувоҳнома № 459. 1918 йил 29 июнь. Петроград. Берилди ушбу гражданин Вали Бурнашевга шу тўғридаким, у ҳақиқатан ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг 2-гаражида хизмат қилади. Мазкур гувоҳнома унинг Петроград шаҳри бўйлаб монесиз қатнаши учун берилдиким, имзолар ва печать билан тасдиқланади. 2-гараж комитетининг раиси В. Жмойдо. Секретарь В. Каниш». Мухаммадвали Сайфулла ўғли Бурнашевнинг ёш Советлар мамлакатининг бош гаражидга хизмат қилганидан шохидлик берувчи бу ёрқин ҳужжат ҳозир Тошкентда яшаётган гувоҳнома эгаси қўлида сақланмоқда.

Ёш революционер Бурнашевнинг пролетариат доҳийси В. И. Ленин ва унинг яқин сафдошлари Я. М. Свердлов, М. И. Калинин, Ф. Э. Дзержинский, Н. К. Крупская, М. И. Ульянова, Г. К. Орджоникидзе, С. М. Киров, В. Д. Бонч-Бруевич, Е. Д. Стасова, А. М. Коллонтай ва бошқалар билан неча марталаб учрашганларини, уларни неча марталаб машинада олиб юрганларини санаб битиргусиз. Аммо Улуғ Октябрь революциясининг ветерани уларни сира ҳам ёдидан чиқармайди.

Мухаммадвали Бурнашев эски ҳисоб билан 1891 йилнинг 8 мартда Петербургда тамбовлик деҳқон Сайфулла Бурнашев оиласида туғилди. Унинг отаси Россия пойтахтига иш қидириб келган эди.

Мухаммадвалини ўн бир ёшида Невский проспектидаги француз Альберт фабрикасига малайликка берадилар. У фабрикада уч йилча ишлайди. Революцион «фитна»да қатнашганлиги учун фабрикант уни калтаклаб, коржомасини ечиб олиб кўчага ҳайдайди.

— Ана шундан кейин мен ўн йил тўғри келган жойда ишлаб, ташвиш ва машаққат билан кун кечирдим,— деб эслайди Мухаммадвали ота.

Болалигиданоқ техникага ҳавасманд бўлган Мухаммадвали ўша вақтда кам учрайдиган шофёрлик ҳунарини эгаллашга аҳд қилади. Революциягача Петербургда автомобиллар санокли эди. Вали Гатчинага бориб, «Сикорский ва Илья Муромец» автомобиль билим юртига ўқишга киради. У ерда бир йилу уч ой ўқишга Петербургда қайтиб келади. Бурнашев «Бенц» фирмасининг Лиговкадаги гаражига шоғирд бўлиб киради.

— 1912 йили мени автомобиль билан бирга Белотуков деган кавказлик князга сотишди,— деб истеҳзо билан эслайди Мухаммадвали ота.

Белотуков унга ойига 35 сўмдан маош тайинлайди. Петербургдаги банклардан бирининг эгаси Белотуковнинг фаҳш ҳаёт кечиришидан нафратланган Мухаммадвали унда хизмат қилишдан воз кечиб Царское селодаги давлат гаражига ишга киради. Аслида «Ҳазрати олийларининг мулки бўлган бу гараж чор генерали Осипов қўли остида эди.

Тез орада ёш шофёр революцион рўҳдаги ишчилар доирасига киради. Бурнашев уларнинг йиғилишларида қатнашиб, кўпгина революционер ишчилар билан яқиндан танишади. Тез орада «ишончсизлиги ва итоатсизлиги» учун уни «Ҳазрати олийларининг гаражидан бўшатадилар. Кейин маълум бўлишча, генерал Осипов Бурнашевнинг ишончсизлиги ва революционерларга хайрихоҳлиги ҳақида Буюк князга рапорт ёзиб, уни «Ғоятда хавфли шофёр», деб атаган экан. Бурнашевга автомобилни топширишни буюрадилар, шундан сўнг уч солдат кузатувида уни тўппа-тўғри Петроград вокзалига жўнатадилар. Бурнашеви ўзи каби ишончсиз деб топилганлар жойланган вагонга чиқариб, айбдор сифатида ҳаракатдаги армияга — Витебска юборадилар. Йўлда Мухаммадвали подшо солдатлари революцион кайфиятдаги студентлар ва ишчилар тушган беш вагонни кузатиб бораётганларидан хабардор бўлади. Витебскдан уларни Минскка жўнатадилар. У ерда уларни батальонларга тақсимлаб қўлларига чўкичу белкурак тутказиб, хандак ва блиндаж қазичу учун Молодечнога йўллайдилар.

Бу вақтда 1916 йилнинг кеч кузи эди. Бурнашев қаттиқ шамоллаб, зотилжам касалига чалинади. Уни фронт яқинидаги лазаретга ётқиздилар.

Бошлиқлар Бурнашевнинг касби шофёр эканлигидан хабар топадилар. 10-армия қўмондонни Эверт уни соғайгаҳ ўлжа олинган автомобилга

шофёр қилиб тайинлайди. Бурнашев бир ҳафта мобайнида машинани тузатиш билан банд бўлади. Кейин Эверт автомобилни шофёри билан бирга армия санитария бўлимининг бошлиғи Коковцева деган полковник хотин ихтиёрига беришни буюради. Шунгача бу хотин яқингинада ўз кучерини отиб ташлаган экан.

— Менга шофёр ва денщик бўласан,— дейди у Бурнашевга. Агар иродасизлик қилгудек бўлса, унинг ҳам қисмати ўша кучернинг қисматидек тугаши мумкинлигини айтади. Учунчи кунни Бурнашев бу жаллод хотиндан қочиб кетади. Соқчилар уни авиация заводининг командири полковник Горшков ҳузурига олиб келадилар. «Қочоқ» нима учун қочганини полковникка очиб айтади ва ўз қисмида хизмат қилишга қолдиришни сўрайди. Шундан сўнг Бурнашев полковник Горшковнинг шофёри бўлиб хизмат қила бошлайди.

Бурнашев командири билан биргаликда кўп марталаб немисларга қарши жангларда иштирок этади. У 1- ва 2-даражали «Ижтиҳоди учун» Георгий медаллари билан тақдирланади. Бурнашев фронтдалигида Николай подшонинг тахтан туширилганлигини эшитади. Ҳаракатдаги армия солдатлари орасида ғалаёнлар бошланади. У ердаги революцион комитетларнинг фаолияти кучаяди. Мухаммадвали Бурнашев ҳам революцион ишга бел боғлайди.

Бурнашев революцион кайфиятдаги бир гуруҳ солдатлар билан Петроградга бориб, питерлик революционерларга мадад беришга аҳд қилади. Петроградда ҳокимият тепасида Муваққат ҳукумат турарди. Дастлаб Мухаммадвали ўртоқлари билан отасининг уйига жойлашади. Шундан сўнг улар Кшесинская саройи қошида иш олиб бораётган большевиклар революцион комитети клуби аъзолари сафига қўшиладилар. Бурнашев сафдошлари билан революцион ишга киришади. Тез орада уни большевиклар партияси аъзолигига қабул қиладилар. Худди ана шу кунларда у жанговар дўстлари билан биргаликда Россия пролетариатининг йўлбошчиси В. И. Лениннинг Кшесинская саройи балконида сўзлаган тарихий нутқини тинглайди.

Петроградда большевиклар В. И. Лениннинг Финляндиядан қайтиб келишини сабрсизлик билан кутар эдилар. Петрограднинг Финляндия вокзалида доҳийни кутаётганлар орасида Мухаммадвали Бурнашев ҳам бор эди. Питер пролетариати буюк доҳийни чексиз шоду хуррамлик билан кутиб олди. Бурнашев Владимир Ильич Лениннинг броневикда туриб сўзлаган машҳур нутқини умрбод ёдида сақлаб қолди. Ленин тарихий нутқиде революцион ишчилар, солдатлар ва матросларни социалистик революцияга қақирди.

— Менга ҳам, барча ишчилар, солдатлар ва матросларга ҳам доҳиймиз Лениннинг оташин сўзлари кучли таъсир қилди,— деб эслайди Мухаммадвали ота ўша кунларни.— Бутун ҳокимият большевиклар қўлига ўтажаги, сотқин Муваққат ҳукуматнинг, эсерлар ва меньшевикларнинг ҳалокатга учраяжак бизни айниқса қувонтирарди. Ишчилар ва деҳқонлар, солдатлар ва матрослар ҳаётида янги давр бошланажаги, давлатни меҳнаткаш халқ бошқаражаги бизни ғоят руҳлантирарди.

Петрограднинг ҳамма жойларида революцион комитетлар ва отрядлар тузилмоқда, улар фаол иш олиб бормоқда эди. Бурнашев шофёр бўлиб ишлайдиган «Рено» заводиде ҳам революцион комитет тузилган эди. В. И. Лениннинг бевосита раҳбарлигида Улуғ Октябрь революцияси амалга оширилгунга қадар ғоят кенг миқёсда тинимсиз тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бурнашев ўз ўртоқлари билан «Рено» заводиде ташвиқот-тарғибот ишларини ўтказарди. У ишчилар ва солдатлардан жанговар дружиначилар тузиш ишларида фаол қатнашди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси амалга оширилиб, башарият тарихида янги давр бошланди. Қишлоқ саройга ҳужумдэ иштирок этганлар сафида Мухаммадвали Бурнашев ҳам бор эди. Совет ҳокимияти ўрнатилиши биланоқ Бурнашеви Халқ Комиссарлар Совети Авто бўлимининг бошлиғи Садовский ҳузурига таклиф этдилар. У Бурнашеви ХКСнинг ишлар мудирини Владимир Дмитриевич Бонч-Бруевич билан тақширди. Бонч-Бруевич Бурнашев билан узоқ суҳ-

батлашгач, уни Владимир Ильич ҳузурига олиб келди. Ленин унинг қаерда ўқиганини, шофёрлик ҳунарини қаерда ўрганганлигини, партияга қачон кирганини сўради, оилавий аҳволи, фронтдаги вазият ҳақида ўйлари билан қизиқсинди.

— «Демак, Мухаммадвали Сайфулович, бизда шофёр бўлиб ишламоқчисиз?», деди Владимир Ильич,— дея эслайди Бурнашев.— «Ҳа, албатта», дедим мен. Шундан кейин Владимир Ильич: «Яхши, жуда яхши, ўртоқ Бурнашев. Шуни билиб қўйинки, сиз биринчи революцион ҳукуматнинг авто бўлимида ишлайсиз. Ҳа, ҳа бу зиммангизга кўпгина масъулият юклайди», деди. «Катта раҳмат, Владимир Ильич, ишончингизни оқлашга ҳарзат қиламан. Авто бўлимда ишлашга иштиқим зўр», деб жавоб бердим. Кейин Владимир Ильич жилмайиб, қўлини елкамга қўйди—да, меҳр билан шу сўзларни уқтирди: «Қадрли Мухаммадвали, биз бирга ишлаймиз, билиб қўйинг, кўп ишлашга, жуда кўп ишлашга тўғри келади. Вақт оғир. Кураш узоқ давом этади, биз албатта енгиб чиқамиз. Ҳа, ҳа, енгиб чиқамиз. Сиз буни бир қақча ҳам унутмаслигингиз керак. Сиз шофёргина эмас, революционер ҳамсиз. Сиз рўлда қўлингиздэ қурол билан Совет ҳокимиятини ҳимоя қилишга тайёр туришингиз керак». Ленин менинг қўлимни сиқиб хайрлаша туриб, Бонч-Бруевичга: «Владимир Дмитриевич, айтинг, ўртоқ Бурнашевга мандат билан тўппонча беришини», деб тайинлади. Мен Лениннинг кабинетидан қувончимдан теримга сиймай чиқиб кетдим.

Ўша кунни Мухаммадвали Бурнашев номига унинг Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг 2-гаражида шофёр бўлиб ишлаётганини билдирадиган мандат, шунингдек, унга қурол тақиб юриш ҳуқуқини берадиган мандат ва мусодара варақаси топширилди.

— Сизга буржуйларнинг автомобилларини мусодара қилиб, Марказий Ижроия Комитетининг иккинчи гаражини ташкил қилишдек масъул вазифа юкланади,— деди Бонч-Бруевич.

Мухаммадвали Бурнашевнинг қўлида ўша вақтда берилган шундай ҳужжат сақланади: «Ишчи ва солдат депутатлари Петроград Совети ҳузурда Ҳарбий-революцион комитет Автомобиль бўлими. Петроград, 1917 йил, декабрь. Берилди ушбу Мухаммадвали Бурнашевга шу тўғридаким, у «Наган» системасидаги 617912 рақамли тўппончани эркин тақиб юриш ҳуқуқига эгадир...»

Революцион-ҳарбий комитетнинг мандатида юклатилганидек Мухаммадвали Бурнашев Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг иккинчи гаражини барпо этишга киришади. У биринчи қадамларидан зўр қийинчиликларга дуч келади. Совет тузумининг душманлари тўсқинлик кўрса-тиб, кўпориш ишларини олиб борадилар. Буржуйлар революцион қонунларга итоат қилмай, автомобилларини қисмларга ажратиб ташлайдилар, йўқ қиладилар. Бурнашев Нобель шеркатининг ҳиссадор аъзоси капиталист Манташевнинг ўз лимузинини бўлақларга ажратиб яшириб қўймоқчи бўлганидан хабар топади. Бурнашев икки қизил гвардиячи билан буржуйнинг гаражига кириб келганида «Ролл-Ройс» маркали автомобилнинг бузилиб, қисмлари ерда сочилиб ётганини кўради. Ҳиссадорнинг шофёри машина большевикларга ўтиб кетмаслиги учун капиталист унга икки ойлик маошини олдиндан бериб автомобилни бузиб ташлашни буюрганни айтади. Революция номидан автомобилни қайтадан йиғишни буюриб, уни гаражга олиб кетадиган Шофёр Никандров ўзининг революцион гаражда ишлашга руҳсат беришларини сўрайди. Никандров большевиклар ишонч билдирганларидан ғоят қувониб, ўз вазифасини садоқат билан адо эта бошлайди.

Италиялик банкир Кафтелнинг гаражида ҳам Бурнашев шундай ҳолга дуч келади. Банкирнинг «Вакс-Холл» маркали автомобили ҳам бузиб ташланган эди. Бу ерда ҳам автомобилни қайта бошдан йиғдириб, уни революцион ҳокимиятга топширишга мажбур қиладилар.

Бурнашев ҳамкасаба ўртоқлари билан биргаликда зўр қийинчиликларга қарамай 5 автомобилдан иборат гараж барпо этдилар. Гараж манеж биносига жойлашади. Шофёрлар штати ҳам тайинланади. Бурнашев бош шофёр ва механик қилиб белгиланади. Никандров, Лобезов, Кнопка



Муҳаммадвали Бурнашев Тошкент Давлат университети профессори Ҳасан Расулев, журналист Исҳоқ Забиров ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Иброҳим Еникиевга унутилмас хотираларини сўзлаб бермоқда.

А. ЖДАНОВ фотоси

шофёр этиб тайинландилар. Улар барчалари илгари капиталистларга мансуб бўлган машиналарда ишлайдилар. Гаражда ишлар қизиқ кетади. Шофёрлар эксплуататор хўжайинга эмас, революцион Совет ҳокимиятига хизмат қилаётганликларидан хурсанд эдилар. Ҳарбий ҳисобланган 1-гаражда эса Степан Кузьмич Гиль, Космачев ва бошқалар ишламоқда эдилар.

— Автомобиллар ҳукумат аъзоларига шахсан бирикитиб қўйилган эмас,— деб ҳикоя қилади Бурнашев,— иш юзасидан навбат билан чақирилар эди. Бошқа шофёрларимиз каби мен ҳам кўп марта Владимир Ильич Ленинни, Я. М. Свердлов, М. И. Калинин, Ф. Э. Дзержинский, А. В. Луначарский, Н. К. Крупская, М. С. Урицкий, В. Д. Бонч-Бруевич, А. М. Коллонтай ва бошқа партия ҳамда ҳукуматимизнинг раҳбарларини олиб юриш бахтига муяссар бўлганман. Владимир Ильич аллаҳалгача қолиб ишларди,— деб эслади Бурнашев.— У кўпинча автомобилни кечқурунлари чақиртирарди. Мен уни кўпинча Путилов ва Обухов заводларига, бошқа корхоналарга ишчилар кечки сменада ишлайдиган вақтларида олиб борардим. Ленин ишчилар билан узоқ суҳбатлашар, уларга нутқлар билан мурожаат этар эди. Улар Владимир Ильични доимо машинагача кузатиб қўйишарди. Суҳбат вақтида у кўпинча қўйин дафтари олиб, ёзиб ўтирарди. Бир куни мен ундан: «Қўлингиз чарчамайди, Владимир Ильич?», деб сўрадим. «Йўқ, қадрли Муҳаммадвали, чарчамайди,— деди у. Кейин жилмайганча сўзида давом этди:— Фақат ишқамас одамнинг қўли чарчамайди. Мана сизнинг қўлингиз руль ушлаб сиз ҳам чарчамайди, сиз ҳам ишлашни яхши кўрасиз, шундай эмасми?» «Ҳа», дедим мен. Баъзан Владимир Ильичдан: «Машинани тез ҳайдайми, секин ҳайдайми?», деб сўраб қолсам, у: «Сизга қандай қулай бўлса, шундай ҳайданг», дерди. Мен эса машинани секинроқ ҳайдашга тиришардим. Негаки, Владимир Ильич, баъзан ҳатто йўл-йўлакай нималарнидир ёзиб борарди. Қандай ажойиб, олижаноб инсон эди Владимир Ильич. Унинг одамийлиги, оддий кишиларга меҳрибонлиги, бекиёс, улуғвор сиймоси мени ҳамаша ҳайратлантирарди!.. Бир куни мен Владимир Ильични Питердаги фабрикалардан бирига олиб кетаётган эдим. Ёмғир шаррос қуймоқда эди. Невский проспекти билан Пушкин кўчасининг чорраҳасида қандайдир чолни қўлтиғидан суяб кетаётган икки йигит қўлларини кўтариб машинани тўхтатишимизни илтимос қилди. ХКС ишлар мудирининг хавфсизликни сақлаш мақсадида ҳукумат машинасига бегона кишиларни чиқармаслик кераклиги ҳақида кўрсатмасини ёдда тутган ҳолда мен йўлимда давом этвердим. Аммо Владимир Ильич бу ҳамларнинг имо-ишораларини кўрган шекилли, ташвиш билан шундай деди: «Машинани тўхтатинг, чамаси йигитлар бемор одамни олиб кетаётганга ўхшайдилар». Дарҳақиқат, ҳалиги чол касал экан. Уни суяб келаётган йигитлар уларни Знаменская майдонидаги аптекагача олиб бориб қўйишимизни илтимос қилдилар. Владимир Ильич бу ҳамроҳлар билан қадрдон танишлари билан сўзлашаётгандек суҳбатлаша кетди. Улардан питерлик оддий кишиларнинг Совет ҳокимиятига, больше-

викларга муносабатини суриштира бошлади. «Биз ишчилар ҳукуматидан миннатдоримиз, умид қиламизки, тез орада ҳамма нарсаси жуда яхши бўлиб кетади», дейишди йигитлар. «Мен у кунларни кўролмасам керак, деб кўрқаман», деди бемор чол. «Албатта кўрасиз», деди унга Ленин. Аптекага етиб келганимиздан кейин қария миннатдорчилик билдириб: «Хўжайининг жуда яхши одамга ўхшайди, уни хафа қилма», деди. Мен кулдим-да, яна йўлга тушдим. «Ана, кўрдингизми, Муҳаммадвали, ҳеч нарсаси йўқотмасак ҳам шунча миннатдорчилик эшитдик», деди Владимир Ильич қувонч билан кулиб. 1917 йил охири билан 1918 йилнинг бошлари машаққатли вақтлар эди,— деб ҳикоясини давом эттирди Бурнашев.— Биз бир кунга чорак қадоқ нон олардик. Бир куни Ростов-Дондан Петроградга, революцион штаб ҳузурига икки вагон озиқ-овқат келди. Ленин озиқ-овқатни касалхоналар ва етимхоналарга тарқатишни буюрди. Озиқ-овқат олиб келганлардан кекса бир деҳқон Владимир Ильичга бир буханка нон тақдим қилди. Ноннинг бир чекасидан озгина кесиб олган, Ленин уни ҳалиги деҳқонга қайтарди-да, «Мана шуниси шофёр икковимизга етади, бунисини болаларга беринглар», деди.

1918 йилнинг мартада ҳукуматнинг декретига биноан Совет давлатининг пойтахти Петрограддан Москвага кўчирилди. Халқ Комиссарлари Совети, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети, давлат ва ҳукумат муассасалари Москвада ишлай бошладилар. ХКС ишлар мудирининг кўрсатмасига мувофиқ Муҳаммадвали Бурнашев Губерния ижроия комитетининг автомобиль хўжалигининг ташкилотчиси сифатида Петроградда қолдирилган эди.

Октябрь революциясининг дастлабки ойларида Бурнашев Петроградда отаси ва укаси билан бирга яшарди. Совет ҳукумати Москвага кўчиши арафасида Муҳаммадвалининг отаси қаттиқ бетобланиб қолди. Владимир Ильич Бурнашевга отасини Тамбов губерниясидаги қишлоғига жўнатишни маслаҳат берди. 1918 йилнинг ёзида эса Бурнашевни Москвага чақириб, Тамбовга бориб контрреволюцион исённи бостиришда иштирок қилишини таклиф этдилар. У Тамбов Революцион комитети ҳузурига етиб борди. Бурнашевни Негель бошчилигидаги революцион отрядга йўлладилар. Бўлималардан бирига бош бўлган ҳолда у контрреволюцион бандаларга қарши қаҳрамонларча жанг қилди. Қизгин жанглардан бирида Бурнашев оғир яраланди. Соғайганидан сўнг уни партия-совет ишларини йўлга қўйишда иштирок этиш учун ота юрти — Азиево қишлоғига юбордилар. У контрреволюция, кўпоровчилик ва чайқовчиликка қарши омонсиз кураш олиб боради.

1919 йили баҳорда чекист Муҳаммадвали Бурнашевни яна Москвага таклиф этадилар. Унга муҳим партия-давлат топшириги — Қозонга бориб, у ерда Татаристон АССР автотранспортининг ишини йўлга қўйиш вазифаси юкланади.

Бурнашевнинг олдида ҳеч қандай ресурсларга эга бўлмай туриб, Татаристон АССР Халқ Комиссарлари Совети автобазасини барпо этишдек машаққатли муаммо турарди. Бу мушкул ишга у ғайрат-шижоат билан киришди. Тез орада

ТАССР Халқ Комиссарлари Совети Бурнашевни махсус мандат билан Москвага командировка қилди.

— Москвада менга яроқсиз деб топилган машиналар орасидан 18 автомобиль ва 5 самолёт танлаб олишга рухсат бердилар,— деб ҳикоя қилади Бурнашев.— Неча кундан кейин ҳам ҳали тузатиб ишга яратса бўладиган бир неча автомашина билан самолёт танлаб олгач, ҳужжатларни расмийлаштириш учун Халқ Комиссарлари Советига бордим. ХКС йўлагига Владимир Ильич билан учрашиб қолдим. У мени дарров таниди. «Салом, Муҳаммадвали Сайфулович!», деди у меҳр билан. Кейин Владимир Ильич менинг ишларим, тақдирим ҳақида муфассал суриштирди. Сўнг машиналарни олган-олмаганимни сўради. Лениннинг менинг нима иш билан келганимдан хабардорлигига ҳайрон қолдим. Мен ҳамма гапни айтиб бердим ва ёрдам кўрсатгани учун Совет ҳукуматида миннатдорчилик билдирдим. У менга машиналарни Қозонга жўнатиш учун кўмак сўраб Бонч-Бруевичга мурожаат қилишимни маслаҳат берди. «Энди, юринг, овқатланамиз», деб у мени Кремль ошхонасига таклиф этди. Овқат вақтида Владимир Ильич менинг ота қишлоғим, Тамбов, Қозон ҳақида, деҳқонлар ва Қозон ишчиларининг ҳаёти ҳақида гапириб беришимни сўради. Лениннинг қишлоқ меҳнаткашлари ва ишчиларнинг ҳаётида юз бераётган революцион ўзгаришлардан гоят хурсанд эканлиги аён кўриниб турарди. Овқатланиб бўлганимиздан сўнг Владимир Ильич менга муваффақиятлар тилаб, самимий хайрлашди. Бу менинг улуғ дохийимиз билан сўнгги бор учрашувим эди. Владимир Дмитриевич Бонч-Бруевичнинг ёрдами билан ўша кунидеқ қимматли юклар ортилган поездда Қозонга жўнадим. Биз автобаза шофёрлари ва слесарлари олиб келинган автомобиль ва самолётларни икки ой мсбайнида ремонт қилиб, фойдаланишга топширдик. ТАССРнинг биринчи автобазаси ва ҳаво транспорти 1921 йилнинг бошларида шу тариқа иш бошлади.

Муҳаммадвали Бурнашевнинг фаолияти Улуғ Ватан урушигача узоқ йиллар Татаристон АССР автомобиль транспортининг тараққиёти билан боғлиқ бўлди. У шофёр бўлиб ҳам, автобаза бошлиғи, инженер, механик ҳам бўлиб ишлади. Бурнашев қаерда ишлагани, партия ва давлат уни қаерга йўллагани, ҳамма ерда ҳам ўзини билимдон, серғайрат ходим сифатида кўрсатди, улуғ Лениннинг маслаҳат ва кўрсатмаларини доимо дилда ёд этган ҳолда социалистик қурилишнинг олдинги сафларида бўлиб келди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Муҳаммадвали Бурнашев ички ишлар органларида муҳим вазифаларни бажарди. У Қозон — Горький — Чебоксар — Москва йўллари бўйлаб кўпинча бомба портлашлари остида ҳарбий юклар ва муҳим ҳужжатларни кузатиб борди. Фронтдаги жанглардан бирида ҳарбий учувчи ўғли қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Урушдан сўнг Бурнашев яна Қозонга, қадрдон ишига қайтди.


1947 йили Муҳаммадвали Бурнашев саломатлиги тақозосига кўра врачларнинг маслаҳати билан Тошкентга кўчиб келди. Бу ерда у кекса бўлишига қарамай, Тошкент Давлат медицина институти ва ДОСААФ Комитетлари гаражларида бошлиқ бўлиб ишлади. Бурнашев 1950 йилдан буён шахсий пенсионер бўлса-да, меҳнат фаолиятини тарк этмади. 1966 йилнинг 26 апрелидаги зилзиладан сўнг Бурнашев «Росташстрой» трести автобазасида ишлаб, Россия Федерацияси бинокрлари билан бир сафда янги Тошкентни тиклашда фидокорона жонбозлик кўрсатди.

Икки революция ва жасурана меҳнат ветерани Муҳаммадвали Бурнашев кекса ёшига қарамадан Ўзбекистон пойтахти ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда. Уни ҳали ҳам мактаб ўқувчилари, студентлар, жангчилар, ёш ишчилар ва меҳнаткашлар орасида ўқтин-ўқтин учратиш туриш мумкин. Революция ва меҳнат ветерани, Лениннинг толмас шоғирди Бурнашевнинг Чилонзордаги квартирасига ёшлар кўплаб келиб турадилар. Улар табаррук отахонининг улуғ дохийимиз Ленин билан бўлган унутилмас учрашувлари ҳақидаги ҳикояларини тинглаш иштиёқида келадилар. Буюк Лениннинг қўтлуғ 110 йиллиги кунларидаги Собир Раҳимов райони ёшлари билан бўлган учрашувда Муҳаммадвали Бурнашев юрак сўзларини шундай изҳор этди:

— Лениннинг номи бутун тараққийпарвар инсоният учун ардоқли, у мен учун ҳам гоят ардоқли. Чунки мен Владимир Ильич билан учрашиб, сўзлашиб, унинг қўли остида ишлаш бахтига муяссар бўлганман. Улуғ дохийимизнинг ўлмас хотирасини дилимда абадий сақлайман!..

Революция ва меҳнат ветерани ҳамон сафда. 1981 йилнинг 21 мартада у 90 ёшга киради.

Исҳоқ ЗАБИРОВ



ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

* * *

Қибрис оролининг қоим мақоми
Генерал Отелло, сақланинг бугун:
Бу оқшом — Ягонинг бахтли оқшоми,
Бу тун — ёвузликка тож кийдирган тун!
Генерал Отелло, Дездемонангиз
Пок эрур, илтимос, босингиз ўзини.
Илтимос, бас энди, такрорламангиз
«Рўмолча!...», деган бу даҳшатли сўзни!
Генерал! Унутинг борлигин ётоқ,
Кетинг, яқинлашманг!.. Узим кетаман,
Эвоҳ, кетаману кўрмай, деб, бироқ
Курақлар сирқираб — мен ҳис этаман:
Совуққон ғазабда оққуш бўғзини
Қора омбир билан қиса бошлайсиз
Ва Дездемонанинг сўнги сўзини
Тобут қопқоғига михлаб ташлайсиз.
Йўқ, йўқ! Кўролмайсиз тобутни — йўқ у!
Энди сиз — дунёда ҳуқуқсиз соя!
Ҳаққингиз: Ягога бир зарб урмоғу
Шўрлик турк ҳақида сўнги ҳикоя!
Генерал! Сиз — оқ қалб, қоп-қора ғамсиз!
Сиз — на қайсар рашку на ўлик қувонч
Ва на муҳаббатга сўнги мотам! Сиз —
Ўзлиги ўзини ўлдирган Ишонч!
Бу ҳукм — қоралаш, ноҳақлик эмас,
Ёки камситишмас сизни, кечиринг;
Юрак ҳазратлари номи билан, бас,
Генерал Отелло, мен билан юринг!

Абадият ва умр
Сингари оқади сув.

ОИБЕК

Илк япроқлар дарахт фикридек
Ой нурида ярқираб ётар.
Абадият, умр зикридек
Мис ранг анҳор шарқираб ётар.
Мен биламан: мен кетгач, бунда
Кўприкдан боқиб куйига,
Сен жим қулоқ тутасан тунда
Соҳилдаги излар куйига.
Эҳ, гўзалим, нечун сен ҳалак,
Фарқлайман деб турфа изларни? —
Барибир ҳам бу кўҳна фалак
Битта изга солар бизларни.
Сўнг, умримиз Вақт кўригида
Поездлардек учар-у, аммо
Абадият кўпригида
Ҳалокатга учар доимо.
Япроқ эса дарахт фикридек
Ой нурида ярқирайверар;
Абадият, умр зикридек
Мис ранг сув ҳам шарқирайверар...

* * *

«Сизни ҳам ташвишга солганми бир дам
Менинг орзуларим, менинг ўй-дардим?...»
Сен тушиб келаркан лозазор қирдан,
Мен кутиб адирда, шуни ўйлардим.

Унда — заиф истак, орзуманд ўқинч,
Унда на миннату таъна бор эди
Ва лекин қалбимга чақиндек кўрқинч
Солгувчи ялт этган маъно бор эди:

Бир умр, бўлсин, деб, мени нурафшон,
Ўзингни ёруғдан нарига олдинг.
Пастлаб келганда ҳам ҳатто Қаҳқашон
Тақдирга шукур, деб, соямда қолдинг...

Мен — пастда, келасан юксакдан тушиб,
Шу, билсам, ҳақиқий ўрнимиз экан.
Тиз эмас, виждоним энди увишиб,
Қошинга бораман бош эгиб, бекам.

Сен-чи, шу сайр учун мендан миннатдор,—
Ҳайҳот, айбим ошар яна ўн ҳисса:
Бок, турар қаршингда худбин, нобакор,
Ҳатто узрга ҳам ҳаққи йўқ кимса!

Барглар бир-бирин туртар,
Енгамиз, деб, шўх сойни.
Энг адл терак чертар
Чирманда қилиб ойни.

Ялпиз титраб куйида,
Сойдан хушбўй анқийди.
Чирилдоқлар куйидан
Ёз кечаси балқийди.

Сен ҳам балқиб, ойжамол,
Тўлдирасан кўйнимни.
Жиндак сирғалган рўмол
Қитиқлайди бўйнимни.

Сўзлар ҳароратидан
Ёниб атроф, бир йўла
Етти осмон қатидан
Тўкилару бор шуъла,

Бўса чақнар сўз ўчиб,
Қалб гавҳардек ярақлар.
Икки умрни қучиб,
Битта тақдир чарақлар...

Сўнг яна бари қайтар:
Шеърдек тинглаймиз сойни;
Терак ҳам шилдиратар
Чирманда қилиб ойни...

* * *

ИБРАТЛИ УМР

А НГИ йил арафасида ҳамқишлоқларим — 72,5 минг тонналик «оқ олтин хирмони яратган пойариқликларнинг ҳосил байрамида қатнашдим. Уша куни икки тўй бир-бирига уланиб кетди. 1921 йилдан КПСС аъзоси, район ижрокомининг биринчи раиси, меҳнат ветерани Назар ота Бобожонови-нинг 80 йиллиги ҳам нишонланди. Гулдурос қарсақлар остида Самарқанд область партия комитетининг табриги ва бошқа қутловлар ўқиб эшиттирилди.

Қувончдан кўзлари намланган ота оҳиста ўр-нидан туриб, ҳаяжон билан миннатдорчилик бил-дирди:

— Бу ҳурмат, эътибор учун партиямга, хал-қимга, сизларга минг бор қуллуқ!

...1977 йил, 5 ноябрь. Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги арафаси. Пойтахтимизнинг мухташам Санъат саройида бўлиб ўтган тантанали мажлис-да Назар ота ҳам иштирок этди. Фахрий ўрин-лардан бирида ўтириб, юксак минбардан ветеранлар шаънига илиқ сўзлар айтилганда қувон-чидан тўлқинланиб ён-веридаги соч-соқолига йиллар гарди қўнган, кўксини орден-медаллар

безаб турган тенгдошларига ички ғурур билан қараб кўйди, тенгдошларида ҳам шу туйғуни ҳис қилди. Танафус пайтларида узоқ йиллар кўриш-маган таниш-билишлари билан учрашди, ўтмиш хотираларини эслашди. Кечқурун меҳмонхонада алламаҳалгача уйқуси келмади. Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Комитетидаги қабул мароси-мида республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғига кўшиб топширилган олтин соат милининг бир маромда айланишига маҳлиё бў-либ, беихтиёр ўтмишини эслаб кетди.

Эсини танибдики, меҳнат қилади. Тўғилиб ўсган Хаччамуқри қишлоғида (ҳозирги Галлаорол район Гафур Ғулом номидаги колхоз) дастлаб подачилик қилди, ёзда бошоқ терди, ёлғизқўл отасининг юмушларига қарашди. Лекин бири икки бўлмади. Тирикчилик йўлида тентираб Челак қишлоғига йўл олди. Эшбой ҳожига, сўнг Дар-вишиқда Обидбойга чоракор тушди. Аммо бу ерда ҳам тирикчилик кечириб қийин бўлди. Мироблик қилиб, кеча-кундуз ариқ ёқалади. Жилдираган сув учун сан-манга бориш; жиққа-мушт бўлишлар... Йўқ, бу ерда ҳам омади юриш-мади, қишлоғига қайтди. Узоқ Россияда инқилоб бўлгани, мулкдорлар тагига сув кетиб, ўзига ўхшаш қўли қадоқ меҳнаткашлар елкасига офтоб теккани ҳақидаги хушхабарлар қулоғига чалина бошлади.

Бойларнинг ороми бузилган эди. Ҳақсизликни кўравериб ақли чархланиб қолган Назар қизил-лар истиқболига ошиқди, отряд сафига кўнгилли бўлиб кирди. Кетмон ушлаган қўллари бешотар тутди. Инқилоб йўлбошчиси Ленин ва больше-виклар ҳақида илиқ гаплар эшитди, рус қурул-дошлари билан ёнма-ён туриб жанг қилди.

Коммунистик партия сафига ўтган куни кечаги-дай ёдида. Жиззах уезд партия комитети ин-структори Абдусаттор Мирзакаримов келиб маж-лис ўтказди, уни қизгин табриклади. «Назар фирқа бўлди. Энди уни маъракаларга қўшманг-лар», деб қутқу солувчи ғаламислар ҳам йўқ эмас эди. Бу, аслида большевикларнинг қудратли куч эканлигини тан олмаган душман унсурлар-нинг гапи эди. Улар эса ҳали кўп эди... Назар фирқа қўлида қурол, гоҳ отлиқ, гоҳ пиёда Гал-лаорол ва Ўсмаат адирларини, Бахмал тоғларини кезиб ёв қувди. Суронли кунлар беором, хатар-ли тунларга уланиб кетарди.

Самарқандда партия мактабида ўқиб юрган 1924-25 йиллар бир умр қалбида муҳрланиб қолди. Улуғ Лениннинг сафдоши, Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин Самарқанднинг кўҳна Регистон майдонида ўтказилган митингда нутқ сўзлаганида унинг оташин гапларини олдинги қаторда берилиб тинглаганлардан бири ҳам курс партия ячейкасининг котиби Назар Бобожонови эди. Михаил Ивановичнинг нуруний чехраси, кўзойнак тагидан маъноли жилмайиши, бутун сиймоси тасавурида шундай жонланиб турибди. Содда, доно одам. Ҳамманинг дилидагини айтди, йўл-йўриқ кўрсатди.

Назар Бобожонови партия мактабида ўқигани хўп яхши бўлди. Битириб боргач, ёшлигига қа-рамай, кўпга бош бўлди: олдин Ўсмаат волостига, сўнг Пойариқ район ижроия комитетига раис қилиб сайладилар. Ер-сув ислоҳоти, «Хужум» кампанияси, коллективлаштириш йиллари, аёвсиз курашлар. Буларнинг ҳаммаси доимий сергаклик, ҳар бир масалага партиявий принципиаллик бил-дан ёндашишни тақозо этарди.

30-йиллар Назар Бобожонови ҳаётида, айниқса, ёрқин из қолдирди. Билимини оширишга бўлган чанқоқлик уни Тошкентдаги Ўрта Осие Комму-нистик университетига етаклади. Дарс, мутолаа соатлари, кечқурунги қизгин баҳс-тортишувлар... Тажрибали, серғайрат партиявий кадрларга эҳ-

замондошларимиз

Юрак МОНОЛОГИ

Мен Алпомиш эдим. Гилгамиш
бўлдим,
Сўнгра Широқ бўлиб қайта
туғилдим.
Маъруф ЖАЛИЛ

Етти иқлим, икки қутб,
Тўрт баҳри муҳит аро
Сени излаб, қонлар ютиб,
Топмадим — бахтим қаро.

Ибтидода муҳаббатдан
Туғилдим сени излаб,
Одам бўлиб, сўнг жаннатдан
Қувилдим сени излаб.

Мен изладим: шўр денгизга
Чўккан ойдек бўғилиб;
Қақнус қушдан қолган изга
Кўрингдир, деб, йўғрилиб.

Мен изладим: чиқиб кундай
Ҳимолойнинг кафтидан;
Уқаланди тошлар ундай
Ужарлигим забтидан.

Мен ақлга бўйсунмадим,
Уз сўзимдан тонмадим.
Синдирдилар — мен синмадим,
Ёндирдилар — ёнмадим.

Шамолидан оқин дарё
Музлаган Ғирот бўлдим.
Гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро,
Гоҳ Балху Ҳирот бўлдим.

Спитомин боши бўлиб,
Тушдим тилла барқашга.
Тирилдим у боқдим кулиб
Муқаннадек сарқашга.

Мажнун эдим, қайси кунда
Чўғдек қумга тикилдим.
Фарҳод бўлиб, Бесутунда
Мен юз тубан йиқилдим.

Мансур каби осилдим мен,
Насимийдек тилимдин
Вужуд бўлиб босилдим мен,
Ваҳдат бўлиб тирилдим

Қулаҳмаднинг мунги эдим,
Овозимдан ажрадим.
Улуғбекнинг ҳуни эдим,
Юлдуз бўлиб сачрадим.

Бойқародек кийдим қаро,
Мен изладим шоҳ бўлиб.
Гоҳ Ҳамлетдек мотамсаро,
Топмадим, огоҳ бўлиб.

Шунда номинг элга очиб,
Мен қичқирдим: Ҳақиқат!
Акси садо ўқдек сапчиб,
Кўзга урилди фақат.

Ҳар бир зарбдан қонлар ютиб,
Мен — ҳануз бахти қаро
Етти иқлим, икки қутб,
Тўрт баҳри муҳит аро.

* * *

Висолнинг зангори маскани,
Ойдинда ёш гуллар чақнайди.
Тун бўйи ётамиз ястаниб,
Майсалар ҳаётни шарҳлайди.
Англаймиз гиёҳлар тилини
Кўзларни ним юмиб ҳузурдан.
Юлдузлар барига илиниб,
Фориғмиз ердаги қусурдан.
Қучаман, тинглайди вужудим
Қонларинг қуйлаган қўшиқни:
«Бир гал тарк эт, фалак, удуминг,—
Ошиқдан айрма маъшуқни...»
Субҳидам сабоси кўзғолиб,
Зулфингни тортқилар оҳиста.
Лабингда овозсиз сўз қолиб,
Борлигинг эрийди шоҳ ҳисда...
Сал ўтмай қуёш ҳам кўрингай,
Жилмаяр табиат — онамиз:
Биз, бир жуфт донатор шудрингдай,
Япроқ-Ер кафтида ёнамиз.

Сарбаст қўшиқлар

Туркумдан

I

Коинотда икки унсур абадий муқим:
Ер билан осмон.
Улар худди қум соатнинг икки косаси,
Улардаги зарра-зарра қум:
Мен — Инсон.

Коинотда икки дарахт абадий мавжуд:
Бешик ва тобут.
Улар иккисига бир мева бўлиб,
Уртада талашман гоҳ худ, гоҳ бехуд:
Мен — Инсон.

Мен тўкиламан
Гоҳида қум каби сирғалиб,
Гоҳида мевадек етилиб...

II

Айтингиз-чи, сизга ҳеч орқасидан
Кўрмоқликка тўғри келганми
Бир умрга сиздан
Ноумид
Кетаётган азиз одамни?
Кўрмаган бўлсангиз, шукур денг минг бор.
Чунки унинг бундай ҳолати
Даҳшат даражада ғалати:
Қўллар — икки ёнга осилган. Бош — ҳам.
Бирдан чўкиб кетган елкалар
Ҳозиргина ўтган зилзиладан
Қолган харобадек сал-пал силкинар.

Юрагингиз билан турасиз сезиб:
Улардан сизот сувдай сизиб,
Филтиллайди
Кўзларга сизмай қолган нам.
Ана шундай: сиздан кетаётган одам!
Одам?! Йўқ, йўқ, ҳеч ҳам:
У — юриб бораётган Ғам!

III

Ҳатто қаҳратонда, қор-қировда ҳам
Боқсин, дея, инсонлар
Гуллар орқали фақат
Тонг юзига,
Борлиқ юзига,—
Гул суратин солар табиат —
Деразалар кўзига.

Москва

тиёж катта эди у пайтлар. Кўп ўтмай эллик ком-
мунист сараланиб, ВКП(б) Марказий Комитетининг
тавсияси билан Урта Осиё республикалари шаҳар
ва районларига масъул вазифаларга юборилди.
Бобононов Тожикистон ССР Орол районидан (ҳо-
зирги Куйбишев райони) бир вақтда икки —
Партия контроль комиссияси раиси ҳамда Ишчи-
деҳқон инспекцияси раиси лавозимларида ишла-
ди. Кейин райишроком раислигига сайланди.

1934 йилнинг кеч кузи эди. Пахта терими қиз-
гин. Унинг ҳар бир грами учун кураш кетарди.
Эсида: Марказкомдан районга СССР Халқ ко-
миссарлар Совети раисининг ўринбосари Вале-
риан Владимирович Куйбишев боражагини хабар
қилдилар. Райком секретари бетоб эди, Бобо-
нонов маҳаллий раҳбарларга бош бўлиб
ВКП(б) Марказий Комитетининг масъул вакилини
кутгани чиқди. Республика раҳбарлари ҳамроҳ-
лигида келган Валериан Владимирович ҳамма
билан илиқ сўрашгач, пахта планининг бажарили-
шини суриштирди.

— 99,7 процент бўлди,— дея дадил жавоб
берди Бобононов.

— Хўш, яна қанча пахта топширмоқчисизлар?—
деб қизиқди Куйбишев.

— Қанча ҳосил етиштирган бўлсак, бир грам-
мини ҳам нобуд қилмай териб олиб топширамыз.
Планимизни ошириб бажарамиз, Валериан Вла-
димирович!— деб ишонтирди у Марказком ваки-
лини.

— Раҳмат,— деди Куйбишев мамнун оҳангда.—
Рапортигини кутамиз. Кейин райишроком ра-
исининг қўлини маҳкам қисиб, илиқ хайрлашди.

Пахта плани бажарилган кунидея ороликлар
Москвага рапорт йўлладилар. Орадан кўп ўтмай
Москвадан Бобононов номига шахсий милтиқ,
пахта тайёрлашда жонбозлик кўрсатган илғор-
ларни мукофотлаш учун патефон ва 5 минг сўм
пул келди.

Уша вақтда ҳали синфий кураш давом этарди.
Аламзада муштумзўр бойлар зимдан иш кўрар,

ғафлатда ўқ узишлар ва қотилликлар бўлиб ту-
рар эди. Бир кун узоқ колхоздан қайтаётганида
қамишзор орасидан кутилмаганда милтиқ товуши
эшитилди. Ўқ ўнг қулоғи ёнидан визиллаб ўтиб
кетди, оти ҳуркиб олиб қочди.

Бобононовнинг хотирасида айниқса Катта Фар-
ғона канали қурилиши ёрқин саҳифа бўлиб қолди.
Уша вақтда у Избоскан район партия комитети-
нинг иккинчи секретари бўлиб ишларди. Кейинча-
лик водийнинг бош мироби сифатида доврўқ
таратган Бузрукхўжа Усмонхўжаев эса райишро-
ком раиси эди. Бу қурилиш халқ қудрати ва
жасорати учун зўр синов бўлди. Ҳар иккаласи
избосканликларни улкан халқ ҳашарига сафарбар
қилишда чинакам ташкилотчилик намунасини
кўрсатдилар. Умумхалқ ҳашаридаги фаол хизмати
учун Назар Бобононов республика Олий Совети
Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофот-
ланди.

Уруш бошланганида у Ленинградда партия
ходимлари малакасини ошириш курсида ўқир
эди. Тингловчиларнинг ҳар бири олдинги маррада
бўлгиси, манфур душман билан юзма-юз олиш-
гиси келарди. Тинч, ижодий меҳнат билан маш-
ғул бўлган буюк халқимиз яқдиллик билан ватан
мудофаасига отланган эди. Ёшу кекса кўксидан
сўнмас ғазаб, қасос ҳисси алангаланди. Шу ора-
да уни зудлик билан аввал Москвага, сўнг Тош-
кентга чақириб олдилар. Ўзбекистон Компартия-
си Марказий Комитетидаги йиғилишда Усмон
Юсупов ўзбек миллий дивизиялари тузиш лозим-
лигини ва бунинг учун тажрибали партия ходим-
ларининг ёрдами кераклигини айтди. Назар
Бобононов 263-кавалерия полкига комиссар қи-
либ тайинланди. Полкнинг шахсий составини
ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан чиниқтиришда бошқа
командирлар билан бирга комиссар Бобононов-
нинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлди. Кавалерия пол-
ки миллий дивизиямиз составида Улуғ Ватан
урушида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатди.

Урушдан кейинги йилларда Бобононов колхоз

раиси вазифасида ишлаб қишлоқ хўжалигини
тиклашда фаол қатнашди, янги ерлар очиш, боғ-
роғлар яратишга ҳиссасини қўшди, заминда,
одамлар қалбида из қолдирди.

Мана, бир неча йилдирки, Назар Бобононов
Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер. Ота айни
вақтда матлубот жамиятида хизмат қилмоқда.

— Меҳнат Назар ота учун яшаш тарзи, бундай
одамлар ўз ҳаётини бир зум ҳам меҳнатсиз та-
саввур этолмайдилар,— деди Пойариқ район пар-
тия комитетининг биринчи секретари Хайрулла
Сайдиев.— Биргина мисол. Ҳар йили пахта йиғим-
терими кезларида Назар ота ташаббус кўрсатиб
ўз тенгқурларини бошлаб далага чиқадилар. Асо-
сий гап кексаларимиз терган пахтанинг килограм-
мида эмас. Муҳими, улар ташаббусининг маъна-
вий, тарбиявий аҳамиятида. Отахонлар, онахонла-
римизки ўз ўринларини далада деб билганларида
бошқалар, айниқса, ёшлар қараб туришармиди?

Партиямиз XXVI съезди арафасида колхозлар,
мактаблар, маданий муассасаларда партия вете-
ранлари билан бўлган учрашувларда Назар ота
халқимизнинг шонли тарихи билан боғлиқ ёрқин
хотираларини ёш авлодга ҳикоя қилиб бердилар...

Назар ота ўн фарзанднинг отаси. Фарзандла-
рининг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топган. Рафи-
қаси Хосият хола Қаҳрамон она, тўнғич қизи Оп-
тиной ҳам Қаҳрамон она. Назар ота ва Хосият
хола ўн икки фарзандни вояга етказиб, уч келин
туширдилар. Саксонинчи йилда фарзанди Алишер
ҳаётида қувончли воқеа юз берди. У КПСС са-
фига қабул қилинди.

— Коммунист деган улуғ номга муносиб бўл,
ўғлим!— дея Назар ота фарзандини самимий қу-
чиб табриклади.

— Ишончингизни оқлайман, ота,— деди Али-
шер меҳри товганиб.— Ҳаётда сизнинг изингиз-
дан боришга ҳаракат қиламан.

С. УМАРОВ



Ҳамид ҒУЛОМ

ФИРА-ШИРА тонг палласида Бобораҳим туш кўрса, Тўтихон олис бир манзилда — тоғ бағридаги арчазорда, тиниқ булоқ бўйида маъюс ўтирганмиш. Жоду тўла шахло кўзлари ёшли, тинимсиз қайнаб турган чашмага тикилиб аллақимни излармиш... Бирдан сув енгил чайқалиб, унинг кўзгусида юзи тандирдаги ширмойдай қизарган, йирик қора кўзлари чақнаган, мўйлаби сабз ура бошлаган, сочлари патила-патила йигитча кўринибди. Қиз унга интилиб: «Шоирим, тез келинг, мени кулфатдан халос этинг!», деб хитоб қилибди.

Тунда Пирмат билан узоқ суҳбатлашиб кеч ётган Бобораҳим сесканиб уйғонди. Хужра тўйнуғидан сурмаранг тонгнинг хира шуъласи тушиб турарди. Мадраса қаторидаги масжид минорасидан сўфининг бомдод

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом инчилобий мавзудаги «Мангулик» романи учун 1980 йилги СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Асарда ёш коммунист Масъуднинг янги ҳаёт йўлига тўғаноқ бўлган синфий душманларга қарши фидонорона кураши, халқ ўртасида маърифат тарқатишдаги жонбозлик фаолияти кенг акс эттирилган.

Биз кўп сонли журналхонлар номидан атоқли адабимизни юксак мукофот билан табриклар, қуйида унинг ўзбек классик адабиётининг оташнафас намояндаси, исёнкор шоир Машраб ҳаётига бағишланган янги романидан парча эълон қилмоқдамиз.

Айрилиқнинг дардидин жоним кетар бўлди магар,
Ушбу доғи айрилиқни кўрмағайди
кошки...

Эшик секин тақиллади. Бобораҳим бошини кўтариб қаради-ю, жойидан кўзгалмади, товуш ҳам бермади. Кейинги кунларда эшон Бозор охунднинг Бобораҳимга нисбатан тўнини тескари кийиб олгани эндиликда жамоа учун сир бўлмай қолди. У яқиндагина севиб, ардоқлаб, бошқа муллаваччаларга ибрат этиб кўрсатиб келган шоғирдига қуюқ бароқ қошлари тагидан ёвқараш қиладиган бўлди. Тунда бу ҳақда сўз кетганда Пирмат эшоннинг ғазабига Бобораҳимнинг қаландарлик жандасини кийганини сабаб қилиб кўрсатди. Лекин аслида бундай эмас. Бобораҳимнинг қаландарлик сулукига кирмоғига эшоннинг ўзи сабабчи, у масжиди жомеда қавму муридлари ҳузурда сўфийликни ҳақгўйликнинг амалиёти деб таърифлаган, зикру саноларга бош бўлган, қаландарларни дуо қилиб, хуржунларини бўшатиб олган.

Ёки Тўтихон сабаб бўлдимиз эшондаги бундай ўзгаришга? Дафъатан келган бир фикр Бобораҳимнинг бошида чақмоқ чақди.

Исоҳўжабой қизини Офоқхўжага назру ниёз этмоқ учун уйдан олиб кетганидан кейин Пирмат Бобораҳимдан эшон Бозор охунда арз

Эшик очилди. Яна ўша Пирмат. У бомдод намозини ўқиб қайтган бўлса керак.

Илҳом мадорини буткул сўриб қуритган Бобораҳим ўрнидан турди. — Ваалайкум ассалом! — Ҳамон ғазал завқидан маст, дўстининг елкасидан кучди у. — Нечун кайфсиз кўринасиз?

— Эшон дарғазаб... сизни йўқлайдир! — Пирмат хонтахта устидаги қоғозларни кўздан кечирди. — Сиз ижод ила машғул... Янги ғазал муборак бўлғай!

— Сизга ҳам! — Машраб қоғозни олиб, форс тилида битилган ғазални дўстига овоз чиқариб ўқиди-да, илова қилди: — Ҳамон вужудимда титроқ...

— Мен бир омидирмен, нодир ташбеҳларингиз маънисини мукамал уқа билмадим, афв этгайсиз... — Пирмат дўстига ҳавасли кўзларини тикди. — Кейин албатта онглатарсиз! Бу соатда эшон хосхонасида сизга мунтазир...

— Оромимиз вайрон бўлмиш, дўстим! — Бобораҳимнинг ёниқ кўзларида гумон учкунланди. — Маймоқ янглиғ ғаламуслар бор экан, сулҳ қопқаси беркилур.

— Бу тонг ҳам намоздан сўнг эшоннинг Маймоққа айтган сўзлари қулгоимга чалинди: «Мен ани тавбатазарруға маҳкум этгум!». Сиздан не гуноҳ ўтмиш, дўстим?

таъзим бажо қилгач, Бозор охунд унга бошдан-оёқ разм солди.

— Кел, бўтам, бундоғ ўтир! — дея жой кўрсатди товушига мулоимлик бахш этишга уриниб.

Бобораҳим эшон кўрсатган жойга — дарча тагига солинган кўрпачада юмшоқ маҳсиси кўнжини силаб ўтирган Маймоқдан куйироққа тиз чўкди.

— Номозни қанда қилмоқ — шайтон васвасасига гўш тутмоқдир, — эшоннинг кўзларида совуқ нафрат йилтиллади.

— Хужраи хосда мавлоно Латифий сабоқлари ила машғул эрдим, — деб жавоб берди Бобораҳим.

— Бас! — дея эшон Бобораҳимнинг сўзини шартта кесиб, овозини кўтарди: — Олло таоло таборак бандасини тобеликка яратгандир. Иншоолло, мусулмон фарзандларимиз... — Эшон малларанг, ёйиқ соқолини силаб, хонтахта устидаги қоғозларга кўз югуртирди.

— Тақсир, мавлоно Латифий сабоғини ҳозирладим... — дея жавобини такрорлади Бобораҳим.

— Аввал намоз, баъдаз кор! — Эшон жаҳл отига қамчи босди. — Шариат ўз йўлига, шеърият ўз йўлига!.. Ё алҳазар! Ё алҳазар! Мана бул битикларни инкор этмассен?

— Қай битиклар? — Бобораҳим хонтахта устига ёйиб қўйилган қоғозларни кўздан кечирди. — Булар — манним ғазалларим, тақсир...

— Қаландарбачалар бозору кентларда, эл-юрт аросинда хониш этотурғон беимон битиклар! — Бозор охунд қоғозларни ёйимлаб, Маймоқ сўфига отди. — Қани, мутавалли, сиз ўқинг, биз эшитайлик!

Маймоқ сўфи қоғозлардан бирини текислаётиб чўғ ушлаган кишидай тоқатсизланди-да, чўтир юзини бужмайтирганча, ҳижжалаб ўқий бошлади:

Бобораҳим

намозига чақирган овози эшитилади. Муллаваччалар ҳар кун шу пайтда уйғониб, мадраса ҳовлисида чиқади-лар-да, шоша-пиша таҳорат олгач, масжидга чопадилар.

Бобораҳим ўрнидан туриб, кўрпачага йиққач, кафшандоз ёнидаги ханик пешида турган обдастадан бетқўлини ювди ва ҳозиргина кўрган туши таъсирида хонтахта четига келиб ўтирди. Хомуш, хаёли паришон... Балки тунда Тўтихон ҳақида Пирмат билан узоқ суҳбатлашгани учун қиз тушига киргандир. Эвоҳ, фалак бевафо, тақдир бешафқат бўлмаса, умид юлдузи, илҳом париси Тўтихондан жудо қилармиди!

У довотни олдиға суриб, қўлига қалам олди-да, ёза бошлади:

Оқ юзунда холу хат, кўз кўрмағайди
кошки,
Кўнглума юз доғи ғамни қўймағайди
кошки,
Ишқ бир оҳ айлагач, кетти путур дин
уйдин,
Водани беғаш кўрубон ичмағайди
кошки,
Чун Наманган шаҳридан парвоз
айлаб мурғи руҳ,
Донаи холин кўрубон қўнмағайди
кошки,
Ёр жилва бирла боқди, руҳу жон
бўлди кабоб,
Ушбу ҳодисни бошимга солмағайди
кошки.

қилишни ёлвориб сўради. Икки дўст эшоннинг хосхонасига кириб, унинг этагини ўпиб, Тўтихонга раҳм этишни сўраганларида эшоннинг тасбеҳ ўғириб, аллақандай истеҳзоли таважжух билан: «Роҳи куфрга қадам қўйма-нгиз, бўталарим, худонинг қаҳри келди!» дегани ҳамон Бобораҳимнинг дил-дилини тилади.

«Куфр йўлига қадам қўймангиз...» Наҳотки, адолат, инсоф, ҳақиқат куфр бўлса?! Демак, Бобораҳим инсофу адолат ҳақида оғиз очиб, эшоннинг раёйига зид боргани учун унинг ғазабига дучор бўлибди-да?

Бобораҳимнинг эти увишиб, қозикдаги жандапушни олиб елкасига ташлади ва кеча мударрис мавлоно Латифий берган сабоқни эслади: «Машраб, форс шевасинда бир ғазал битингиз!»

Бобораҳим деворга суянганча бир нафас хаёлга чўмиб ўтирди-да, кўнгли ларзага келиб, тез-тез ёза бошлади:

Аналҳақ гўи эжодам, тажаллипарвари
ишқам,
Мудом аз хуни Мансурам, зи дурри
соғари ишқам.

Шаби ғамро қунад равшан чароғи
дуди оҳи ман,
Занад таъна бари хуршеди маҳшар
ахтари ишқам...

— Арпасини хом ўрмадим, чамамда... — дея Бобораҳим кулиб, Пирматнинг елкасига қоқди. — Ҳай, борай, жумбоқ ечилар. Сиздан рижо этамен, бул ғазални мавлоно Латифийга берсангиз, балки ул зотдан ортиқ сабоқ ола билмасмиз...

— Лаббай? — Пирмат қоғозни олишга олдию Бобораҳим айтган бу сўзларни эшитган қуллоқларига ишонмай, дўстига таажжубланиб боқди. — Англамадим, дўстим?

— Ғазални мавлоно Латифийга топширингизу хужрага қайтингиз. — Бобораҳим жандасини кийиб, қуллоқни бошига бостирди. — Жаҳолат, фисқу фужур бор ерда ҳар балони кутмоқ жоиз.

Хужрадан чиққач, Бобораҳим Бозор охунднинг ҳовли тўридаги хосхонасига, Пирмат мавлоно Латифий хужрасига йўл олди.

Хосхона эшигининг бир тавақаси очик. Ичкари нимқоронғи. Суҳбатлашиб ўтирган икки кишининг овози эшитилади. Бобораҳим айвон кафшандозидан бир дақиқа тўхтаб, нафасини ростлагач, остона ҳатлаб хонага кирди.

Эшоннинг суҳбатдоши, Бобораҳим тахмин қилганидек, Маймоқ сўфи бўлиб, оёқ шарпасини сезибоқ гапи чала қолди, қаландар муллаваччага хўмрайиб тикилди.

Бобораҳим эшонга салом бериб,

— Қаландар Машрабингман, икки...
икки... олам...

Бобораҳим ғазални Маймоқнинг қўлидан тортиб олиб, эшондан:

— Тақсир, ижозат этсангиз, мен ўзим ўқисам! — деб илтимос қилди.

— Уқинг, садқаи ғазал кетсин! — Эшон ижирганиб, қўл силтади.

Бобораҳимнинг ранжиган дили ўртаниб, қоғозга қарамсидан ғазални қироат билан хониш қилди:

Қаландар машрабингман, икки
оламни тепиб ўттум,
Биҳишту ҳуру ғилмонни фучак
пулға сотиб ўттум.
Нетай мен оби кавсарни, нигорим
бўлмаса соқий,
Харобот аҳлиға бордум, аларға сўз
қотиб ўттум.
Аё дўзах, мани куйдур, халойиқ
қуймасун ҳаргиз,
Тамуғдин ишқ ўти пурзўр, анинг
заҳрин ютиб ўттум...

— Ана, қаноат ҳосил қилдингиз, пирим! — Маймоқ кўкрагига уриб, вайсай кетди: — Беимоннинг битигини кўринг! «Икки оламни тепиб ўттум...» Лоҳавло валоқуввата... Ана, тақсир, гуноҳга ботган осий қулингизнинг иқрори!..

— Тақсир! — Бобораҳим тиз чўкиб ўтирган ерида бир қалқиди. — Ишқи илоҳий беназирдир, анга ҳеч бир тўсуқ бас кела билмас! Оллони мадҳ

Ёш шоирга

дарёдан ўтибди!— Пирмат кўрпачадан сакраб турди.— Кетдик!

— Шошмангиз! — Бобораҳимнинг кўнглида мардлик олови ёниб, кўзлари чақнади.— Қочмоқ — марднинг иши эрмас. Майли, сиз майдонга чиқмангиз. Сиз, Пирматжон, уйингизга борингиз, йўл тадорикини кўрингизда, киндик қонингиз тўкилган муборақ тупроқдин бир кафт тугиб олингиз. Ҳа, дарвоқе, сеторни ҳам фаромуш этмангиз — йўлда ҳамроҳ бўлади. Мен сизни қош қорайгач, хуфтон намозидан сўнг сой бўйида, толзорда кутгаймен. Сизга жавоб, дўстим, мен эрсам, майдонга боргум. Эшонни пир ўгутини тингламоқ муридларининг бурчидир.

— Майдонга чиқмоғингиз жоиз эрмас...— дея Пирмат дўстига ёлворди.— Эшоннинг нияти бузуқ... Худо кўрсатмасин...

— Бас!— Бобораҳим ўрнидан туриб, ўнг қўлини Пирматнинг елкасига қўйди.— Пешанада битилганини кўргаймен. Боринг, дўстим, вақт ғаниматдир.

Пирмат ҳужрадан чиқиб кетгач, Бобораҳим хонтахтани бурчакка суриб, кўрпа-кўрпачаларни йиғиб тахлади. Кейин тоқчадаги бир неча китоб, дафтар, довоту савағич қаламларини кенгина жилдга тиқиб, елкасига осди.

У ҳужра шифти, тўйнуги, тоқчалари, ерга солинган бўйралар, ханик чеккасидаги обдастагача — ҳамма нарсаларни бир-бир кўздан кечириб, барчаси билан фикран видолашди ва ҳовлига чиққач, эшикни зичлаб ёпди.

Эшон ҳосхонасининг қўштавақа нақшин эшиги ланг очилиб, ергача судралган кенг банорас тўнда, шинам ўралган улкан оқ шоҳи саллада, янги маҳси-кафшда, ёйиқ малларанг соқоли кўрагини қоплаган, бўйдор Бозор охунд виқор билан чиқиб келди. У мадраса саҳнидан тик босиб ўтар, орқасидан келаётган нозиккина Латифийга ҳам, чеккада қўл қовуштириб турган Бобораҳимга ҳам парво қилмас эди.

Эшон кўлидаги тасбеҳни шошмасдан ўгирганча мадраса дарвозасидан чиқиб кетди. Латифий қадамни секинлатиб эшондан орқада қолди ва Бобораҳимнинг ёнига келаётки лабини тишлаб қўйди.

— Охунднинг важоҳати ёмон,— деди у бошини сараклатиб.— Ғаламуслар анинг фикрини заҳарлаганлар. Ҳарчанд сизни таърифладим, парво қилмайдурлар...

— Жонингизни койитманг, мавлоно!— Бобораҳим маънос жилади.— Майдонга чиқайлик.

Дарвозадан аввал Латифий, орқасидан Бобораҳим чиқиб келганларида жоме масжиди олдидаги майдонга анчагина одам тўпланган эди. Қосиблар, қаландарлар, муллаваччалар, гадоилар, савдогарлар... Оломон ичида Маймоқ у ёқдан-бу ёққа чопиб юрибди. Яқинлашиб келаётган эшонни кўриши билан у оломон орасига кириб, одамларни иккига ажратдида, йўл очди.

Эшон оломон орасидан ўтгач, жоме зиналаридан бир-бир кўтарилиб, ўзига эргашиб келаётган бир неча казо-казоларни имлаб ёнига чақирди. Латифий ҳам Бобораҳимни сдамлар ичида қолдириб, эшон тўдасига қўшилди.

Қаердандир етиб келиб, эшон ёнида пайдо бўлган Маймоқ қўлларини баланд кўтариб:

— Халойиқ, жим бўлингиз!— деб қичқирди.— Қулоқ берингиз, ҳасти эшон ваъз айтурлар!

Ғузуллаб турган оломон шовқини бир оз пасайгач, Бозор охунд йўғон овоз билан ваъз бошлади:

— Мусулмонлар! Сизларни масжиди жомега даъват этмоқдан мақсад олло таоло таборак йўлига шак келтирган, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом панд-ўғитларига эид борғон бир шаккокни дуоибад қилғонимизда гувоҳлигингиз зарурати-

дандир. Бул банда мадрасани муборақимиз даргоҳинда талабалик мартабасига ноил кўрилгон, боз қаландарлик роҳига қадам қўйғон Бобораҳим Мулла Валидурким, шайтон васвасаси ила куфру шаккоклик йўлидан борур. Кўрингиз, халойиқ, ана, ул бандаи ношукур!

Одамлар эшон бармоғини бигиз қилиб кўрсатган томонга гурр этиб ўгирдилар. Устига жандапўш, бошига кулоҳ кийган, елкасига каттагина жилд осган, қаддини ғоз кўтариб, йирик қора кўзлари чақнаб эшонга дадил тикилиб турган Бобораҳимга баъзилар ачиниб, бошқалар нафратланиб қарадилар.

Маймоқ Бозор охунднинг қулоғига алланамалар деб пичирлади.

Эшон Бобораҳимга қараб хитоб қилди:

— Эй мусулмон фарзанди, қаландари навжувон! Ғайри дин, ғайри имон битиларингдин воз кечиб, халойиқ қаршисинда тавба қилурмисан?

Эшоннинг саволидан кейин ҳамманинг кўзи Бобораҳимга тикилди.

Бобораҳим оломон этагида турган еридан қимирламади, аммо қалбларни титратувчи жарангдор овоз билан хониш қилди:

Ажаб Мажнундирман, ҳар дашту ҳар саҳрога сизмамдур,
Дилим дарёи нурдир, мавж уруб дунёга сизмамдур.

Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мандадур мавжуд,
Чунон султони азмдурман, арши аълога сизмамдур.

Халил осо бу йўлда оташин Намруду меърожим,
Ҳамон дурри ҳақиқатманки, ҳар дарёга сизмамдур.

Ризо мулкидаман халқумни тутдум тиғи Акбарга,
Бу йўлда сийнаи поки забехуллога сизмамдур.

Агарчанди зиёрат қилмадим ман Каъбаи зоҳир,
Тариқат ҳожисидурманки Вайтуллога сизмамдур.

Гаҳи бўлса фақирман, гаҳ шоҳман, гаҳ гадодурман,
Ажаб девонаман, фардоки маҳшаргоҳга сизмамдур.

Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи бехудман,
Жунун бозориди мастманки, истиғнога сизмамдур.

Гаҳи ўрус, гаҳи черкас, гаҳи мўминдурман, гоҳи
Не кавлайсан, миёни лоу иллодога сизмамдур!

Эшон ҳам, унинг шериклари ҳам бир четда қолиб кетди. Оломон Бобораҳимни ўраб олиб, шоир овозини сеҳрига буткул берилиб ғазалга қулоқ солди. Бозор охунд турган ерида талвасаланиб алланамалар деб бақирди. Лекин ҳеч ким қулоқ солмади.

Бобораҳимнинг хониши тугаб, у оломон ичидан чиқиб кетаётганида Маймоқ:

— Ушланглар беимонни!— деб қичқирди.— Шаккокни уринлар!— У ўзини оломон тўлкинига отиб, Бобораҳимнинг кетидан чопди.

— Дуоибад! Дуоибад!— Эшоннинг йўғон овози момақалдиқдай гулдурлади.— Илоҳи омин, парвардигори олам шаккокнинг жазосини ўзи бергай!

Эшоннинг сўзига учиб, Маймоққа эргашган бир неча саллали киши Бобораҳимнинг кетидан тошу кесак отиб, бақириб-чақириб қолди.

Бобораҳим майдон этагидаги қатор дўқонлар орқасига ўтиб, шу ердаги тор кўчалардан бирига кириб кўздан ғойиб бўлди...

Эй, Ҳилманд дарёсининг Соҳилин макон тутган,
Асов, жўшқин мавжларнинг Фарзанди бўлган шоир,
Асрий саҳро қалбида Усиб вояга етган,
Миллат азоб тортган бир пайтда Туғилган шоир!
Ҳар оқшом Эшитурман қонга тўлган кўкрагинг,
Азобли рағингдан Отилган бир наърани...
Сезаман мен насимнинг Ғамгон, беҳол титрашин,
Кўраман Қалбингдаги жароҳатни, ярани.
Сенинг қон томирингда Пайдо бўлган ҳар бир куй Қулоқларимга шитоб Урилади шу асно.
Сенинг қалбинг чулғаган Орзу,
Армон,
Олис ўй Зудлик билан Қалбимда қайтаради акс садо!
Изғиринли кечалар Оҳ-воҳ қилсанг ногаҳон,
Қалбим чоки сўкилиб,
Ўз-ўзидан бўзлайди.
Асрий ғамлар,
Ки ҳамон жигарингни этар қон,
Менинг ҳам юрагимга Кириб паноҳ излайди.
«Куйдим-ёндим», дейсан сен,
Майли, куйгин,
Куявер!

Ахир куйиб-ённоқлик Парвонага армон-да!
«Ёв-ла савашиб,— дейсан,— Яраландим...»
Кўявер!
Яра кўрмаган сарбоз,
Сарбоз эмас жаҳонда!
Орому ҳаловатда Кўринади заволинг,
Эҳтиёт бўл, эй шоир,
Роҳатда бўлма хароб!
Исёнкор тўлқин агар Мавжланмаса, танг ҳоли,
Шиддатли, шижоати Йўқолур мисли сароб.
Майли, исёнкор булут Дарғазаб бўлсин шу он,
Яшин,
Момақалдиқроқ Кўзгалсин сочиб ўтлар.
Дарё юзида кўпган Шаҳдли беомон тўфон,
Чақмоқ — қўшилсин!
Севинч ёшин тўксин булутлар!
Боқ, азамат дарёлар Қалбингга фараҳ солур,
Дарёларда маҳобат,
Қудрат бор,
Азимат бор.

Дарёлар нечун гўзал?
Дарёлар нечун сернур?
Уларда жунбуш бордир,
Ҳаракат бор устивор!
Исёнталаб,
Қудратли тўлқинларга қарагин,
Ҳайбатидан дунёга Сизмасдан бормоқда-ку!
«Эй дарё!
Улуғлигинг нимадан?», деб сўрагин,
«Мен — ҳурман,
Мен — жасурман!
Сабаби шу!», дейди у.
Эй, Ҳилманд мавжларида Туғилган шоир, эшит,
Сен ҳам бир дарё бўлгин,
Дарё ўғлони бўлгин.
Ватанинг ғам ичра ғарқ,
Сен унинг оҳига ет,
Суянчиқсиз Ватанинг

Дилию жони бўлгин!
Улимтик сукунатга Наъра сол, ҳайқир бугун,
Ватанинг юрагига Бир олов ташла сўлмас.
Дарёнинг тўлқинларин Уйғот!

Мавжлантир бутун,
Сен ахир Ҳилманд ўғли,
Шундай қилмасанг бўлмас!
Ҳилманд — маст, жўшқин дарё,
Ушандандир қалб кўринг,
Сен — порлоқ ниятларнинг,
Армонларнинг шоири,
Сен — замон саржашларин,
Мағрурларин мағрури,
Сен — Ватанинг гурури,
Имонларнинг шоири.
Сен мозийда юз берган Ҳодисалардан сўз оч,
Авлодларга сўйлаб бер Боболарнинг ҳаётин.
Шунда курашда толган Қалблар олгуви ривож,
Орзулар тишга чиқар,
Асло қолмагай ботин.
Ҳилманд шоири бўлсанг

Агарда сен расмона,
Дарё тўлқинларига Раҳнамолик айлагин.
Машаққатли йўлларда Кечган мавжу пўртана,
Асрий орзу, ўйларга Илҳомингни бойлагин.
Тўфонларда йўл топиб,
Марди майдон бўл доим,
Маллоҳ бўлиб,
Барчани бошлагин нажот сари,
Даҳшату ваҳшатларда Сени кўрсинлар қоим.
Ошкор эгил Ватанда Ғазаб алангаларин!
Майдонга отил энди,
Фидойилик кўрсатгин,
Жанговару диловар Сарбозларга қуваат бўл!
Мушкулдан кўрқма асло,
Шартта саваш қил, жанг қил,
Эртаси бор мавжларга Тоқат бергин,
Қудрат бўл!

Даштларда кезган бебош,
Шаҳди зўр елларга ҳам Йўл-йўриқ кўрсат ўзинг,
Тўғри йўлга сола бил.
Саҳройи халқларга тил —
Забон бергин, эй ҳотам,
Курашларга шайлантир,
Тилларини гўё қил!

Бу қорая бадқуруқ Тоғларни ҳам шеърга сол,
Оҳ, уларнинг бахтига,
Яшики, ўзинг борсен!
Оташ қалбингдан чиққан Шеърларинг афсун мисол
Тилсиз тупроқларни ҳам Гапиртириб юборсин!
Энди гунг-кар элларнинг Қулоқларин шартта оч,

Майли, эшитсин улар Тўфон нидоларини.
Жаҳон тамаддунидан Четда қолган ноилож
Ватан, майли, тингласин Жаҳон садоларини!
Сўнг тўфонли ҳамалар Юртга айлансин у,
Етишсин инқилобий Орзуга, армонларга.
Қудратли чақмоқ,
Яшин,

Қалдиқроқлар турсини Қўл узатсин
Курашга,
Мўътабар бўронларга!

Қобил, 1975 йил

Муҳаммад АЛИ таржимаси

ТОНГ КУЙЧИСИ

АФҒОНИСТОН! Бу диёр кўз ўнгимда ўзига хос ажойиб бир олам, бутун гўзаллиги ва салобати билан, яхшига ёқимли меҳри ва ёмонга ёндирувчи ғазаби билан гавдаланади. Бир-бирига улашиб кетган тоғ тизмалари, гоҳ сокин ва гоҳ жўшқин, гоҳ шодон ва гоҳ ғамгин оқадиган дарёлар хаёлда намён бўлади; баҳорда бинафшаю лола билан безанган, қишда қор қоплаган поёнсиз қирлар, хилма-хил ширин-шакар меваларга фарқ боғлар, серқуёш, мовий осмон кўз ўнгимда пайдо бўлади, ҳайрату ҳаяжон уйғотади. Ута машаққатли ва мураккаб жанги жадал, кураш ғалабалари ва ижод севинчларидан холи бўлмаган, мустақиллик учун олишувларда мўъжизалар кўрсатган узоқ тарих тасаввуримга келади. Неча-неча минг йиллар мобайнида олам-олам моддий ва маънавий бойликлар яратган, ўз қадр-қиммати учун курашган, кейинги вақтларда ўз Халқ демократик партияси раҳнаомлигида Савр инқилобини амалга ошириб, асрий орзуларига эриша бошлаган, инқилоб ғалабасини мустақамлаш учун жонжаҳди билан ички ва ташқи иртижого қарши курашиб, уларнинг адабини бераётган баҳодир халқ, унинг инқилобий адабиёти, санъати ва ижодкорлари фикрда бутун улугворлиги билан гавдаланади.

Қадимдан қадрдон кўшнимиз бўлган бу мамлакатга асримизнинг ҳамма сифатлари хосдир. Бир томондан, халқ бахти, ҳақиқат ва адолат, озодлик ва тараққиёт учун, Ватан эрки ва мустақиллиги учун шонли кураш, иккинчи томондан, феодал ва бошқа турдаги манфур реакция кучлар иртижоси, агрессив империалистлар, талон-торожчилар хуружи, зулму зулмат!.. Хуллас, Инқилоб ва Иртижо! Мана неча йилдирки, бу азалий халқ, бу жафокаш диёр бир-бирини буткул истисно этадиган, сув билан ўтдек муросасиз ижтимоий қутблар орасидаги шиддатли тўқнашувлар алангаси ичидадир.

Оташин афғон шоири ва жамоат арбоби Сулаймон Лойиқ ана шу улкан алангаларда тобланган мўъжизакор қаламкашдир. Унинг улкан қалби, оловли шеърияти шундан шаҳодат беради!

Афғонистоннинг асрлар мобайнида яратилиб келган, бир неча тилларда ёзилган ва бой аънаналарга эга бўлган ёзма ва оғзаки адабиётни бор. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейин бу мамлакатда кучайган миллий озодлик ҳаракати, антифеодал ва антиимпериалистик кайфиятлар, шиддатли курашлар янги адабиётни, Жвон, Лойиқ, Хаттак, Борки Лахтоний каби ўнлаб тараққийпарвар, ватанпарвар ёзувчиларни майдонга олиб чиқди. Булар орасида Сулаймон Лойиқ ҳар жиҳатдан ажралиб туради ва мамлакат маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутди.

Сулаймон Лойиқ 1927 йилда Афғонистоннинг Пули Хумри деган шаҳрида дунёга келган. Машҳур Омон-уллохон курашлари ва бошқа улкан воқеалар юз берган шароитда улгайган. Кобилда ўқиб, шу ерда ўрта ва олий маълумот олган. Сўнгра университетнинг адабиёт факультетида, газета ва журнал редакцияларида ишлаган.

1965 йили Афғонистон Халқ демократик партияси таъсис этилади ва Сулаймон Лойиқ ўша йили партига

аъзо бўлиб киради. Шу билан унинг ҳаётида янги, жуда қизгин ижодий ҳамда инқилобий фаолият даври бошланади. 1978 йили Савр инқилоби ғалаба қозонгандан кейин мамлакат тарихидаги янги, биринчи халқчил ҳукумат составига кириб, унда Радио ва телевидение вазаротини бошқара бошлайди. Лекин 1979 йил октябрь ойида, хоин Ҳафизулло Амин ва унинг тўдаси ҳар қандай маккорлигу қаттолликлар билан ҳокимият бошига чиқиб олганидан сўнг, бир неча минг ҳақиқий ватанпарварлар қаторида Сулаймон Лойиқни ҳам ишдан олиб, Пули Чархи деган даҳшатли ажалхонага ташлайди. Хайриятки, шу йилнинг декабрида Афғонистон халқининг баҳодир фарзанди, ажойиб раҳнамоси Бабрак Кармал бошчилигида, Халқ демократик партияси раҳбарлиги остида амалга оширилган улкан тарихий ўзгаришдан кейин дўстлари қатори Сулаймон Лойиқ ҳам озод этилади ва яна қайноқ ижтимоий ишларга, илмий ҳамда бадий ижодга фаол киришиб кетади. У ҳозир Афғонистон Фанлар академиясининг президентиدير.

Лойиқ ҳам пашту, ҳам дарий (форс) тилларида ёзади. Уттиз йилдан бери тинмай ижод қилади. Унинг ижоди борган сари камолот касб этиб, инқилобий шеърият чўққиларига кўтарилмоқда. Ўз шеърларида она Ватанини, жонажон халқининг орзу-умидларини, эзгу ниятларини, Савр инқилобидан олдинги оғир ҳаётини чуқур акс эттиради, халқни талаган, Ватанни талон-торож қилган машҳур ҳукмдорларни, мустамлакачиларни, уларнинг малайлари ва мафкурачиларини, афғон халқининг хорижий душманларини оловли шеърият тили билан фош қилади, меҳнаткашларни буларга қарши фаол ташкилий курашга чақиради. Шоир халқни инқилобий руҳда тарбиялашда бевосита иштирок этганлардан, исёнкор, инқилобий адабиётни яратганлардан биридир. Унинг истибдод дунёсини емириб ташлаш истагида бир вақтлар ғазаб ва қатъият билан айтган қуйидаги сўзлари бежиз эмас:

Мен —
Заҳматкаш деҳқоннинг
Ор-номусин куйлайман,
Мадҳ этаман
Қудратли ишчи муборзасин.
Молу дунё, лавозим —
Барига ўт қўйгайман,
Сўйлагайман эрк учун
Кескин жанглар қиссасин!
Мен —
Ҳа, шунақа эдим,
Ҳали-ҳануз шундайман!
Мен —
Байроқман,
Эй, Ватан,
Эрк деб, жангларга шайман...

Сулаймон Лойиқ инқилобни умид ва севинч билан кутиб олди. Унинг ғалабасини ўз шеърларида куйлаб, уни атоқли партия ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти билан мустақамлашда, революцион маданият яратишда, ички ва ташқи контрреволюция билан омонсиз олишувларда матонат кўрсатиб келмоқда.

Сулаймон Лойиқ кўп миллатли, ҳар хил табақали халқ ичида яшаётганлигини, шу халқ ва Ватан олдидаги катта масъулиятини, кураш қонунияти ва шарт-шароитларини яхши билади. Шунинг учун ҳам бу улкан инқилобчи, интернационалист шоир Аф-

ғонистондаги барча миллату қавмларга катта муҳаббат ва ҳурмат билан қарайди, уларни мустақам бирликка чақиради, уларнинг бахти шу бирликка, дўстлик ҳамда ҳамкорликка боғлиқ эканлигини қайта-қайта таъкидлайди:

Мард халқим, тарқоқ бўлма,
Бирлик тугин баланд тут.
Бўронларнинг шиддатин
Тўсолганми ҳеч булут?
Тирикманки, эй Ватан,
Ҳур этмоқлик ҳавасим,
Жоним фидодир сенга,
Токи сўнги нафасим!

Шоир ҳаққонийлик билан айтади: менинг қалбим халққа бўлган чексиз муҳаббатим масканидир...

Авалло, ўз ҳақиқий миллий замини ҳамда юксак аънаналари асосида ажойиб шоир сифатида шаклланган ва халқнинг асл фарзанди бўлган оташин гуманист шоир миллий доирадагина чекланиб қолмади, албатта. У ўз Ватани муаммолари доирасидан узоқларга чиқади. Уни бутун дунё, барча халқлар ҳаёти, кураши ва тақдир астойдил қизиқтиради. Зотан, ҳали ер юзидаги кўп мамлакатлар, меҳнаткаш инсон зулм ва муҳтожлик исканжасида. Бу, барча халқлар манфаатини муқаддас деб билган инсонларвар шоир қалбига оғриқ солмаслиги ва шеъриятдан ўрин олмаслиги мумкин эмас:

Визлар аҳли жаҳонга
Бахтли замон истаймиз!
Қўли қадоқ инсонга
Нон ила шон истаймиз!
Тинчлик бўлсин дунёда,
Омон, омон истаймиз!

Шоир бир вақт келиб бутун олам осуда нафас олишини ва бахтли ҳаётга эришажагини орзу қилади, бунга комил ишонч билан қарайди. Бу орзу, бу ишонч шунчаки бир шахснинг истагигина эмас, шоир буни фаол кураш билан боғлайди:

Ер юзида
Инқилобий курашларга
очиб дил,
Қораю оқ,
сариқ танли —
Бирлашсак бўлур дадил!
Озодликнинг кучи, сеҳри
Эйилсин бор дунёга!
Деҳқон,
ишчи,
қўзғолингиз!
Куи берманг зулм, риёга!

Шоир яхши биладики, дунёда қудратли ҳақиқат ва адолат деган нарсалар бор, шу ҳақиқат ва адолат тантанасини таъмин этишда оламшумул ибрат бўлган Улуғ Октябрь социалистик революцияси нур сочиб турибди. Шу ҳақиқат ва адолат исгеҳкоми СССР бор, ҳақталаб миллион-миллион меҳнаткашлар армияси бор, уларнинг борган сари кучаяётган озодлик ҳаракатлари бор, бу ҳаракат шиддатли тўфонга айланиб, зулм оламини ларзага келтирмоқда:

Бу тўфонда
Ишчи ҳазрат, деҳқонларнинг
саси бор,
Истибдодга бўйин эгмас
Қаҳрамонлар саси бор...

Шоир ўзини шу инқилобий тўфон билан узвий бирликда кўради, ўзини сарфарбар жангчи деб ҳисоблайди, бу билан фахрланади:



Энди
Томчи эмасман,
Тўфон бўлиб кетдим мен!
Энди эски эмасман,
Жаҳон бўлиб кетдим мен!..
Тўфон бўлиб елажакман
Мен жаҳоний уммонга...

Юқорида кўриб ўтганимиздек, шоир аввало миллий заминда майдонга келганини айтади. Шу билан бирга, бутун жаҳондаги, айниқса, Ленин Ватанидаги буюк воқеалар ҳам уни улуг шоир қилиб воёга етказди. Сулаймон Лойиқ ҳозирги замон афғон адабиётида мамлакатимиз халқлари ҳаётини биринчи қаламга олган шоирлардандир. Улуғ Октябрь инқилобини мадҳ этди, уни барча халқлар озодлиги ва бахтининг тонги деб билди. Афғонистонда СССР ёрдами билан қурилган катта иншоотларни тараннум этди, афғон-совет дўстлиги ҳамда ҳамкорлигини куйлади, бу дўстлик афғон халқига янада буюк самаралар беришини тўлқинланиб ёзди. Олтмишинчи-етмишинчи йилларда Сулаймон Лойиқ Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилди ва ватанига дўстлик ҳамда умид ҳиссиёти билан қайти. Ушандан бери мамлакатимизда содир бўлган ва бўлаётган улкан воқеалар шоирнинг диққат марказидадир.

Афғон халқининг ажойиб фарзанди Сулаймон Лойиқ совет халқи ҳаётини ва яшаш тарзини, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашини, унинг янги жамият қуришдаги оламшумул аҳамияти ва қўламли ютуқларини, ер юзидаги миллий озодлик ҳаракатига бераётган беғараз ёрданини, энг илғор ғояли адабиёти ва санъатини жуда севади ва ташвиқ қилади. Революция трибуни бўлган Владимир Маяковский, совет адабиётига асос солган Максим Горький асарларини ўз она тилида тарғиб қилиб келмоқда.

Оташин шоир озод Афғонистон Халқ Демократик Жумҳурияти Миллий суруди — Гимнининг муаллифи-дир. 1978 йил Савр инқилобининг илк кунларидан бошлаб бу Гимн бутун янги Афғонистон бўйлаб мағрур янграмоқда, афғон халқини ўз революцион партияси ва ҳукумати атрофига янада мустақам жипслашишга, сеvimли Ватан равнаки ва халқ бахти учун қаҳрамонона курашларга илҳомлантириб келмоқда. Мана суруднинг дастлабки қуйма сатрлари:

Ерқин порла, ерқинроқ,
Эй озодлик қуёши!
Эй муқаддас офтоб,
Бахту шодлик қуёши!

ОДАМЛАР ЯШАЙДИ АЛҚАБ ТАҚДИРНИ



Бахт

Хув, қирлардан нари, тоғлар ортида
Замин бор, афсона дейсиз у ерни.
Одамлар яшайди садоқат юртида,
Кўшиқлар айтади алқаб тақдирни.

Кўшиқ: ишдан қайтаётган шунқорлар;
Қизлар — турналарга қараб шод чопган;
Қирлар ортидаги намхуш шудгорлар;
Кексалар — бахтини замондан топган.

Бахт — олис юртларда қолдириб кўзин
Бугун ишлаётган инсондир, эрдир.
Бахт — Асал холанинг ўғли Зайниддин:
«Доим бўлсин кўёш», деб айтган шеърдир.

Бахт бу тўксон ёшли Синдор буванинг
Юзидаги қизил, кўзидаги нур.
Бахт бу эл юкини енгил қилганнинг
Кўксигади ғурур, қалбигади сир.

Хув, қирлардан нари, тоғлар ортида
Ватан бор, афсона дейсиз у ерни.
Одамлар яшайди садоқат юртида,
Одамлар яшайди алқаб тақдирни.

Лекин қурбони бор бундай тақдирнинг,
Бахтсизлиги бордир бундай бахтнинг ҳам.
Муштипар аммаиз Хониқ кампирнинг
Хувиллаган уйда беш боласи кам.

Хувайдо момо ҳам уф тортар оғир,
Бирдан жудо бўлган ўғил ва эрдан.
Гарчи баъзи дўстлар эмас мусофир,
Лекин айрилгандир туғилган ердан.

Ҳаддидан оширмас ҳеч кимни ҳаёт,
Кеккайиб юрганлар бўйнин қилар ҳам.
Болалар қийқириб чопишар озод,
Кексаларни ўртар ҳавас ва алам.

Хув, қирлардан нари, тоғлар ортида,
Бир юрт бор, афсона дейсиз у ерни.
Одамлар садоқат сақлар юртига,
Алқаб яшайдилар бахтли тақдирни.

Бахт бу эл юкини енгил қилганнинг
Дилидаги ғурур — тилда дostonдир.
Беқадрнинг «юрти» қулай макондир,
Мен учун юрт ва бахт — Ўзбекистондир.

Кувонч

(Қизим Баҳор туғилганда)

Юлдузлар сочилар маъвога,
Эрий бошлар чўққилар қори.
Бир чечаксан ёруғ дунёга,
Сен баҳорсан менга, Баҳорим!

Теграмда беҳиштнинг гуллари,
Кулар ҳур, муаттар чечаклар.
Энди менинг гулим гуллади,

Энди мен-ла яшар эртақлар:
Аждодларим яшар мен билан,

* * *

Япроқлар тўкилар дардчил синглимнинг
Юм-юм йиғлашидай, кўз ёшларидай.
Япроқлар тўкилар аста-аста, жим,
Сукунатнинг секин титрашларидай.

Учган хазонларга қараб ўйлайман,
Эсга тушар хазон бўлган муҳаббат.
Бу ёруғ оламга бир зум сиймайман,
Пок кунларга бир зум қайтаман фақат.

Япроқлар тўкилар Мир Алишернинг
Оҳиста оҳлари, афсусларидай.
Япроқлар тўкилар, эҳ, Миртемирнинг
Кексайганда туйган мунг, ҳисларидай.

Учган япроқларнинг қисмати оғир,
Дайди шамолларда йўқ асло шафқат.

Улар — қанча кутиб тугаган сабр,
Тишлари қисирлаб чарчаган нафрат.

Мен туйиб бораман шунча туйғуни,
Ёрилиб кетишдан қўрқаман, ишон.
Ва ярим кечада бузиб уйқумни
Омон қолганимдан бўламан ҳайрон.

Тарк этиб боради хонамни зулмат,
Деразамга тегиб жаранглар кувонч.
Тилларанг япроқлар шодликдай, фақат
Энди юрагимда уйғонади тонг.

Учган хазонлар-да бергудай ором,
Маҳзун боғларимга узатади қўл.
Энди япроқлар ҳам тўкилар шодон,
Куртакларга секин бўшатади йўл.

* * *

Ҳадемай кўёш ҳам кулади,
Бир кунлар бошланар ёқимли.
Чечаклар атрига тўлади
Чайқалган саболар ёлкини.

Булбуллар навосин ариқлар
Тошлардан тошларга уради.
Ой оқиб бораркан шарқираб —
Шаҳдидан офтобни кўради.

Жилмайиб кўяди Алпомиш.
Кўзларга кўринмас Ёсуман,
Болаларин топди Кунтуғмиш.

Мағрур Шамси тоғанга ўхшаб
От ёлини тарар Авазхон...
Мен онанга етгунча чеккан
Азобларнинг ҳаммаси ёлғон!



«Хамса», Алишер Навоийнинг ўзи қайд этганидек, «умрининг қаймоғи ва ҳаётининг хулосаси» эди. Улуғ шоир дилида ардоқлаган эзгу ақидалар, адолат ва ижтимоий фаровонлик, инсоний бахт ҳақидаги орзулар, санъаткор тафаккурининг қудрати, билими, руҳий-маънавий олами, шалола каби тошқин туйғулари бу беш дostonда эпик бепоёнлик билан ёрқин тажассум топди. Қадим Шарқнинг кўп асрлик бадий-эстетик тажрибалари, адабий анъаналари, ҳикмат ва заковатини бир қарра яқунлаган қомусий мазмундаги «Хамса» айни пайтда сўз санъатининг бебаҳо ганжинаси ҳамдир. Жаҳонни ҳайратда қолдирган ўткир нигоҳ, нозик таъб, бемисл истеъдод нурлари бу асарда бутун борлиғи билан жилланди. Шеърят даҳоси маснавий майдонида ўзлигини, ўз дунёсини кўрсатишга тўлиқ имкон топди, сўз гавҳарларидан пойдор беш нафосат қасри бунёд этди. Бадий маҳорат юксак даражада қадрланган, сўз санъатининг аълоси — шеър, шеърятнинг этиборли жанри — маснавий, шоирлар куч синашадиган майдон — ҳамсанавислик майдони, маснавийнинг энг баркамол намунаси — Низомий «панж ганжи» деб тан олинган пайтда Алишер Навоий туркий тилда қалам суриб, унга тенг келадиган, кўп фазилатлари билан ундан юксак анги мўъжиза яратди, бадийятнинг баланд чўққисини эгаллади. Бу — даҳо шоирнинг буюк жасорати эди! «Хамса» — мукамал ва мураккаб асар, эъжоз мақомидоги — энг баланд мартабадаги санъат обидаси. Улуғ санъат обидаларини соддалаштириб, тарғиб қилиш, гўзаллик дунёсини идрок этишга йўл қидириш ҳамма халқлар, ҳамма замонлар учун хос эзгу анъана. «Хамса»га шарҳ боғлаш, уни ўрганиб, тарғиб-ташвиқ қилиш Навоий ҳаётлигидаёқ бошланган эди. Кейинчалик вужудга келган мухтасар нусхалар, Низорий, Гарибий каби сўз усталарининг соддалаштирилган дostonлари, эл орасида кенг тарқалган «Хамса»и беназирлар шу хайрли ҳаракатнинг давоми тарзида дунёга келган, «авомуннос ҳам баҳра олурмикан, деб назмни наср тариқида... баён қилиш» (Умар Боқий) муҳим маърифий иш сифатида қадрланган.

Улуғ шоир меросини, ўлмас ғояларини халқ орасига ёйишининг синалган воситаси — насрлаштириш анъанаси совет даврида ҳам давом эттирилди. Бизнинг кунларга келиб ўзбек адабий тилида кўп ўзгаришлар юз берган, Навоий асарларидаги ифода тарзи, хусусиятлари, луғатининг маълум даражада архаиклашгани кўзга ташланиб қолган эди. Бинобарин, китобхонлар насрий баёнга катта эҳтиёж сеза бошладилар. Ҳатто махсус луғат ва изоҳлар билан чиқарилган нашрлар ҳам Навоий назмининг нозик томонларини идрок этишга ҳали етарли тайёргарлиги бўлмаган кишиларга оғирлик қиларди. Шу сабабли аслида шоир меросини тадқиқ ва тарғиб қилишнинг муҳим қисми — «Хамса»ни насрлаштириш, айниқса, Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан жонланиб кетди. Шарқ классик адабиётининг донишмандлари Садриддин Айний, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Амин Ума-

Алишер Навоийнинг кичик замондоши, шоирларидан бири муаррих Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ»да шундай деб ёзади: «Хито ва Хўтан мамлакатларининг чегараларидан бошлаб, то Рум ва мағрибзамин мамлакатларининг охиригача шоҳ ва гадо, ёш ва қари, мусулмон ва нофир, яхши ва ёмон оғзида ул ҳазратнинг гўзал назмлари машҳур ва бутун халқ оммаси ва айрим табақаларнинг кўнгил саҳифаларида ва қалб лавҳаларида муборак шеърлари нақшлангандир». Навоий шеърятининг бундан беш аср илгариёқ жаҳонни забт этганлигидан гувоҳлик берувчи бу ҳаққоний сўзларнинг қадри ҳозир ҳам заррача камайган эмас.

Жаҳон халқлари Алишер Навоийнинг қўлёзма китоблари билан у ҳаёт чоғларда танишган эдилар. 1557 йили эса Венецияда Христофор Табризийнинг «Сарандип шоҳнинг уч навқирон ўғиллари зиёрати» асари итальян тилида босилиб чиқди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, асарнинг иккинчи қисми Навоийнинг «Сабъаи сайёра» дostonи сюжетидан фойдаланиб яратилган экан. Табризийнинг асари итальян, француз, немис, инглиз, голланд тилларида XVI асрда тўрт марта, XVII асрда ҳам тўрт марта, XVIII асрда уч марта, хуллас, 1828

йилгача ҳаммаси бўлиб ўн беш марта нашр этилган. Бинобарин, Алишер Навоий ижодидан ўрта асрлардаёқ жаҳондаги турли мамлакатлар халқлари баҳра топганлар.

Гениал шоирнинг шоҳ асарлари, қутлуғ номи йиллар ва асрлар ўтгани сайин ҳаққоний сўз мухлисларининг юрагидан тобора теранроқ ўрин олиб келаётир.

Улуғ Октябрь галабасидан кейин, айниқса, Алишер Навоийнинг 500 ҳамда 525 йиллик юбилейлари мамлакатимиз ва бутун дунё бўйлаб тантанали байрам қилинган даврларда буюк сўз санъаткорининг ҳаёти, ижоди жуда кенг тарғиб-ташвиқ этилди, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун ва Иззат Султон, Лидия Бать, Миркарим Осим сингари адибларимизнинг машҳур асарлари майдонга келди. «Хамса», «Хазойин ул-маоний», «Мажолис ун-нафос», «Мезон ул-авзон» каби ўлмас асарларининг танқидий матнлари тайёрланди, ўзбек тилида шоир асарларининг ўн беш жилдлиги, рус тилида эса ўн жилдлиги босилиб чиқди, адабиётшунос ва тарихчи олимларимиз томонидан фундаментал тадқиқотлар ёзилди, навоийшунослик адабиётшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланди. Буларнинг барчаси жонажон



Коммунистик партияимиз ва Совет ҳукуматиимизнинг катта ғамхўрлиги, маданий меросга ленинча муносабатнинг ҳаётбахш самарасидир.

Мана, шу кеча-кундузда халқимиз Алишер Навоийнинг 540 йиллигини нишонламоқда. Шубҳасизки, юбилей баҳонасида янги-янги тадқиқотлар, бадиий асарлар яратилади, бинобарин, улуғ бобомизнинг ҳаёти ва асарларини биз янада теранроқ тушунамиз.

Улуғ граждон ва санъаткор Алишер Навоийнинг 550 йиллиги, жаҳон адабиётининг мангу барҳаёт обидаларидан бири — «Хамса» ёзиб тугалланганининг 500 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Журналимиз бундан буён ҳам навоийшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган материалларни мунтазам ёритиб боради.

Нажмиддин КОМИЛОВ

ТАФАККУР ВА НАФСОСАТ ХАЗИНАСИ

рий бу ишнинг биринчи ташаббускорлари бўлдилар. Шунингдек, Бокий, Порсо Шамсиев, Солиҳ Муталлибов, Иноят Махсум, Юнус Латиф, Шариф Ҳусайнзода, Ҳоди Зариф, Тўхтасин Жалолов, Қутбиддин Муҳиддинов, А. Азизов сингари адабиётшунос олим ва мутахассислар ҳам жалб этилган эди. Ғ. Ғулом «Фарҳод ва Ширин»ни, А. Умарий ва Ш. Ҳусайнзода «Лайли ва Мажнун»ни, И. Махсум ва Ю. Латиф «Садди Искандарий»ни насрга айлантирдилар. Бу дostonлар шеърый матни билан биргаликда (бир саҳифаси назм, бир саҳифаси наср) 1940—1941 йилларда нашр қилинди. Бир неча йил ўтгач, ана шу асар қайта нашр этилди. «Гулистон» журналы эса, 1938—41 йиллар давомида адабиётшунос Т. Жалоловнинг «Хамса» талқинлари» асарини эълон қилди.

Маълумки, ўша даврда «Хамса»нинг илмий-танқидий матни яратилмаган эди. Шу туфайли насрлаштирувчилар бир неча қўлёзмани қийсий ўрганиб, улар орасидан нисбатан эътиборлиларини танлаб олиб, фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Ғафур Ғулом «Фарҳод ва Ширин»нинг насрий вариантини яратиш жараёнида етти қадимий қўлёзмани ўрганиб чиққанини сўзбошида таъкидлаб ўтади. Шунда ҳам олим ўз ишидан қониқмасдан, кекса мутахассисларга мурожаат этган, уларнинг маслаҳатлари асосида асарнинг насрий матнини янада пухталаштиришга эришган.

Садриддин Айний «Хамса» дostonларини қисқартириб, уларни батафсил шарҳ-изоҳлар, илмий таҳлил ва талқинлар билан 1940 йили нашр эттирди. 1947 йили бу китоб қайта

босилди. Тушириб қолдирилган боблар ва парчаларнинг эса қисқача мазмуни баён этилгани сабабли асар ҳақида умумий тасаввур ҳосил бўлади. Илмий шарҳ билан наср ва назмнинг узвий келиши асардаги инсоний ғоялар моҳиятини очишдан ташқари шоир маҳоратини кўрсатишга ҳам кўмаклашган. С. Айнийдан фарқли ўлароқ Ғ. Ғулом, И. Махсум, А. Умарий ва Ш. Ҳусайнзодада «Хамса» дostonларининг ҳар бир байти унинг конкрет маъноси ва ибора-образлари билан биргаликда насрга кўчирилган.

Бу насрий ифодалар атоқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори П. Шамсиев тайёрлаган илмий-танқидий матн асосида тузатилиб, 1974—1978 йиллар мобайнида қайта босиб чиқарилади. «Лайли ва Мажнун»ни Н. Норқулов ва В. Раҳмонов, «Фарҳод ва Ширин»ни профессор А. Ҳайитметов, «Сабъаи сайёра»ни И. Махсум нашрга тайёрлаганлар. А. Ҳайитметов, бундан ташқари, «Хамса»нинг биринчи дostonи — «Ҳайрат ул-аброр»нинг ҳам насрий баёнини тайёрлади. Бу дoston илгари насрлаштирилмаган эди. Шу тариқа, «Хамса»нинг тўлиқ насрий баёнига эга бўлдик. Янги нашрда ҳам аввалги тажрибалар давом эттирилиб, байтма-байт насрлаш усулига риоя қилинган. Шу билан бирга, жумлалар орасидаги ўзаро боғланиш, нутқий равонликка эришиш учун зарур сўз ва бирикмалар киритилган, қисқача изоҳ-тушунтиришлар берилган. Изоҳлар «Лайли ва Мажнун» билан «Фарҳод ва Ширин»нинг янги нашрида ҳошияларда, «Сабъаи сайёра», «Садди Искандарий»да асосан матн ичиде келтирилган. Турган гапки, ҳар

қандай насрлаштириш — бу шеърый асарни маълум даражада шарҳлаш демакдир. Шу сабабли насрлаштирувчи хоҳласа-хоҳламаса «ўзидан кўшиш»га мажбур, чунки акс ҳолда шоир кўзда тутган мазмун-маъноларнинг бутун моҳияти, нозик қирралари очилмайди. Лекин бу иловалар Навоий маъноларини ойдинлаштириш мақсадида киритилсагина жозидир.

Албатта, ҳеч бир насрий баён гениал шоир шеърининг ўрнини босолмайди, унинг латиф маънолари, санъатини бутун гўзаллиги билан акс эттиришга ожизлик қилади. Бинобарин, Навоий сўзидан чинакамига лаззатланиш ниятида бўлган одам шоир асарларини асл ҳолида мутолаа қилиши даркор. Насрий баёндан мақсад эса, «Хамсаи беназир»нинг мазмуни, фикр-ғоялари ва қаҳрамонларининг кечинма-ҳиссиётларини имконият доирасида асарнинг руҳи, шоир санъатларини сақлаган ҳолда ҳозирги замон китобхонига соддароқ йўл билан етказишдир. Бу тадбир шоир ижодида муҳаббатимизни янада кучайтириб, жавоҳирлар эшигини очиш учун бизга қалит бўлиб хизмат қилади.

Аммо мураккаб шеърый асарни насрий ифодага кўчириш унчалик осон иш эмас. Дostonлар сюжетини оддий тил билан сўзлаб бериш, маъно-мазмунни тушунтириб бориш ҳоллари ҳам учраган. Лекин бу усул асар тўғрисида тўлиқ тасаввур беролмайди. Шеърый асарнинг ифода-образларини насрда акс эттириш орқалигина унинг теран маъноларини ёрқин кўрсатиш мумкин. Зеро, Навоий шеърыйда маъно унинг шаклий ифодалари, санъатларидан ажрал-

масдир. «Хамса»дек муаззам шеърый обидани насрлаштириш катта меҳнат ва билимдонликни талаб қилади. Бунда фақат ҳозирги, замонавий филологик маълумотнинг ўзи кифоя қилмайди, классик адабиётнинг нозик томонларини, минг йиллар мобайнида шаклланган тасаввур-тушунчалар, халқ онгида қадимдан сақланиб келаётган афсона ва ривоятлар негизда яратилган ташбеҳ-истиораларни, шоир яшаган даврнинг кенг илмий зиёлисига мўлжалланган тағдор киноя-рамзаларни чуқур фаҳмлайдиган нуктасанж, нуқтадон кишигина Навоий байтларининг мазмунини тўла англаб, бизга тушунтириб бера олади. Насрий баён муаллифлари шундай қобилият, билим эгаси эканликларини амалда кўрсатганлар.

Шуниси ҳам аниқки, «Хамса»даги ҳар бир дostonнинг ўзига хос тили, алоҳида ритми, образлар олами бор. Бу насрлаштириш пайтида яққол кўзга ташланади. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр» — ягона сюжетга эга бўлмаган, фалсафий-дидактик асар. Уни Навоий дунёқарашининг баённомаси дейиш мумкин. Дostonда шоир сиймоси зукко мутафаккир, донишманд шахс сифатида намоён бўлади: дунёнинг тузилиши ва унда инсоннинг ўрни, инсон ва улуҳият, инсон ва табиат, руҳ ажойиботлари, инсоннинг яратувчилик қудрати, жамият ва шахс, салтанат ва раият, яхшилик ва ёмонлик, ишқ ва вафо, илму маърифат — хуллас, улуғ шоир замонасининг хилма-хил актуал масалаларини қаламга олиб, уларга жавоб қидиради. Шунга кўра, «Ҳайрат ул-аброр»да фалсафий истилоҳлар, тасаввуф тушунчалари, илмий-назарий муҳофа-

малар кўп. «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъи сайёра» — ишқий дostonлар бўлганлиги сабабли уларда дардли, ҳаяжонли тасвирлар кўп. Дostonларнинг ҳар бирида бу хусусиятлар гоҳат ўзига хос тарзда ифода этилган, чунки шоир тасвирий воситалардан фойдаланганда, таносубият қонунига риоя қилиб, образларни асарнинг умумий руҳи, мавзуси, қаҳрамонлар характери ва фаолиятига боғлаб қўлайди, шу хислатларнинг ўзидан ташбеҳ ва ифодалар, ажойиб сўз ўйинлари ижод этади. Чунончи, «Сабъи сайёра»нинг қолипловчи ҳикоясида, «Лайли ва Мажнун»дагидек, севги кечинмаларини ифодаловчи лиризм, эҳтирос, қалб тугўни, фикрлар баҳсига асосланган драматик тўқнашулар яратилган бўлса, ички ҳиссаларда элик ҳикоя тарзи кўпроқ кўзга ташланади. Етти кишвар, етти хил ранг, етти қаср, етти гўзал, етти сайёр (мусофир) тасвири бир-бирига чирмашиб кетиб, бир-бирини тақозо этади, асарда ажиб образлар дунёсини вужудга келтиради. «Садди Искандарий»да эса шоир яна фалсафа ва ҳикматга мурожаат қилади, умумбашарий, умумжаҳоний масалалар устида ўй суради. Искандарнинг ҳар бир юришидан муайян хулоса чиқаришга интилади. Бу ерда кўп фанларга оид истилоҳларни шеърый байтларга сингдиради. Биргина 42-бобнинг ўзида қадимги тиб илмига оид 36 истилоҳ 45 марта ишлатилган. Умуман олганда, шу бобда юз эллика яқин арабий-форсий сўз ва иборалар учрайдики, уларни изоҳсиз тушуниш қийин.

«Хамса»нинг барча дostonларида улуг санъаткорнинг улкан ғайрат ва иродаси, қалбининг сўнмас алангаси уфуриб туради, ҳатто соф илмий мавзулар ҳақида ёзганда ҳам у ўз фикрларини шоирона қалбдан ўтказиб, ҳароратли мисралар орқали ифодалайди. Ҳар бир байт — яхлит қўйма бир ҳикмат, улар мақол каби жаранглайди. Шу сабабли «Хамса» дostonларини шарҳлаш, насрий баёнга ўтказиш муҳим бир тадқиқотни амалга ошириш билан баробар, деймиз. Чунки Навоий мисраларининг маъносини чақиш учун ўнлаб луғат китоблари, қомусларни варақлашга, қиёсий-таҳлилий ишлар ўтказишга тўғри келади. Оддий адабиётшунос Навоийга мурожаат этганда фақат ўзини қизиқтирган масала атрофида фикрлайди, шунга жавоб излайди, насрлаштирувчи бўлса, дostonларнинг ҳамма жиҳатига, катта-кичик барча хусусиятларига, ҳар бир иборага диққат қилиши лозим. Шоир сўзининг қудрати, нафосати ва жозибаси насрлаштирувчи кўзи олдида бус-бутун намоён бўлади. «Хамса» шарҳининг қийинчилиги яна шундаки, унда арабий-форсий лексика ва ташбеҳларнинг кўплигидан ташқари, туркий тилнинг қадимий таркиботлари, грамматик хусусиятлари кучли акс этган. Насрлаштирувчилар қийинчиликларни енгиб ўтиб, улуг шоир гоҳлари ва санъатларини ҳозирги адабий тил орқали китобхонга имкон қадар тўлароқ етказишга интилганлар. Лўнда ва содда жумлалар аксарият асар мазмунини аниқ ифодалайди. Насрий ифода муъллифлари зарурат туғилганда бир байтни бир жумлага мослаб кетишдан чекиниб, шоир фикрлари ва ҳиссиётининг оқинини бузмаслик мақсадида ўзаро боғланган байтларни бир мураккаб жумла шаклида ифодалядилар. Бу эса насрга хос усулни, равонлиқни вужудга келтирган. Қўшилган сўз ва бирикмалар, жумлаларнинг вобастелиги ва мантиқий яхлитлигини таъминлашга ёрдам берган. Ҳатто насрда акс этиши мушкул ҳисобланган кўп маъноли иборалар, сўз ўйинлари, истиораларнинг мазмуни ҳам баъзан яхши тушунтирилган. Бунинг учун насрлаштирувчилар аввало ҳозирги тилимиздаги энг муқобил сўзни

топиб, ўша ибора ўрнида қўллаш билан, иккинчидан, агар уни бир сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаса, қўшимча изоҳ ва иловалар, аниқликлар киритиб, муддаога эришганлар. Шу тариқа Алишер Навоийнинг бир қанча ибора-истиоралари, хилма-хил фанларга оид истилоҳлари, ишора ва кинояларининг маъзи чақиб берилган. Бунга ҳар беш дostonнинг насрий баёнидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Хамса» сарлавҳаларидаги жумлаларнинг қати бузилмаган. Шоир сажълари — ички қофиялари кишига завқ бағишлайди. И. Махсум бу усулни дostonларнинг матнида ҳам қўллайди, у Навоий шеърининг таъсирига берилиб, ҳатто айрим байтларни насрлаштирмай асл қолича келтиради.

Шу тарзда «Хамса» байтларининг интонацияси, мароми, забту зарби сақлангани учун қалби қалбимизга пайванд шоирнинг муносабатлари, туйғулари шиддати, қаҳри ва меҳри, муҳаббати ва ғазабини, муҳокама-мунозараларию фаҳрия ва мадҳиялари руҳини сезиб тураемиз. Лайлининг мунг тўла ҳасратли мактублари, Мажнуннинг Каъба остонасида ётиб, «Лайли, Лайли», дея чеккан фиғони, Фарҳоднинг Хисравни мулзам этган ўтли жавоблари насрда ҳам қулоғимиз тагида янграб тургандек. Дostonлар насрини ўқиби, Навоий қаҳрамонларининг кураш изтиробларига ҳамдам бўламиз, ҳаяжонларини баҳам кўрамиз. Хуллас, «Хамса» насрий баённинг янги наشري анча фазилатларига эга. У мазмун жиҳатидан ҳам, тилининг равонлигига кўра ҳам илгариги нашрларга қараганда хийла такомиллашган бўлиб, Алишер Навоий дostonларини оммалаштириш борасида олға қўйилган янги қадам сифатида баҳоляниши лозим. Аммо шунга қарамай, бу нашр ҳам камчиликлардан холи эмас. Бундан ташқари, дostonларни чоп этиш тартиби, уларни шарҳлаш ва безаш хусусида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишга тўғри келади.

Насрий ифодалардаги дафъатан кўзга чалинадиган камчилик — бу унда ҳали кўпчилик китобхонларга тушунарли бўлмаган сўз ва ибораларнинг кўплигидир. Биз юқоридека қайд этдикки, насрлаштирувчилар турлича изоҳлаш йўли билан байтларнинг мазмунини очишга интилганлар, аммо ҳамма жойда ҳам бунга тўла муваффақ бўлганлар, деб айта олмаемиз. Умуман, бу ерда Навоий ибораларининг ҳаммасини сақлаш, архаизмдан қочмаслик шартмикан,

деган савол туғилади. Нега деганда, агар биз байтларни фақат вазн ва қофиядан озод қилиб, уларнинг ифодаларини шоирнинг ўз сўзлари билан жумлага тизиб кетаверсак, насрлаштиришдан қутилган мақсадимиз амалга ошмайди — шеърни тушунмаган киши бу жумлаларни ҳам тушунмайди. «Шум кампирнинг қизи қанча хунук бўлса ҳам, унинг кўзига беҳиштадаги ҳур бўлиб кўринади. Қобилиятсиз шоирга: «Нима еяпти!», деб юрма дейман, нима бемаъни гап гапирса, унинг ўзига сеҳр бўлиб туюлади. Ит қозондаги ошга тилини текизгани учун юз қоралик белгиси сифатида юзи қизил бўлди» («Ҳайрат ул-аброр», 108-бет)». «Шум кампирнинг қизи» шароб эканини, юз қоралик — шармандалик ва қора рангга бўялиш, юз қизиллик эса хижолат ва калтак зарбидан қизариш эканини шарҳ-изоҳларсиз Навоий шеърини тушунмаган китобхон англаётармикан? Ёки «Фарҳод ва Ширин»даги бино қуриш маззараси: «Одам болаларининг тўдасига безовталиқ тушган, одам болалари оламга ғулғула солган пайт эди. Тўрт ишбоши иш устида шундай айланардиларки, бу етти кўкнинг саргардон бўлиб айлянишини эслатарди. Усталардан ишга қониш нияти кетган, бир нафас тинмас ва таянмас эдилар» (33-бет). Бу парчанинг мазмуни қуйидагича бўлиши керак эди: «Одамлар орасида безовталиқ ҳукмрон, кишилар оламга ғулғула солгудек серҳаракат эдилар. Тўрт ишбоши қурилиш майдонида шундай жавлон уриб айланардиларки, бу етти кўкнинг саргардон айлянишини эслатарди. Усталар ишлаб чарчамасдилар, улар бир дам тинмас, ҳордиқ олмас эдилар».

Бундай парчалар «Лайли ва Мажнун»да ҳам анча учрайди. Чунончи: «Унинг яширин хазинаси шараф айвон, хазиначиси эса лутф мезонидир, маъно тангаларини зарб урувчи, узлат ҳарамидеги ички розлар маҳрами. Унинг диққати калавасининг учи сертугун... У фазилатнинг Тур тоғидаги Мусоси, қаноатнинг Қоф тоғидаги Анқоси...» («Лайли ва Мажнун», 4-бет). Бу парчанинг мазмуни эса шундай бўлиши мумкин: «Унинг (Низомийнинг) яширин хазинаси — асарлари шараф қасридир, бу хазинани лутф марҳамат тарозуси ўлчайди (яъни, асарлари назокат, ла-

тифлик намунаси), у маъно тангаларини зарб қилувчи, узлат хосхонаси ширларининг сирдоши (яъни, дунё ишларидан чекиниб, илм билан шуғулланадиган, тафаккурга берилган одам). Нозик таъбининг иллари сертугун (яъни, ижодидека кўп маънолик, мажоз, киноя кўп)... у фазилат тоғининг Мусоси (афсонага кўра, Мусо Тур тоғига чиқиб худо билан сўзлашган), қаноат тоғининг Анқоси, яъни кўринмас қушидир». Мураккаб истиоралардан тузилган гаплар, шоир асосан шеър талабига қараб қўллаган махсус бирикмаларни шу даражада айнан такрорлашга ҳожат бўлмаса керак. Бундай вақтда мазмуни табиий насрий жумлаларда, бир қадар соддалаштириб, керакли шарҳлар киритиб баён этиш маъқул кўринади. Изоҳ ва шарҳнинг кўпайишидан қўрқмаса ҳам бўлади, чунки китобхонга Навоий маъноларини тушуниш муҳим, мақсад дostonларнинг ифода-образларини сақлаб қолиб, насрлаштириш экан, бундан бошқа чора йўқ. Ҳозирча ҳошияда ва матн ичида келтирилган тушунтиришлар етарли эмас. Жуда кўп арабча-форсча сўзлар, махсус истилоҳлар, бир неча маъноли иборалар изоҳланмай қолиб кетган. Масалан: журм (гуноҳ), аду (душман), жойиростон (нариги дунё), рўзи (тақдир, ризқ), мил (масофа ўлчови), муаббир (таъбирчи), фард (якка, жудо, шахс), жўйбор (серсув ариқ), донишвар (донишманда), отабек (шаҳзоданинг тарбиячиси), шабохун (тунги ҳужум), гулфом (гулсимон), амна ва танбул (доривор ўсимликлар япроғи), руҳи равон (жон) каби. Буларнинг бир қисми ўрнига бемалол ҳозирги тилимиздаги сўзларни қўллаш мумкин, изоҳталаб жойларни эса тушунтириш жоиздир. Навоий асари бундан ҳеч нарса йўқотмайди.

Иноят Махсум матн ичида изоҳлашнинг уч хил усулидан фойдаланган: қавс ичида сўзнинг иккинчи маъносини келтириш (мунчоқ (юлдуз), хушхабар (мужда) каби), «яъни» изоҳловчиси орқали шарҳлаш («кўзимни муздамга тиккан, яъни шоҳга қилган яхшилигимга яхшилик тилаган бўлсам», «махтумлари, яъни муҳтарам хожалари» сингари) ва сўзма-сўз таржимага мурожаат этиш («ҳадд — чегара», «тожир — савдогар», «риёзат — меҳнат» ва ҳоказо). Булар яхши усуллар, албатта. Бироқ ортиқча изоҳлар ҳам бор. «Сабҳат — гўзаллик», «фан — ҳикмат», «байзо (тухум)» дейиш ўрнига уларнинг биттасини — ҳозирги тилимиздан олинган сўзларни ишлатиш етарли эди. Насрлаштирувчилар шоирнинг сўз бойлигини кўрсатиш пайида бўлганлар. Яхши ният. Шубҳасиз, бу бебаҳо мулкдан фойдаланишимиз, жорий адабий тилимизда қўлашимиз шарт. Бироқ бунинг шу миқдорда бирданига амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли, фикримизча, насрий баёнда Навоий асарларидаги архаикани ўз ҳолича қолдириб, изоҳлаб ўтириш тўғри эмас, негаки, бундай сўзлар кўп ва уларнинг ҳаммаси «таржима» қилинса, баён тили ғализ бўлиб қолади. Бинобарин, бу лексикани ҳозирги тилимизга кўчириб, фақат образли ифодаларни сақлаган ҳолда (шунинг ўзи ҳам Навоий услубини яққол билдириб туради), уларнинг кўчма маъноларини шарҳлаш кифоя. Сабаби, улуг шоир асаридаги ифода, ташбеҳларнинг хилма-хил маънолари насрда тўлиқ акс этмаслиги аниқ, улар учун қўшимча шарҳ бериш керак бўлади.

Моний Дилором таърифида дейди:

Уду сандал била ясаб анга чанг,
Зухраваш чалмоқ айлабон оханг.
Хожа баъйин тилаб паривашнинг,
Зухра — бир, муштарий вале юз

минг.

Насрий баёнда: «Хожа унга уд ва

1 Мақоладаги барча таъкидлар авторники. — Ред.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти илмий ҳодимлари Алишер Навоий ижодини ўрганиш борасида йирик тадқиқотлар олиб бормондилар. Суратда (олдинда ўтирганлар, чапдан): филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайитметов, филология фанлари кандидати Сунима Ғаниева; (орнадагилар) — филология фанлари кандидати Тошпулат Аҳмедов, филология фанлари доктори Маҳмудали Юнусов, филология фанлари кандидати Баҳром Бафоев, филология фанлари доктори Содир Эркинов улуг шоир меросининг заҳматнаш тарғиботчиларидир.

А. ЖДАНОВ фотоси





сандал ёғочларидан чанг асбобини ясашиб берган. Агар Зухра юлдузига ўхшаш у гўзал, шу чангни чалиб куйлайдиган бўлса, хожа у паривашни Зухра у ёқда турсин, Муштарийю яна юз минг юлдузларга ҳам алишмайди» («Сабъаи сайёра», 18-бет). Бу парчада насрлаштирувчи межозий маъноларни матн таркибида ифодалашга ҳаракат қилган, лекин мақсад амалга ошмаган, қолаверса, маъно мавҳум бўлиб қолган.

Аслида шундай бўлиши керак: «Уд ва сандал (хушбўй тарқатувчи ёғочлар)дан унга чанг ясашиб берди. Зухра каби соҳибжамол Дилором уни чала бошлади. Хўжаси Дилоромнинг баҳосини айтган, аммо бу гўзал (Зухра)— битта, харидорлари (Муштарийси)— юз мингта».

Навоийнинг маҳорати шундаки, бир йўла ҳам образларнинг межозий кўчма маъносини, ҳам конкрет маънони бера олади. Зухра— сайёра, шу билан бирга, қадимий тасаввурларга кўра, у санъат ҳомийси, гўзал созанда суратидадир. Муштарий ҳам— сайёра, унинг хислати эса харидорлик, Зухрага ошиқлик экан. Шоир чиройли ташбеҳ воситасида Дилоромнинг санъаткорлиги, тенгсиз ҳусни ва харидорлари— ошиқларининг беҳисоблигини айтган. Байтларни ихчам равишда равои ва тўғри насрлаштириб, кейин қўшимча шарҳ билан образларни тушунтириш лозим эди.

Меҳинбону саройидаги соҳибжамол қизларнинг бирини Навоий «адвор даври ичра раққос» деб таърифлайди. Ҳ. Фулом тайёрлаган нашрида бу: «кўк доиралари ичида ўйинга тушади» дейилган, А. Ҳайитметов эса «чирмандага чир айлиниб, ўйин тушадиган раққоса» тарзида ўзгартирган. С. Айний шу муносабат билан ёзган эди: «адвор— қадимги нота, мусиқа усули ва айни пайтда раққос тури ҳам». Демак, бир байт орқали шоир қизнинг ҳам мусиқа илмининг билимдони ва ҳам моҳир раққоса эканлигини тавсиф этган. Ҳ. Фулом ва А. Ҳайитметов вариантларида истиоранинг биттадан маъноси акс этган, холос. Шу каби мазкур парчадаги **ҳақойиқ**, **русум**, **балоғат** сўзлари ҳам бирданга икки-уч маънода қўлланилган, яъни, **ҳақойиқ**— мавжудот ҳақидаги илм, фалсафа, ҳақиқатлар; **русум**— расм-одат, расм чизиш санъати, мантқиқ илми; **балоғат**— камолот, тил ва адабиёт, сўзга моҳирлик. Бу усул шоирга фақат образлилик, тасвирийлиكنи вужудга келтириш учун эмас, балки ғояни, фикрни чуқурроқ, кенгроқ баён қилиш учун имкон яратган. Вафони у «жавҳари фард» дейди («Хайрат ул-аброр», VIII мақола). **Жавҳар**— қимматбахо маъдан, лекин Шарҳ файласуфлари модданинг энг кичик зарраси— субс-

танцияни ҳам жавҳар деганлар. Навоий шеърда ҳар икки маънони назарда тутди. Насрий баёнда бунга изоҳ берилмагани учун вафо— қимматбахо нарса деган мазмунгина ифодаланиб, вафо— киши ахлоқининг мағзи, тамал тоши деган мазмун тушиб қолган. Фарҳод билан Хисрав ўртасидаги машҳур мунозара «Деди:— Қайдин сен, эй мажнун гумроҳ? Деди:— Мажнун ватандин қайда огоҳ!» байти билан бошланади. Насрий ифоданинг янги нашрида **мажнун** сўзи **тентак** деб ўзгартирилган. Ҳ. Фулом нашрида бу сўз асл ҳолида келтирилади. Бу тўғри эди. Чунки, гарчи мажнуннинг луғавий маъноси тентак бўлса ҳам, лекин у орқали шоир, аввало, ошиқлик, садокатни ифодалаган. Шу сабабли Хисрав йигитни «жинни», дея камситсада, Фарҳод мажнунлик номи билан фахрланади.

«Хамса» насрий баёнида баъзан муаллифнинг қарашлари, ижодий концепциясига путур етказариган жиддий нуқсонлар ҳам учрайди. Дилоромни Хитойдан олиб келадилар, Баҳром унинг хўзурига кирганда, қиз ўрнидан туриб таъзим бажо келтиради. Шоир бу учрашувни «Шоҳиға банда, банда анга шоҳи», деб ғоят бурролик билан ифодалайди. И. Маҳсум баёнида бу мисра: «Урнидан туриб қуллуқ қилди, шоҳ эса **унга лутфу марҳамат кўрсатди**», тарзида насрийлаштирилган. Сиртдан қараганда, унчалик эътибор қиладиган хатога ўхшамайди, аммо насрлаштирувчининг бу ерда шоҳни бандаликдан «халос этиши» асарининг умумий мазмунига зиддир. Дилором Баҳром ихтиёрига ўзини топширибгина қолмай, Баҳром ҳам унга қул бўлди-ку ахир! Бу асарнинг тугуни, шоир тасвирлашни ният қилган можароларнинг ибтидосидир. Зеро, Навоий наздида ошиқ агарчи шоҳ бўлса ҳам машуққа олдида у қул. Баҳром худди шу қоидага риоя қилмагани ва шоҳлик ғурури устун келгани учун Дилоромни қўлга улоқтириб, кейин унинг фироқида куйиб-ёнади. Асар охирида шоҳнинг батамом ишқ домига тушиб, шоҳлиكنи унутгани ҳам шуни тасдиқлайди. Еки яна бир мисол. «Садди Искандарий»нинг биринчи «Ҳикмат»ида жаҳонгирлик ва дарвешлик масаласида Арасту билан Искандар орасида савол-жавоб бўлади. Унда Навоийнинг асосий ғояларидан бири— дарвешликнинг (дунё ишларидан ўзини четга торган ҳақпараст кишилар эътиқодининг) шоҳликдан афзаллиги баён этилган. Бу дostonнинг бутун мазмуни ана шу ғояни исботлашга хизмат қилади, чунки Искандар дунёни фатҳ этиб, ҳеч нарсага эга бўлмади, дунё Искандардан ҳам қолди. Жаҳонгирлик, босқинчиликнинг олдини олишга,

тож-тахтга сиғинишга қарши қаратилган ғоя эди бу. «Ҳикмат»даги «Неким аслдин топти маъзуллуқ, Иши фаръ ила бўлди машғуллуқ», байтининг ташлаб кетилгани ва ундан кейингисининг мазмуни нотўғри ёритилгани натижасида юқоридаги ғоя очилмай қолган.

Алишер Навоий муқаддима бобларда салафлари изидан борганини камтарона қайд этса ҳам, лекин ўз асарларини пастга урган эмас. Аксинча, аксарият ўринларда улардан ўзиб кетганини, Низомий ва Хусравдаги камчиликларни тақдорламаганини фахр билан тилга олади. «Лайли ва Мажнун»нинг насрий баёнида бўлса ўқиймиз: «Уйлаб кўрсам, олдинги иккитасини чуқур мулоҳаза билан ёзмаганман» («Хайрат ул-аброр» билан «Фарҳод ва «Ширин» назарда тутилмоқда.— Н. К.). Бу фикрни шоир ўзига нисбатан эмас, балки одоб доирасида туриб Низомий ва Хусрав дostonларига нисбатан билдирган:

Айтилгон икиси бетааммул,
Ул навъки айладим тахайюл.

«Ул икиси» деганда улўғ ўзбек шоири ўша икки устозини назарда тутган. Чунки шу бобда ўзидан илгарини ёзилган «Лайли ва Мажнун»ларнинг дарддан холилигини танқид қилади. Бир абзац аввал қониқиш билан тилга олган ўз асарларини Навоий сал ўтмай шу тариқа камситиши мумкинмиди? Йўқ, албатта!

Баъзан унча мураккаб бўлмаган оддий байтлар ҳам насрда нотўғри ифодаланганини кўрамиз. Чунончи, Навоийда:

Яна илм таҳсил айлар киши,
Агар истаса рудд топқай иши,
Ишидан анга ҳосил ўлмас фароғ,
Емай кўп узун кеча дуди чароғ.
Ики бошда ёнса чароғи анинг.
Тун ўртаси тингай димоғи анинг.

Яъни: «Илм таҳсил қиладиган одамлар агар камолот касб этишга умидвор бўлсалар, узун кечалар чироғ тутунини ютмасдан мақсадга етолмайдилар, агар уларнинг икки томонида чироғи ёниб турса, ярим кечага бориб фикрлари тиниқиши мумкин». Насрий баёнда: «Илм таҳсил қиладиган одамлар ҳам, камолот топиш умиди бўлса, қилаётган ишини охирига етказмай қийналиб юрган пайтларида, узун кечада чироғ дудини кўп хидламаслик учун, туннинг икки бошида чироғини ёндириб, ўртасида ётиб миясига ором берса дуруст бўлади» («Садди Искандарий», 100-бет). Кўриниб турибдики, бир қанча ортиқча сўзлар воситасида баён этилишига қарамай, тескари маъно келиб чиққан.

Шунга ўхшаш айрим сўзларнинг хато тушунилиши матн мазмунини

чалкаштирган. **Харчанг** (қисқичбақа)— сув арслони («Фарҳод ва Ширин»), **ғабғаб** (ияк остидаги чуқурча)— юздаги кулдиргич («Сабъаи сайёра»), **бадхоҳ** (ёмон ниятли, душман)— олчоқ («Садди Искандарий»), **рубъи маскун** (дунёнинг одам яшайдиган тўртдан бир қисми)— дунёнинг сокин қитъаси («Фарҳод ва Ширин») деб хато шарҳланган. Навоийда: «Йигитлик ва ўрта ёшлик даврлари... айш-фароғат чоғи ҳисобланади» дейилса, насрий баёнда: «Ёшлик ва **қариллик даврлари** ҳам... айш-фароғат чоғи ҳисобланади», деб нотўғри тушунтирилган («Садди Искандарий», 100-бет). Насрлаштирувчилар шоир қўллаган **тахрир**, **озода**, **меҳнат** сингари сўзларни ўзгартирмасдан келтираверганлар, ҳолбуки, уларнинг ҳозирги маъноси билан илгариги маъноси орасида катта тафовут бор: **тахрир**— ёзиш, яратиш, бандан озод қилиш; **ёзод** (озода)— эркин одам, хўжа, фориғ, аслзода, феодал; **меҳнат**— машаққат, азоб, заҳмат, фаолият маъноларида қўлланиб келинган.

«Садди Искандарий»да Алишер Навоий Самарқанд табиатини жўшиб тасвирлар экан, Зарафшон дарёси ва унинг қирғоғидаги тепалик (ҳозирги Чўпонота) ҳақида ёзади:

Хамул пуштаки Кўҳак топди исм,
На пушта, жаҳон ганжи узра

тилис...
Ки мансуб эрур анга Кўҳак сувн,
Нединким эрур жори андин қуйи.

Хамул тўпа олидин андоқ оқар,
Ки ошиқ— бошу, ашки дер, ким

боқар.

Яъни: «Ул тепанинг номи Кўҳакдир (Чўпонота), йўқ, уни тепа дема, балки жаҳон хазинасининг тилисми де... Дарё шу тепалик пастидан оққани учун у ҳам Кўҳак деб аталади. Дарё ўша тепалик ёнидан шундай оқадики, унга қараган одам тепаликни ошиқнинг бошию дарёни унинг кўз ёши деб тасаввур этади». Насрий ифодада бўлса: «Бу Зарафшон дарёси тепаликда жойлашгани учун [!] «Кўҳак» деб ном бердилар. Йўқ, бу тепалик эмас, жаҳоннинг бойлиги устига қурилган тилисmdir... Шу тепаликдан пастга қараб қуйилгани учун ҳам [!] Зарафшонни Кўҳак дарёси дейдилар. Бу сув шу тепаликдан қуйи шундай оқардики, кўз югуртирган киши тепаликни ошиқнинг бошию, сувини унинг кўз ёши деб тасаввур қиларди» (104-бет).

Самарқанд Африкада, ёинки Америка қитъасида эмас, шундайгина икки қадим жойда, кўпчилигимиз уни кўрганмиз ва Зарафшоннинг қаердан, қандай оқишини биламиз. Ҳеч замонда дарё тепаликдан пастга қараб оққаними? Зарафшон ҳам, Чўпонота ҳам Навоий давридан бери ўз

МУМИН МИРЗОНИНГ СЎНГГИ ҚУШИҒИ

Мени асир олдилар.
Бедовимнинг бадани
Асабий титрар, учар...
Оллоҳ, караминг қани?
Бедовим пишқиради,
Кишнайд эзиб-эзиб,
Жиловиға ёпишган
Ажалнинг қўлин сезиб.
Мени асир олдилар...
Осмон қаро, ер қаро!
Нега истиқболимга
Чиқдинг сен, эй фуқаро?
Балки бир тирик сатрим
Чўккан кўнглинг кўтариб,
Учган ғамхона ердан
Орзу осмони сари.
Балки етим-есирга
(Тиёлмай кўздан ёшим)
Эҳсон айлаганимда,
Хаёлкаш ҳиротдошим,
Бошимга тож кийдириб,
Мени кўргансан султон —
Жами жонзот бахтиёр,
Эл тинч, юрт омон-омон...
Балки устод Алишер
Қалбидан кўчган меҳр,
Юрагингга пок руҳим
Бандлаб, айлаган сеҳр...
Мени асир олдилар.

Отим сўлиғин чайнар,
Найзалари сўлқиллаб,
Қўлларида ўқ-ёйлар
Қўриқчилар теграмда
Қур ташлаб борар ҳушёр.
Дардимни айтолмайман...
Халқ, тингла, бир банд ашъор:
«Мен ҳам, илкимда қилич,
Овлаганман йўлбарс, шер.
Душман Музаффар ўлди,
Ағёр фалак қилди ер...»¹
Мени асир олдилар...
Бўғзимда эрк қўшиғи!
Анграйиб очилади
Ҳибсхона эшиги.
Сўнг бор оламга боққин,
Эй, омонат, ҳаётим,
(Кўзида ёш айланиб,
Қўлимни ялар отим).
Энди ҳеч кўришмаймиз,
Оқибатли фуқаро,

¹ Бу ўринда Мўмин Мирзонинг шеъри эркинроқ тарзда келтирилди. «Музаффар» сўзида икки маъно бор: музаффар — ғолиб; Музаффар — Мўмин Мирзони ҳибсга олган амакиси Музаффар Ҳусайн.

Оёқ-қўлим занжирда,
Ҳибсхона қоп-қаро,
Тўрт томонда солланар
Хоин муштлар кўлкаси...
Нега тинч яшолмайсан,
Боболарим ўлкаси?
Наҳот, ҳар зукко ақл,
Шер юрак, арслон билак,
Фитналарнинг зарбидан
Йўқликка кетса қулаб? —
«Мен ҳам, илкимда қилич,
Овлаганман йўлбарс, шер.
Душман Музаффар ўлди,
Ағёр фалак қилди ер...»
Бу тун бобом гўлдираб,
Сархуш қоқиб жаҳонга,
Муҳр босар қонсираб
Қалтираган фармонга.
Низсмўлмулк тиржаяр,
Таъзим айлар бош эгиб.
Жаллодга «оқ йўл» тилар
Момом Хадичабегим...
Ҳибсхона эшиги
Шиддат билан очилар,
Бир хавотир ичинда
Тош қотади соқчилар.
Кир панжасин бўғзимга
Қадар жаллод Бий Жангий...
Қонхўр! Мунча титрама,

Оёқ-қўлим кўганли!
Эраб, метин сабр бер!
Улим олди талвасам
Виқорли, сокин бўлсин,
Ажалга боқай ўктам.
Кўксимда қотар нафас...
Тиниқ танимдан оқиб,
Жоним ойдай чиқару
Туманга кетар ботиб.
Қотил! Тамом... Мен ўлдим...
Қотил! Бўйнимни бўшат!
Рухим эл аро учар
Бир даста нурга ўхшаб.
Нурга ташна, эй халқим,
Мен учунми кийдинг кўк?
Ёш эдим — дардларингга
Малҳам бўлганим йўқ.
Жасадим совиб борар...
Қотил, олгин кўлингни!
Аллақачон танимга
Жойлагансан ўлимни.
Нимадан кўрқаяпсан?
Титраяпсан? Ҳушёрсан!
Мени яна асрлар
Бўғмоқликка тайёрсан...
Асрий зўриқиш нечун?
Ахир, ушбу лаҳзалар
Абадият тож-тахтдан
Жирканмоғига етар!

ҳолатини ўзгартирган эмас. Мазкур парча Навоийга бағишланган илмий адабиётларда бир неча бор шарҳланган. Бу насрлаштурувчининг ҳам, нашриёт редакторларининг ҳам диққатидан четда қолмаслиги керак эди.

«Садди Искандарий»нинг насрий баёнида Хуросон ва Кашмир тасвири ва Чин ҳоқони тадбирларига бағишланган бобларида ҳам ғализ, ноаниқ жумлалар анча. Оддий мисол: Навоий қофия тақозоси билан Кешини Каш шаклида қўллаган бўлса, насрий баёнда ҳам у «Каш» деб келтирилган, ваҳоланки, Шахрисабзнинг қадимий номи Кеш эканини яхши биламиз. Ақалли, қисқача изоҳ берилса, китобхон чалғимади. Хуллас, «Хамса»нинг насрий баёнини пухталаш учун ҳали анча-мунча ишларни амалга ошириш керак шекилли. Камчиликлар устида кўпроқ тўхталаётганимиздан мақсад ана шу каттақон ишнинг қиммати ва аҳамиятини камситиш эмас, албатта. Билимдон олимларимиз, адибларимизнинг бир неча йиллик машаққатли меҳнати самараси бўлган бу нашр Навоий сўзига ташна адабиёт мухлисларининг хонадонидан мустаҳкам жой олди. Йўл қўйилган камчиликларни кўрсатишдан мурод — келажакдаги нашрларда уларни бартараф этиш ва насрий матни янада такомиллаштиришга даъватдир.

Зеро, «Хамса» дostonлари ва уларнинг насрий баёни бундан кейин кўп марта баъдан нашр этилиши мўқаррар. Улуғ Навоийнинг муборақ таваллудига маъна 540 йил тўлди, унинг буюк ижоди бўлмиш «Хамса»нинг яратилганига эса яқинда 500 йил тўлади. Шу муносабат билан уни тадқиқ ва тарғиб қилиш ишларини яна ҳам кучайтириш керак. Жумладан, дostonларнинг насрий матнини бир китоб ҳолида босиб чиқарилса дуруст бўларди. Шунда асрлар бўйи турли сабабларга кўра юзага келган маъно ноаниқликлари, ғализликлар эътиборли нуқсаларга қараб тузатишдан ташқари, улардаги насрий баён усулини ҳам муштарак бир тарзга келтириш, такрорий шарҳ-изоҳлардан қутулиш имкони туғиларди. Чунки дostonларда такроран

учраб турадиган тарихий номлар, ифодалар, ташбеҳ-образлар анча. Ҳар бир насрий баёнчи уларни ўзинча шарҳлаган. Оқибатда чалқашлик ва кишини чалғитувчи хилма-хиллик юзага келган. Кейин, агар «Хамса» миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, бу такрорий шарҳлар кўп жойини эгаллаши ҳам бор. Масалан, Хизр «Ҳайрат ул-аброр» баёнининг 45-саҳифасида «яшил», «кўк» маъноларини билдиради», деб изоҳланса, 48-саҳифага келиб, «диний афсонага кўра, обиҳаёт сувини топган пайғамбар номи», дейилади. «Сабъан сайёра» баёнида эса «Хизр — ҳаёт рамзи» (80-бет) деб кўрсатилган. Сал ўтиб, Навоий тилидан «худди рост йўл кўрсатувчи Хизрдек» жумласи келтирилади. Эҳтимол, муаллиф тасвир мутаносиблигини таъминлаш учун образни қўллаганда ҳар сафар унинг шеърий мантиқ талаб этган қиррасинигина назарда тутди, шунга кўра насрлаштурувчи ҳам ўша жиҳатни изоҳлаб кўрсатишга ҳаракат қилган, дейишлари мумкин. Лекин бу тўғри эмас. Негаки, биринчидан, Навоий кўп маъноли образнинг бирон белгисини тажнисга олганда, қолган маъноларни назардан соқит қилмайди, иккинчидан, битта сўзга ҳар ерда ҳар хил изоҳ бериш яхши эмас. Келтирилган изоҳларнинг ҳаммасини йиққанда ҳам, шоир қўллаган образнинг маъноларини тўлиқ ифода этолмайди. Шу сабабли бундай бадиий унсур вазифасида келган афсонавий ва тарихий номлар, географик атамалар, махсус ибораларни бир ерга жамлаб, китоб охирида батафсил шарҳлаш қулай ва фойдалидир. Шунда Алишер Навоий маҳоратининг сеҳри китобхон кўзи олдида янада равшанроқ намоён бўлади. «Хамса»нинг насрий баёни яхлит китоб ҳолида нашр қилинса, уни шоирнинг ғояларини эркинлаштирадиган чиройли, бамъноли расмлар билан безаш ҳам осонлашади. Нега деганда, мавжуд нашрлардаги безаклар кишини унчалик қаноатлантирмайди, «Ҳайрат ул-аброр» баёнига чизилган ифодали расмлар, чиройли муқовалаш кейинги дostonлар нашрида давом эттирилмади.

Улуғ Навоийнинг бебаҳо меросини чуқур илмий тадқиқ этиш, унинг ўлмас ғояларини оммалаштириш борасида тобора янги-янги ютуқлар қўлга киритилмоқда, совет даврида шаклланган навоийшунослик фани жадал ривожланмоқда. «Хамса»нинг ҳар бир дostonи ҳақида алоҳида тадқиқотлар, монографик ишлар ёзилди, унинг илмий-танқидий матни тайёрланди. Бироқ ана шу буюк санъат обидасининг ҳали ўрганилмаган томонлари кўп, ёритилмаган масалалар талайгина. Аввало шуки, асарнинг тўлиқ изоҳ ва шарҳлар, илмий кўрсаткичлар билан таъминланган академик нашрига эга эмасмиз. Шунингдек, Навоий тилининг изоҳли луғатини нашр этиш ҳам чўзилиб кетди. Шоирнинг услуби, поэтикасини ёритиш, лирикаси, дostonлари ва бошқа асарларини қиссий-типология таҳлилдан ўтказиш — навбатдаги вазифалардир.


Ўрни келганда яна бир муҳим гапни айтиб ўтмоқчимиз: шоир асарларининг аксарият нашрларида дostonларнинг муқаддима ва хотима боблари (баъзан ички боблар ҳам) ташлаб кетилган, ора-орадан парчалар, байтлар қисқартирилган. Шу нарсани насрий баёнларда ҳам ўраемиз. Бу ҳол қандайдир нохуш одат тусига кириб бормоқда. «Хамса» дostonларининг насрий нашрларини кўздан кечирганимизда «Ҳайрат ул-аброр»дан 21 боб, «Фарҳод ва Ширин»дан 8 боб, «Лайли ва Мажнун»дан 6 боб, «Сабъан сайёра»дан 9 боб, «Садди Искандарий»дан 9 боб, хуллас, жами 53 боб тушириб қолдирилганини кўраемиз. Демак, яхлит бир дoston ҳажмидаги матн ташлаб кетилган. «Ҳайрат ул-аброр»нинг бутун боблари, ҳикоялари бир-бири билан боғлиқ — бир мунтазамликдадир, ундаги қарашлар, фикрлар, ақидалар ўзаро узвий алоқадор. Мутафаккир шоир инсоннинг моҳияти нима, деган саволни қўйиб, тафаккур изланишлари, олам асроридан ҳайратланишни ажойиб бир тарзда ҳикматга тизади. Асарнинг «Ҳайрат ул-аброр» дея номланиши ҳам шундан. Лекин худди ана ўша боблар ва

Навоий фалсафасининг маъзани ташкил этадиган нақшбандия тариқати боблари ўн беш томликда ҳам, насрий баёнда ҳам йўқ. Тўғри, шоир диний ақидаларни, идеалистик қарашларни баён қилган. Аммо бу фикрлардан у айнан ўзининг гуманистик ғояларини, эзгу идеалларини тарғиб этиш йўлида фойдаланади, далил қидиради ва динни ниқоб қилиб олган риёкорларни фож этиди. Шундай экан, шоир асарларини тўмтоқ тарзда босиб чиқариш, уни «яшириш»га энди ҳожат бўлмаса керак. «Садди Искандарий»нинг бир «Ҳикмат»ида кечаси ухламай чиқадиган уч тоифа кишилар, яъни: қосиблар, илм таҳсил қилувчилар ва ибодат билан шуғулланувчи гўшанинлар ҳақида ёзилган. Насрий баёнда кейинги тоифага оид парча йўқ. Нима сабабданлиги номаълум. Ахир, бу Навоийнинг даврини, унинг замонаси кишиларига муносабатини билдиради-ку? Биз Алишер Навоийнинг дунёқарашни зиддиятли, «у ўз даврининг фарзанди» деймиз, шундай бўлса, ҳар бир одам унинг меросини бутун ҳолида мутолаа қилиб, бунга ўзи қаноат ҳосил этса яхши эмасми? Агар «худо», «дин», «имон» сўзлари учрайдиган асарларни ҳадеб тарашлайверсак, ёки «қисқартириб» ташласак, унда «Илиада»ни, «Шоҳ Эдип»ни, «Илохий комедия»ни умуман ўқимаслигимиз керак. Данте поэмасининг «Жаннат» қисмида христиан дини ақидалари баралла ифодаланган. Лекин шоир бу билан художўйликни тарғиб этган эмас, балки буни буюк покликка даъват деб тушунган. Улуғ Навоий ҳам худди ана шу мақсадда қалам суради.


Алишер Навоий ижоди — улкан бадиий хазина, маънолар қони. Бу хазина ҳар бир авлод тақдири, ҳар бир давр мазмуни билан уйғунлашиб, мангу яшайди. Ҳар бир янги китобхон уни янада чуқурроқ эгаллашга, янада тўлароқ, муфассалроқ тушуниб, кўпроқ баҳраманд бўлишга интилади. Шу тариқа у халқ юрагига сингиб бораверади. Шоирнинг умри унинг асарларининг барҳаётлигида, асарларининг барҳаётлиги эса халқ муҳаббатининг чексизлигидадир.



Т. САЪДУЛЛАЕВ. НАВОИЙ ВА БЕҲЗОД.



Т. САЪДУЛЛАЕВ. ФАРҲОД ВА ШИРИН.



Т Ў Ғ О Н

Қисса

САРАТОН. Ҳаво олов пуркайди. Ям-яшил боғларга бурканган азим Тошкент гўё ҳансираб нафас олмоқда. Термометр роса қирқни кўрсатиб турар, на истироҳат боғлари, на хиёбонлар, на машҳур ҳовузли фонтанлару лиммо-лим ариқлар жонга ора кира слар эди.

Комил гоҳо бир лаҳза иссиқни унутиб, йўлида тўхтаб қолар, эсига яна ўша тўғон тушар эди. Кейинги пайтларда шу тўғон унга бир дақиқа ҳам тинчлик бермай қўйди. «Тўғон», дея пичирлайди-ю, бошига гўё ўтли найза санчилгандек бўлиб, яна йўлга тушади. Бир пиёлагина чой бўлсами ҳозир... Чой қайда! «Анҳор»га ҳам, «Зангори гумбазлар»га ҳам бориш бейфойда — мижозларга тўлиб кетган.

Комил катта майдондаги фавворалар тизмасининг худди рўпарасидан чиқди. Улкан камон шаклида шитоб билан отилаётган кумуш тўлқинлар ақлли шоширарди. «Сув девори»дан ғир-ғир шабада эсади, саратон офтобидан жон сақлайдиганларга бундан ортиқ мукофот керак эмас. Рангдор кошин ётқизилган сарҳовуз бўйидаги майдончаларда, қизил гранит тўшалган йўлчаларда йўловчилар ҳордиқ чиқариб юришибди. Улар орасида олис-яқиндан келган меҳмонлар, чет эллик сайёҳлар ҳам кўзга чалинади.

Ҳовузда сув сачратиб чўмилаётган болакайларга ҳаваси келиб, Комил ҳам бир четга ўтирди. Сигарета тутатди. Ёнгинасида икки аёл бидирлаб гаплашар, уларнинг бўғриқиб кетган юзлари, офтобда куйган биллақларига қараганда совуқ юртлардан келганликлари сезилиб турар эди. Аёллар зиллол сувга боқиб, шавқдан бош чайқаб қўйишади.

Тўсатдан Комилнинг қулоқлари чиппа битди. Ҳалиги аёлларнинг қувноқ овозлари ҳам аллақайга ғойиб бўлди. Азоб билан ўтган кечаги туни кўз олдига келди. Тонг отгунча мижжа қоқмаса-я! Кўзи илинди дегунча аллақандай кўрқинчли тушдан чўчиб уйғонади. Юк тўла қора вагонларга ўхшаган ўн тўрт километрик тўғон қуюндек учиб қайта карьерларга афдарилаётгандай бўлади. Комил эса шиддат билан думалаб келаётган кўчкидан кутулишнинг иложини тополмай, зимзиё чуқурликда қарахт бўлиб туради. Қулоғига тошларнинг гулдураши, шағал уюмларининг даҳшатли шовқини эшитилади. Комил жиққа терга ботиб, сесканганча уйғониб кетарди.

Шуларни ўйлаб у бир чўчиб тушди ва шошиб ўрнидан турди. Уни кузатаётган аёллар ажабланишар, лекин бу Комилнинг парвойига ҳам келмас эди.

Трест бошлиғи Даврон Қобилов ҳозиргина селектор орқали кенгаш ўтказиб, кабинетига ёлғиз қолган эди. Тошкентнинг кўркам кўчаларидан бирига очилган катта-катта икки деразага кучли «Боку» кондиционерлари ўрнатилган, хонада салқин ҳаво кезади. Қобилов ўттиз беш ёшларга борган новча, чайир йигит. Сал ку-

мушланган сочлари, йирик ва ҳаммиша ҳсрғин кўзлари юзига мулоимлик бағишлар, бу осудалик феъл-атвориға ҳам кўчгандек эди.

Столида ер қазиш ва қурилишга оид бошқа асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи «Дюипак» деган швед фирмасининг техник-информация журнали ётибди. Қобилов тупроқ ортувчи машиналар ҳақида ёзилган саҳифани очди. Зарварақдаги ўз суратига тикилди. У рангдор, қудратли машиналар ёнида, «Дюипак» фирмаси экспертлари даврасида турар, сурат тагида шундай ёзув бор эди: «Бундан икки ой муқаддам «Дюипак» фирмаси ўз машиналарини Ўзбекистонда намойиш этди. Унга «Строймеханизация» трестининг қурилиш майдонлари бўшатиб берилган эди. Уша трест бошлиғи жаноб Даврон Қобилов — бугун фирмамиз меҳмони. У ўзини қизиқтирувчи машиналарни харид қилиш устида музокаралар олиб бормоқда. Маълумки, бу машиналарнинг энергияси улардаги тебраниш кучига мутаносиб равишда ошиб боради. Фирма яратган машиналарнинг унумдорлиги одатдагиларга нисбатан ўн баравар ортиқдир». Мақола давомида «Қобилов скрепери» деб ном олган янги со-

вет машиналари, уларнинг афзалликлари ҳақида фикр юритилар, швед фирмаси илгари скреперларга унчалик аҳамият бермай хато қилгани айтилиб, келажакда ана шу рус машиналарини сотиб олиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида гап борар эди.

«Машиналари яхши. Улар бизга жуда зарур, жуда ҳам зарур», деди ичида Қобилов ва журнални нарироққа суриб қўйди. У ҳозир Швеция сафарини эсламасликка ҳаракат қиларди.

Даврон Қобилов ўрнидан туриб, дераза томон борди. Унг тарафдаги деворда Ўзбекистоннинг улкан харитаси осиглиқ эди. Қобилов унга тикилди. Республикада у бошчилик қилаётган трестга қарашли кўтарма кранлару ер қазувчи машиналар ишламайдиган қурилиш йўқ деса бўлади. Трестнинг «Ураган» деб аталган саккизта қудратли ер қазувчи машинаси бор. Бу машиналар Ўзбекистоннинг серкатнов йўлларида кеча-кундуз кўчиб юрар, диспетчер улар билан рация орқали узлуксиз алоқа боғлаб турар эди. Юзлаб тонна юк кўтарувчи баҳайбат траллерлар эса, оғир кранлар, экскаватор, бульдозер ва тракторларни дсим у областдан

бу областга ташигани ташиган. Ҳар кун ичиде беш минг механизатор трест эмблемаси қўйилган турли машина, механизмлар кабинасига ўтиради.


Қобилов илдам ўрнига қайтди. Селекторга энгашди. Диспетчер аёл дарҳол жавоб берди.

— Антонина Михайловна, илтимос, Жиззахга хабар қилсангиз. Эртага соат тўққизда планёрка ўтказаман. Ун иккида Самарқандда планёрка. Бош инженер билан бошқарма бошлиғи «Жилстрой» трестининг бошлиғини огоҳлантириб қўйишсин. Мен уни кўришим керак. Соат биргача.

— Тушунарли, Даврон Қобилович,— деди диспетчер.— Ҳар эҳти- молга қарши ўзим ҳам «Жилстрой» билан боғланаман.

Қобилов бу аёлни жуда қадрларди. Улар беш йилдан бери бирга ишлайдилар, беш йил бадалида Антонина Михайловна бирон марта ҳам бошлиғини доғда қолдирмаган. «Худди ЭХМнинг ўзи, ҳеч нарсани унутмайди!», дея Қобиловнинг ўзи ҳам унга ичида қойил қолади баъзан. «Мабодо бошқа ишга ўтсам, албатта бирга ола кетаман», деб дилига тугиб қўяди.

Расми Н. ИБРОҲИМОВ чизган



— Кейин, Антонина Михайловна,— деди Қобилов яна селекторга,— соат ўн еттида Қаршида баҳс. Ҳамма иштирок этиши шарт. Холмирзаевга айтсангиз, обкомдан иккита бронь олиб қўйсин. Шофёр топсин. Биз Раҳимжон билан Тошкентга самолётда қайтамиз. Олис йўл, Раҳимжон бир кунда Қаршига бориб келишга чидамайди.

— Эртага роса ташвиш экан сизга,— деди диспетчер.— Ҳар эҳтимомлга қарши об-ҳаво хабарини айтиб қўяй. Жиззахда қирқ даража иссиқ, Қарши билан Самарқандда— қирқ икки даража. Яхши бориб келинглари. Қобилов бошқа тугмачани босди. Шофёри Раҳимжон «Волга»дан жавоб қилди:

— Лаббай, Даврон ака!

— Раҳимжон, эртаги планлар ўзгариб қолди. Қаршига кетадиган бўлди. Уйдагиларга айтиб қўй, кечроқ қайтамиз. Паспортингни олишни унутма. Саҳарлаб олти яримда жўнаймиз. Уқдингми? Етти хуфтонгача китоб ўқима, вақтироқ ёт.

Қобиловнинг кутилмаганда янги юмушлар, режалар ўйлаб топадиган одати бор. У йўл юришни, юрганда ҳам тез юришни ёқтиради. Ана шу тезкорлиги фикрларини ҳам тезлашгандай, ойлаб, ҳафталаб ечилмай ётган муаммоларга калит топиб бергандай бўларди. Шунинг учун кўпинча эрталаб Тошкентда бўлса, тушга яқин Урганч ё Нукуста учар, тушда биронта енгил машина топиб Бухорога етиб келар, кечаси Самарқанд ё Жиззахда тунаб, унинг эртасига яна Тошкентда трест мажлисини бошқарар эди. Унинг бу тариқа бетиним чоп-чопларига унча-мунча шофёр дош беролмас, Раҳимжонгина кунт ва садоқат билан ҳалол хизмат қилиб келар эди. Неча йилдирки, Раҳимжон билан иккаласи тил топишишган. Неча марта машина бузилиб, катта йўлда қолиб кетишган. Иссиқда куйиб, совуқда дейдирашган. Бир бурда нонни бўлиб ейишган. Аслида бундай «ит ётиш, мирза туриш»га Раҳимжон ўзи рози бўлди. Акаси Фарҳод Шокиров йирик бир таксопаркда директор бўлиб ишлар, Қобилов билан қадрдон оғайни эди. Даврон Қобилов трестга бошлиқ бўлиб келган кун иккаласи район партия комитетида учрашиб қолди. Қобилов эски улфатига: «Фарҳод, менга битта яхши шофёр керак, ёрдамлашвормайсанми?», деди. Фарҳод укаси Раҳимжонни тавсия қилди. Шу-шу, Даврон Қобилов билан Раҳимжон соядек бир-бирдан ажралмай ишлашади.

Раҳимжон оилада кенжайтой. Шунинг учун акалари уни суйиб эркалар, фақат ўқишдан «бўйин товлагани»га ачинар эдилар. Раҳимжоннинг отаси ҳам, учта акаси ҳам политехника институтининг битта факультетини битиришган, улар Тошкентдаги ажабтовур идораларга раҳбарлик қилишади. Раҳимжоннинг эса машинага ишқи тушди, машина деса жонини берар, уни дипломли акаларидан кўра яхши билар эди. Учала акасида ҳам машина бор. Оқшом тушида дегунча Раҳимжон машиналардан бирортасини миниб жўнар, хоҳлаган киши билан кўнгли тусеган ерига бориб, маишатини суриб юрар эди. Бунақа сайру саёхатлар оқибатда яхшилик билан тугамаслигини Фарҳод биларди, шунинг учун ҳам «Зора жиддий ишда бир оз қуюлса», деб укасини дўсти Давронга шофёрликка тавсия қилди. Раҳимжон шўх, ўйинқароқ бўлса-да, эсли-хушли, фаросатли йигит. У Даврон Қобилов билан бирор ой ишламасданоқ қалбини севинч ва ғурур аралаш бир туйғу қамраб олди. Трестда иш кўп эди, трестнинг қўли узун, эътибори бэланд. Даврон Қобилов билан кўпчилик, ҳатто ўзидан каттароқ мартабадаги одамлар ҳам ҳисоблашар, шундай кишига шофёр, тўғриси— ёрдамчи бўлганидан Раҳимжоннинг

оғзи қулоғида эди. Бора-бора Қобилов туғишган акасидек бўлиб қолди.

Йиллар ўтган сари улар қадрдон, қимматдон бўлиб кетдилар. Бир-бирларидан севинчларини ҳам, дардларини ҳам яширмайдиган бўлдилар.

— Мана, ҳозир ҳам Даврон Қобилов шофёрига жавоб бериб юборди-да, уйига пиёда жўнади. У шаҳарнинг қоқ ўртасидан ўтиб бормоқда. Атрофга аланг-жаланг қарайди. Шаҳарни яхши билмасди, кўчаларга машина дарчасидан қараб ўрганиб қолган экан. Аслида-ку студентлик йиллари Тошкентда ўтди. Лекин энди шаҳар мутлақо ўзгариб кетган, у Тошкент билан бу Тошкент орасида осмон билан ерча фарқ бор. Бир-бирига ярашган салобатли, кўркам иморатларнинг нақши-нигори кўзни қувонтиради. Пўшти, оқ сурмаранг мәрмәр билан қопланган қасрлар, маъмурий биноларга қараб Қобиловнинг кўкси илқ бир туйғу билан чайқалди.

Тошкентни бекорга боғ шаҳар деб атамайдилар. Кенг, ям-яшил майдонлар, гулзорлар, ажиб хиёбонлар, истироҳат боғлари, азамат чинорлар соясида ял-ял товланувчи ораста уйлар— барчаси дид билан, замон ва иқлим талабларини ҳисобга олиб қурилган.

Даврон Қобилов «Ўзбекистон» меҳмонхонасига яқинлашди. Кеч кириб қолган бўлса-да, катта, саёз ҳовузда болалар чўмилар, меҳмонхонанинг ғарб қаҳвахоналарига ўхшатиб қурилган ички ҳовлисига эса одам бўйи самоварлар шаклида қайнар, кабоплазинг қўли қўлига тегмас эди. Қўраларда кўмир учқунлар, жизганак ҳиди, турли хил зирворларнинг ёқимли исидимокни қитиқлар эди. Ичкари ҳовуз ёқасидаги рангдор столларнинг ярми бўш, Қобилов уларни ёнлаб ўтиб барга кирди. Бар хизматчиси эпчиллик билан коктейль тайёрларкан, Қобилов атрофига завқланиб тикилди. «Ўзимизда ҳам Италия, Швециядаги барлардан қолишмайдиган жойлар кўп экан-у, пайқамас эканми», дея ажабланди. Янгроқ стереомагнитофон, қизил ёғочдан ишланган бир кишилик баланд, юмалоқ курсилар, «Экспресс» маркали қаҳва қайнатувчи машина, камалак рангда товланувчи биллур қадахчалар, япаски, узун, бақалоқ шишаларни тўлдирган ичимликлар... Ҳаммаёқ саришта, чиннидек тоза, тероватли, бар безаклари ҳам, асбоб-енжомлари ҳам кўнгул очиб, одамга ором ва хуш кўйфият бағишлашга мўлжалланган. Қобиловнинг руҳи кўтарилиди. У четроқдаги столга бориб ўрнашди, гириллаган эпкинда сачраётган сув тўзонларига юзини тўтиб, кулимсиради. Барда одам сийрек эди. Башанг кийинган йигитлар, қизлар очиқ айвонни тўлдирган бошладилар. Ҳеч ким ҳовлиқмас, шоммас, Қобилов бу сипо, ясанган-тусанган кишиларга қоқиб, уларнинг бир маромдаги, одатий ҳаётларини ўйлар, ўзининг тезкор, давр суронларида учиб ўтаётган серғалва, бетиним кунларига ҳайратланар эди. «Раҳимжон ҳақ шекилли,— деб ўйлади у,— августда отпускага чиқиб бир дам олиш керак».

Даврон Қобилов илгари хизмат юзасидан ўзи ўқиган институт ишларига ҳам аралашиб юрарди. Бугун шаҳар партия комитетида у билан гаплашдилар. Энди Қобилов институтдаги қўшимча мажбуриятдан озод. Эртасаёқ министрдан рухсат сўрайди, ижозат берса, дарҳол Гаг-рагами, Пицундагами... Лекин... тўғонни ўйлаб, у яна иккиланди. Йўқ, тўғонни, унга боғлиқ юмушларни бировага ташлаб кетолмайди.

Қобиловнинг трестга ишга ўтганига бир йил ҳам бўлмаган эди, ўзи ўқиган институт унга мурожаат қилиб, техника кабинетларини жиҳозлашда ёрдам беришини сўради. Унинг эса иши бошидан ошиб ётарди: янги вазифани ўзлаштириш, ишни қайта ташкил этиш, бўлимларни бошқадан

тузиб чиқиш керак. Шунга қарамасдан, ўзи илк бор дарс тинглаб, беш йил тупроғини ялаган қадрдон институтининг илтимосини ерда қолдиролмади. Шу тариқа институтда росткам кўтарма кранларга ўхшаб ҳаракат қиладиган моделлар, юк кўтариш системаларини ифодаловчи турли стендлар, кўргазма қуроллари ҳам пайдо бўлдики, буларнинг барчасини «Строймеханизация» трестининг мутахассислари ишлаб чиққан эдилар.

Шундан кейин ҳам институт трест билан хайр-хўшлашмади, «Строймеханизация»нинг қўли узун, бу ерда ноёб техника воситалари бор эди. Трестда ишлайдиган мутахассислар ҳам кучли, иқтидорли. Шунинг учун институтдагилар тез-тез «ўзларининг Қобиловлари»га мурожаат қилиб, у-бу нарса сўраб туришарди.

Уч йилдирки, студентлар трестнинг қурилиш майдонларида машғулот ўтказишади, трестдаги етакчи инженерлар студентларнинг дипломлариға раҳбарлик қилишади. Гидравлика бўйича бош механик институтга бориб гоҳи лекция ҳам ўқиб келади. Институтдаги тинмағур ташкилотчиларнинг қистови билан Қобиловнинг ўзи ҳам йилига уч-тўрт кур республикада олиб борилаётган тупроқ ишлари ҳақида маъруза қилиб беради. Оқибатда Даврон Қобилов институтдаги қабул имтиҳонларидан кейинги мандат комиссиясининг раиси бўлиб қолди. Мана, уч йилдан бери у комиссия раиси. Бир тарафи бундан ўзи ҳам мамнун, чунки институтга кираётган юзлаб йигит-қизлар орасида чинакам инженер бўладигани ҳам, қуруқ ҳавасга учган ёки тасодифан инженерликни ёқтириб қолгани ҳам бор. Ахир сир эмас, оқ халат кийганининг ҳаммаси ҳам доктор бўлавермаганидек, беш йил техникадан таҳсил кўргани билан Қарши, Жиззах каби жазирама даштларда, чанг-тўзон, қор-ёмғир, иссиқ-совуққа чидалмай жуфтакни ростлайдиганлар ҳам топилади. «Бас, синов, саралаш қаттиқ, аёвсиз бўлиши, энг бардошли, жонфидо, ўзини ҳам, ўзгани ҳам доғда қолдирмайдиган, юрагида ўти бор, билимдон ёшларни олиш керак институтга», деб ўйларди Қобилов. Унга маълум, бундай ғайратли ёшларни улкан иншоотлар муштоқ бўлиб кутмоқда. «Муштоқлик билан!», дея пичирлади Қобилов ва кўз олдига ўзи кўрган манзара келди.

Бир йили Даврон Қобиловнинг ташаббуси билан студентларни Заркентга экскурсияга олиб боришди. Бўлажак инженерларга тўғонга қай тарзда тупроқ тортишни кўрсатмоқчи бўлишди. Қобилов «Студентлар бу ғаройиб манзарани ёниб, ҳаяжон билан томоша қилишса керак», деб уларга тикилиб турди. Бирок баъзи ёшларнинг, хусусан, қизларнинг қурилишга бефарқ, ҳатто бурунларини жийриб қараётганини кўриб, ичидан зил кетди. Толиба қизлар, азамат техника қандай ишлар экан, деб қизиқиш ўрнига чанг-тўзондан юзларини беркитиб, иложи борича нари қочар, сояроқ жой ахтариб, аланг-жаланг орқага тисарилар эдилар. «Ажабол», деди Қобилов ичида. Ахир бу юмушлар... уларнинг ризиқи,— рўзи-ку! Одам деган бўлажак ҳунаридан ҳам ижирғанадими? Унақада бу касбини танлаш, беш йил овора бўлиб институтга танда қўйишнинг нима хожати бор эди?! Уларга давлатнинг минг-минглаб маблағини сарфлаб, бўйинларидан судраб ўқитиш шунчалик зарурми? Ахир, бу кўҳлик қизалоқлардан икки дунёда ҳам инженер чиқмайди-ку! Ундан кўра, улар ўзларига муносиб бирор ҳунарнинг бошини тутсалар-чи! Тинчгина оила қуриб, фарзандларини тарбиялаб, рўзгорни гуллаб-ўлатсарлар-чи! Шу йўл билан ҳам давлатга фойда келтириш мумкин-ку? Қайтага, давлатнинг қанчадан-қанча маблағи елғз совурилмайди...

Давмони бор.



М АҚСУД Шайхзоданинг бой адабий-танқидий меросида классиклар ижоди таҳлилига бағишланган мақолалар салмоқли ўрин тутди. Адиб жаҳон адабиёти классиклари асарларини ўзбек китобхонининг маънавий мулкига айлантириш учун кўп меҳнат қилди. Санъаткорнинг ўзбек адабиёти тарихи, хусусан, Алишер Навоий лирикаси, Шарқ шеърини санъатлариға доир қимматли тадқиқотлари адабиётимиз тарихини ўрганишда янги саҳифа очди.

Олим маданиятимизнинг юксак обидалари ҳақида сўзлар экан, уларнинг ўз даврида тутган ўрни, бугунги кундаги аҳамиятини марксизм-ленинизм таълимоти асосида ёритади. Навоий, Бобир, Фурқат, Муқимий ижодига бағишланган тадқиқотларида, «Мерос ва ворислар», «Тазкира-чилик тарихидан» каби мақолаларида бу хусусият айниқса равшан кўринади.

«Мерос ва ворислар» (1939) мақоласида адиб: «Ҳамма ўтмиш маданий-адабий бойликларининг қонуний меросхўри совет халқидир. Бу бирлашган коммунистик маданиятимизда ўзбек халқи ҳам ўзининг қадимги маданий мероси билан иштирок қилмоқдадир», деб ёзади. У ўзбек халқининг кўп асрли маданий ўтмишини объектив ёритишга интилади. Бу жиҳатдан мазкур мақола ҳамда «Ўзбек адабиёти тарихи программаси (лоий-ҳа)» (1940) асари ажралиб туради. Улар муштарак фазилатларга эгадир. Адиб мақолада XIV—XV асрлар ўзбек адабиёти хусусида батафсил тўхталади. Программада эса адабиётимизнинг энг қадимги даврларидан Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган барча босқичлари кенг қамраб олинган, маданий мерос муаммолариға доир муҳим фикрлар илгари сурилган. Хусусан, унда ўтмиш ёдгорликларини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш орқали «буржуа... олимларининг Шарқ халқлари тўғрисидаги тўхматига... рад жавоби бериш зарурияти» ҳақида гапирилади. Маълумки, реакция буржуа олимлари XIX асрда Шарқ халқлари маданиятини камситувчи «европоцентризм» оқими назариясини яратган эдилар. Уларнинг даъвосича, ҳақиқий маданият, фан асослари Европадагина пайдо бўлган. Осиё (Хитой, Ҳиндистон, Урта Осиё, Яқин Шарқ), Шарқий Европа (Россия ва бошқа славян мамлакатлари) халқлари мустақил маданият яратишга қобил эмас эмишлар. Миллатчилик, ирқчилик ғояларини авж олдиришга хизмат этувчи бу ҳақиқатга зид қарашлар илғор олимларнинг асарларида рад қилинди. Кейинги вақтларда Урта Осиё, Ҳиндистон, Яқин Шарқда ўтказилган археологик тадқиқотлар Шарқ халқларининг жуда юксак, бой ва қадимий маданият яратганликларини яна бир марта узил-кесил исботлади. Шу билан бирга Шайхзода программада бу масаланинг бошқа жиҳати— «Шарқ фетализми» ва «Шарқ пассивизми» тўғрисидаги афсоналарни фош қилиш зарурлигини ҳам таъкидлади. Бу сохта назарияларнинг

МЕРОС ВА ЗАМОН

М. Шайхзоданинг илмий меросига доир

моҳияти Шарқ халқларини тутқунликда, тобеликда туттишга хизмат қилар эди.

Шайхзода лойиҳада адабиёт тарихини бузиб кўрсатувчи турли сохта оқимларга мурасасиз қарши курашиш лозимлигини алоҳида уқтиради. Бу ҳол, айниқса, 40-йиллар шароитида муҳим назарий ва амалий қиммат касб этарди. Чунки маданий меросни чинакамига ўрганиш ишлари эндигина йўлга қўйила бошлаган, малакали мутахассислар кам эди. Вульгар-социологизм оқими барҳам толган бўлса-да, унинг асароти батамом йўқолмаган эди. Олим программада «бадий асарда эстетик завқ проблемаси» устида махсус тўхталади. Бу масала ҳозир ҳам катта амалий аҳамиятга молик вазифа бўлиб турибди.

Адиб адабиёт тарихини халқ тарихидаги муҳим даврлар, босқичлар ҳамда адабий-фалсафий оқимлар билан чамбарчас алоқада, яхлитликда олиб текширади. Шу жиҳатдан «Мерос ва ворислар» мақоласида илгари сурилган бир муҳим фикрга назар ташлайлик.

Маълумки, ўзбек халқи тарихда кўп истилоларни бошидан кечирди. Истилолар халқимизнинг маданияти ва тарихида ўз изини қолдирди: илм-фан, адабиёт араб ва форс тилларида ривожланди, ерлик олим ва шоирлар шароит тақозосига кўра асарларини шу тилларда ёзишга мажбур бўлдилар. Шайхзода бу мураккаб қодиса ҳақида фикр юритаркан, чуқур илмий позицияда туради. Адиб ёзади: «XVI асргача туркий деб юритилган Мовароуннаҳр ўзбеклари исломиётнинг биринчи асрларидан бошлаб жаҳон маданиятига улғун сиймолар бердилар. У замоннинг шароитига кўра илмий асарларни арабча, шеърларни эса форсча ёзган бу файласуфлар, докторлар, астрономлар, математиклар, тарихчилар, ижтимоётчилар ва шоирлар ўзбек халқининг буюк меросига хазиналар яратиб бердилар. Математикада «Логарифм» назариясини ишлаган IX аср олими Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (европалликларда Алгоритмий), IX асрнинг улкан астрономи Аҳмад ал-Фарғоний (европалликларда Алфараганс), X асрнинг буюк файласуфи, доктори ҳам ижтимоётчиси Абу Наср ал-Фаробий (европалликларда Алфоробиус), X—XI асрнинг буюк ҳаками ва зўр шоири Абу Али ибн Сино (европалликларда Авиценна), унинг замондоши, буюк энциклопедист ва тарихчи хоразмлик Абу Райҳон Беруний, XV асрнинг биринчи ярмида Самарқандда Улуғбек ва унинг атрофидаги олимлар феодализм кишанларининг ва дин қонуларининг тўсиғига қарамасдан илм ва маърифатнинг байроғини юксак кўтарган журъатли рицарлар эдилар. Бу фактлар ўзбек халқининг кўкрагини ғурур билан тўлдиради...»

Мазкур парчада диққатга сазовор бир қанча ўринлар бор. Чунонки, Мовароуннаҳрнинг қадимги аҳолиси — туркий тилда сўзлашган қавмлар масаласини олиб кўрайлик. Бу муҳим масала кейинги йилларда кўпдан-кўп баҳслар, мунозараларга сабаб бўлмоқда. Тарихий фактлар ва маълумотлар Урта Осиё тупроғида

қадим замонлардан бошлаб туркий ва эроний халқлар ёнма-ён яшаб келганидан дарак беради. Бироқ бу аён ҳақиқатни тан олиш анча қийин бўлди. Айрим олимларнинг асарларида бу масала нотўғри, бир ёқлама талқин этилди. Ҳатто машҳур олим, академик Б. Гафуровнинг асарларида ҳам бу ҳол сезилади. «Тожик халқининг тарихи» (Москва, 1949) монографиясида у туркий халқлар Урта Осиёда VI асрдан бошлаб пайдо бўлган, деб ёзган эди. Бу фикрни ўз вақтида атоқли совет тарихчиси А. Якубовский асосли танқид қилди. («Вопросы истории» журналы, 1950 йил, 7-сон). Бироқ Б. Гафуров кейинги йирик асарларидан бири — «Тожиклар» (Москва, 1972) монографиясида бу масалага яна қайтиб, ўзининг хато нуқтаи назарини ҳимоя қилади: «Тўғри, баъзи тарихчилар бу фикрни рад этишга уриндилар. Улар туркий тилда гаплашувчи қабилаларнинг кириб келиши анча олдин содир бўлган, деб таъкидлайдилар. Бироқ, автор туркий тилда гаплашувчи қабилла ва элатларнинг Урта Осиёга оммавий равишда кўплаб кириб келишини, бари бир, худди шу — VI асрдан бошланган, деб ҳисоблайди», дейди.

Бу қарашдаги принципиал хато шундан иборатки, Б. Гафуров ҳам, унинг нуқтаи назарини маъқулловчи бошқалар ҳам буржуа шарқшунослари сингари фақат халқнинг номигагина, айрим кўчманчи қабилла ва элатларнинг силжшишларигагина асосланадилар. Тўғри, Олтой заминида шаклланган, кейинчалик «турк» деб аталган қабилла ва элатлар V—VI асрларда Урта Осиёга, жумладан, Ўзбекистон территориясига кўплаб кириб келдилар. Улар томонидан қудратли Турк хоқонлиги бунёд этилди. Бу элатлар ўзбек халқи этногенезида маълум бир компонентни ташиқ қилишини тарихчи олимларимиз илмий жиҳатдан исботлаб берганлар. Улар Мовароуннаҳрнинг қадимги ўтроқ аҳолиси таркибига сингиб кетиб, унга ўз номларини бердилар. (XVI асрда Дашти Қипчоқдан келган кўчманчи ўзбек қабилалари ҳукмронлиги ва «ўзбек» номининг тарқалишини эсланг!) Бу факт «турк» этнонимини пайдо бўлгунча, Мовароуннаҳрда фақат эроний тилда гаплашувчи халқларгина яшган деган маънони билдирмайди.

«Турк» атамаси, қадимги турклар давлати ва туркий халқларнинг этногенези машҳур шарқшунос Л. Гумилевнинг «Қадимги турклар» (1967) китобида муфассал ёритилган. Мана, олимнинг айрим хулосалари: «Туркий тилларнинг пайдо бўлиши ва ўзини «турк», «туркют», деб атаган халқнинг келиб чиқиши — тамоман бошқа-бошқа ҳодисалардир. Ҳозир туркий деб атаётган тиллар жуда қадимги замонларда таркиб топгандир»; «1500 йил мобайнида «турк» сўзининг маъноси бир неча марта ўзгарди. V асрда князь Ашин атрофига жипслашган ўрда кишилари ва VI—VIII асрларда туркий тилда сўзлашган оз сонли халқ турклар деб аталган. Бироқ, худди шу тилда гаплашган қўшни халқлар эса турклар деб аталмаганлар».

Бу ерда икки муҳим жиҳат — «турк» атамасининг пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳамда туркий тилларнинг қадимийлиги масаласини талқин этишдаги тафовутлар тўғри кўрсатилган. Ана шу нозик фарқни кўра олмаган (ёки кўришни истамаган) олимлар эса ҳақли равишда жамоатчиликнинг эътирозига учрамоқдалар.

Хуллас, ана шу муҳим масалани Шайхзода 30-йиллардаёқ объектив ва илмий жиҳатдан тўғри ёритгани ибратлидир. Бу факт адибнинг проблемага ҳамisha марксист сифатида теран ёндашганини кўрсатади. Унинг ўзбек халқининг бой маданияти ҳақидаги мулоҳазалари ғайри илмий қарашларга қарши муносиб зарбадир.

Шайхзода «Мерос ва ворислар» мақоласининг иккинчи қисмида адабий ўтмишимиздаги «жуда кўп объектларнинг, муҳим адабий фактларнинг» адабиёт тарихи программаларидан четда қолганини танқид қилади. Саид Аҳмаднинг «Таашшукнома» асари дарсликларга киритилгани ҳолда, XIV асрнинг биринчи ярмида Олтин Урта давлати территориясида, Хоразмда яратилган «ўзбекча гўзал поэзия» намуналари, жумладан, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асари ўрганилмай қолаётгани тўғри эмаслигини уқтиради. «Таашшукнома»нинг ўзи «Муҳаббатнома» таъсирида яратилган эди. Демак, «бир тил, бир идея, бир услуб, бир вазн, бир композиция ва ҳатто бир хил таъбирга ҳам эга бўлган» «бу икки асарнинг биринчисини четга чиқариб, иккинчисини меросга киритсак, у ҳолда тарихий тараққиётдаги ҳалқалардан биттасини қўлдан кетказган бўлурмиз», деб ёзади у. Адиб Хўжандий, Сайфи Саройи, Қутбий (Қутб — О. А.) каби шоирлар ижодини ҳам чуқур ўрганиб, адабиёт тарихига киритиш зарурлигини таъкидлайди.

Мақола ёзилган даврда адабий мероси деярли ўрганилмаган Саккокиянинг саройда яшагани ва Улуғбекка бағишлаб қасидалар яратгани учун «ижодини рад этишимиз» ножоиз эканлигини, буржуа миллатчилари томонидан «Лутфийнинг тақдидчиси», «сўфи шоир» деб юритилган ҳассос лирик шоир Отойи шеърятини, ҳали очилмаган қўриқ бўлиб ётган Бобир лирикасини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш лозимлигини уқтиради.

Адабиётшунос олим мураккаб сиймо Хусайн Бойқаро (Хусайний) фаолиятини тўғри ёритиш, ҳаёти ва ижодидаги зиддиятларни холис таҳлил этиш зарурлигини таъкидлайди. Шайхзода саройда амалга оширилган барча ноҳақликларни Бойқаро шаънига тўнкашни бир ёқламалик деб ҳисоблайди. «Хукмдорларнинг ўзлари ҳам ўз ҳаракатларида ҳоким синфлар контроли ва истаклари билан боғланганликларини унутмаслик керак», дейди у. Мақола яратилган давр шароитини ҳисобга олганда, бу даъватни Шайхзоданинг катта илмий жасорати деб ҳисоблаш лозим.

Мақсуд Шайхзода ҳар бир илмий асарида адабиётимиз тарихининг

номаълум саҳифаларини ёритишга интилади. Масалан, 1940 йили Заҳириддин Бобир ҳақида бир неча мақола эълон қилади. Бу йилларда Бобир ижоди, айниқса, шеърӣ мероси ҳали кенг ўрганилмаган эди. Шу сабабли адиб «Заҳириддин Бобир» мақоласида шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий меросига батафсил тўхталади. У XV асрнинг иккинчи ярми — XVI аср бошларидаги тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданият ҳақида сўз юритади, темурийлар салтанатининг инқирози сабаблари ва Бобир Ҳиндистонда барпо этган давлатнинг ўзига хос илгор томонларини холис кўрсатади. Олим Бобирнинг Шайбонийхон қўшинларидан англиши хусусида тўхталар экан, бунинг бир қанча сабабларини теран очиб беради. Адиб икки ҳукмдор ўртасидаги кураш икки халқ орасидаги душманлик, зиддиятлар натижаси эмас, аксинча, ҳукмронлик, тож-тахт таллашиш низоларидан иборат эканини, бутун оғирлик эса ўзбек халқининг, оддий фуқаро — раиятнинг гарданига тушганини ҳаққоний изоҳлайди.

Санъаткор Бобирнинг Ҳиндистондаги салтанати ҳақида фикр юритаркан, буржуа тарихчилари орасида тарқалган бир нотўғри қарашни танқид қилади: «Бобирнинг Ҳиндистонда қурган империясини европалликлар хато ўлароқ, Буюк мўғуллар империяси деганлар. Чунки улар темурийларни ҳам чингиззода деб ўйлар эдилар. Буни туркий-темурийлар сулоласи деса тўғрироқ бўлар эди». (Шайхзода шу мақоланинг ўзида «бобирийлар» деган атамани ҳам ишлатади. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги ва тарих фанида «бобирийлар» кенг истеъмолдаги терминга айланиб кетган.) Бу нотўғри қарашни биринчи марта академик В. Бартольд кўрсатган эди. Унинг асарларида «бобирийлар», «Ҳиндистондаги темурийлар тарихи» каби атамаларга ҳам дуч келамиз. Шубҳасиз, Шайхзода машҳур олим тадқиқотларига суянган. Шунга қарамай, юқоридаги фикрни ўзбек адабиётшунослари (ҳатто тарихчилари) ичида биринчи бўлиб Шайхзода илгари сурганлиги диққатга сазовордир. Афсуски, ана шу сохта қараш илм ва адабиёт аҳли орасида ҳалигача учраб туради. Масалан, қозоқ ёзувчиси А. Олимжонов «Ёнар найза» китобидаги «Иқболнинг жамшид жоми» деган мақоласида шундай деб ёзади: «Буюк мўғуллар империяси маданиятининг асосчиси шавкатли Бобир Ҳинд водийсига ўша даврларда қипчоқлар деб аталган қозоқларнинг қўлларидан борган эди. Бобир саройига, ўз юртоқи хузурига дўғлат уруғидан чиққан, менинг қабилдошларимнинггина эмас, балки Буюк мўғуллар тарихининг бошланиши ҳам баён этилган жаҳонга машҳур «Тарихи Рашидий» асарининг автори Муҳаммад Ҳайдар... кўп марталаб бориб турар эди».

Бу ерда фактлар бутунлай нотўғри изоҳланган. Ҳатто Андижонда туғилиб, Фарғона вилоятида вояга етган Бобир Мирзо «қозоқ қўллари»нинг фарзанди сифатида таништирилган. Ана шу каби асарлар мав-

жуд бўлган бир шароитда Шайхзоданинг олим сифатида ҳақиқатни ёқлаши, объективлик ва илмий ҳалоллик принципида мустаҳкам туриши ибратли ҳодисадир. Бу — адибнинг илмий-танқидий мақолаларининг замонавийлиги ва амалий қиммати янада оширади.

Шайхзода «Навоий ва Бобир» мақоласида эса бу икки даҳо шоир ижодини новаторлик ва аънавийлик асосида қиёсий таҳлил қилади. У Бобир лирикасида Навоий шеърятининг халқпарварлик руҳи, гуманистик аъаналари катта маҳорат билан давом эттирилганини ёрқин мисоллар келтириб исботлайди.

Олим Бобирнинг поэтик маҳорати ҳақида гапирганда, «ғазал, рубоий, фардларида классик поэзиянинг энг яхши традицияларини» ривожлантирганини, айна замонда, бу аъаналар қобиғида қолиб кетмаганини алоҳида таъкидлайди. «Маълум образларга эга бўлган мундарижани Бобир традицион равишда давом эттиради, лекин бу традиционлик — тайёр, босма қолип бадий тушунчаларни механик равишда қайтариб туриш эмас. Ҳамма бадий воситалар Бобирнинг қўлида ҳаётӣ кайфиятларни чинакам ҳаққоният билан беришга қаратилган».

Ўруниб турибдики, Шайхзода аънавийлик тушунчасига кенг миқёсда ёндашади ва уни поэтик мазмунга чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин этади. Шундан келиб чиқиб, ҳақиқий новаторлик янги мазмунни ўзига хос поэтик оҳанглار, ўзига хос бадий воситалар асосида ифодалашда, дав билади.

Аънавий образлари янгича жаранглата олган Бобир асарлари зўр ҳаққоният билан суғорилган. Шайхзода бу ҳақда тўхталаркан, Бобир шеърятининг самимиетининг кучлилигига алоҳида ургу беради. Адиб ана шу ноёб фазилатни шоир шахсиятига боғлиқ ҳодиса деб изоҳлайди. Бу эса санъаткорнинг ижод психологиясини нозик идрок этганини кўрсатади. Дарҳақиқат, Бобирнинг шахсий ҳаётидаги барча драмалар, зиддиятлар, қарама-қаршиликларга тўла ҳодисалар лирик шеърларида нафис ифодаланган. У беомон курашларда қўлга киритилган ғалаба қувончларини, мағлубият аламларини рўй-рост акс эттиради. Бундай шеърларни Бобир таржимаи ҳолидан ажратиб таҳлил қилиб бўлмайди. Буни Шайхзода ҳам шоир, ҳам олим сифатида теран, нозик идрок этади: «У турмушдаги ютуқларини катта севиниш билан кўйлагани ҳолда, мағлубият ва хатоларни ҳам уялмасдан икрор қилади ва буларни юмшоқ аламлар билан мунглайди. Унда пессимизм билан оптимизм кўп вақт ёнма-ён келади. Бу қонуният Бобир ҳаётида ғалаба ва мағлубиятнинг, шодлик ва ғамгинликнинг ёнма-ён келишидан туғилар эди». Ана шундай таҳлил китобхонга Бобирнинг ўзига хос нодир поэтик олами ва мураккаб инсоний қиёфаси ҳақида мукамал тасаввур беради. Зотан, олимнинг классик адабиётга бағишланган мақолаларидан кўзда тутилган мақсади ҳам шеърхоннинг эстетик дидини тарбиялаш, маданий савиясини юксалтириш эди. Шу нуқтада мерос билан замонамизни боғлаб турадиган нозик ҳалқалар кўзга яққол ташланади.

Мақсуд Шайхзоданинг 1958 йили ёзилган «Фурқат ҳақида қайдлар» тадқиқотида чуқур илмий-назарий таҳлил етакчилиги қилади. Фурқат ҳаёти ва адабий мероси тадқиқиғ бағишланган асарлар ўзбек адабиётшунослигида анчагина. Булар орасида Шайхзоданинг тадқиқоти мушоҳадаларининг кучли ва оригиналлиги, масалаларнинг дадил қўйилиши, мулоҳазаларнинг эҳтирос билан баён этилиши, жозибали шоирона тили билан ажралиб туради. Унда эстетик таҳлил етакчи пафос даражасига

кўтарилади, асарнинг асосий руҳи, мазмунини ташкил этади.

Тадқиқотчи Фурқат шеърятни замирига теран назар солади. У моҳият эътибори билан маърифатпарварлик ғояларини улуғлашдан иборат бу поэзиянинг мавзулар доираси кенг ва ранг-баранг эканлигини, бадий жиҳатдан юксаклигини кўрсатишга катта эътибор беради. Шоир шеърятининг марказида бош қаҳрамон сифатида инсон образи туради. Мақолада ана шу инсоннинг конкрет қиёфаси, орзу-ўйлари, қувонч-ташвишлари, бахти ва ғам-андуҳли қиёфасини очишдаги санъаткор маҳорати кенг тадқиқ этилган. Шайхзода Фурқат ижодини, хусусан, лирикасини классик адабиётимиз аъаналарига боғлиқ ҳолда текшириш асосида Фурқатнинг бадий оламини, оригиналлигини китобхон кўз ўнгига турфа бўёқларда жонлантиради. «Фурқатнинг лирик асарларидаги маҳоратига келганимизда бу соҳада ҳам унинг буюк санъаткор, оригинал бир сураткаш бўлганини қайд қилмоқ лозим», деб ёзади олим ва бу фикрнинг исботи тарзида шоирнинг ўзбек лирикасидаги мавжуд аъаналарни қандай ривожлантирганига батафсил тўхталади. Фурқатнинг нафис шеърлари тор назирагўйлик, тақлидчилик гирдобиде ўралашиб қолмаган эди. Ҳатто у ўзидан илгари ўтган шоирлар қўллаган вазнлардан айнан фойдаланганда ҳам оригиналликка интилиб, ўз мустақил эстетик идеалларини илгари суради. «Фурқат энг интим мавзуларда ёзган ғазалларида ҳам муҳим ижтимоий, фалсафий ёки маърифатпарварона фикр баён этади», деб ёзади Шайхзода. Шоирнинг жуда кўп шеърлари ҳамда байтларини пухта ўрганиш, улардаги пинҳон нуқталарнинг мағзини қақши натижасида айтилган бу хулосада Фурқатнинг санъаткор сифатида барқарор позицияда тургани, янги типдаги шеърят учун тинимсиз курашгани ва ҳамisha шеърга катта талаблар билан ёндашгани теран очиб берилган.

Шайхзода Фурқат лирикасидаги яна бир фазилат — мусиқийлик ҳақида кенг тўхталади. Бу ўринда ҳам адибнинг синчков нигоҳи, изланувчан тафаккури ёрқин намоеён бўлади. У шоирни «ўзбек шеърида арузнинг жаранглашини музикавий етуқликка кўтара олган буюк санъаткор» сифатида таърифлайди ва ғазалларида кучли мусиқий руҳ, «ажиб бир оҳанг, хушнаволик» мавжудлигини конкрет мисолларда кўрсатади. «Фурқатнинг қалами остида сўз — ўрмон аро жарангловчи кичик шалолани эслатади», дейди адиб. Шоирнинг маҳоратини, сўз сеҳргари эканини бундан ортиқ яна қандай оригинал ифодалаш мумкин? Ана шу ажойиб ўхшатиш Фурқат лирикасидаги гўзалликни, туйғулар, оҳанг ва ранглар нафислигини тўла жонлантириб бермайдими? Ҳўш, бу ҳаққоний фикрни исботлайдиган далил қани? Буни Шайхзода «Нағма ва нағмагар ва анинг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида» шеърдаги жозибадор мисраларни келтириш билан исботлайди.

Мақоланинг бошидан охиригача давом этган бундай ажойиб ҳиссий-эстетик таҳлил Фурқатнинг жонли сиймосини ҳам, ижтимоий-сиёсий хизматларини ҳам, бадий маҳоратини ҳам — барча-барчасини мукамал кўришимиз, чуқур ҳис қилишимиз ва англаб етишимизга катта кўмак беради.

Шайхзоданинг чуқур илмий мушоҳада, нафис эстетик таҳлил, эҳтиросли фикр уйғунлашиб кетган адабий-танқидий асарлари адабиётшунос олимлар, айниқса, ёшлар учун маҳорат мактаби бўлиб қолди. Улар илмий таҳлилни эҳтирос ва холислик билан қўшиб олиб бориш маҳоратини эгаллашда ҳам катта сабоқдир.

мақриз

МАНГУ КУЙ ИЗИДАН

Ўзбек совет илмий-фантастик адабиёти ҳали жуда ёш бўлишига қарамайдан, қисқа муддат ичида бирмунча ютуқларни қўлга киритди. Жаҳон илмий-фантастик адабиётининг энг яхши аъаналарини ўзлаштиришга ҳаракат қилиб, жанрнинг янги шакли ва имкониятларини очиш йўлида тинмай изланаётган Абдор Қосимов, Тоҳир Малик, Ҳожиақбар Шайхов сингари умидли ёшлар адабиётимизга кириб келдилар. Булар орасида Маҳкам Маҳмудов ҳам муносиб ўрин тутди. Унинг «Мангу куй излаб...» китоби фикримизнинг далилидир.

Маҳкам Маҳмудов ҳикояларида коинотдаги ва океан остидаги ҳаёт, ўтмиш авлодлар руҳини тирилтирувчи ЭОТ-2501 аппарати, яхши ва ёмонни ажратадиган дилбин, киши ҳаёлини моддийлаштирувчи телевизия голограф, космобус каби фан-техника келажаги билан боғлиқ мураккаб аппаратлар, робот ва электрон қурималар ҳақида гапирди, антикализ йўли билан меъморлик обидаларини асли ҳолига келтириш мумкинлиги ҳақидаги дадил гипотезани сўла суради, ғайри табиий мавжудотлар образларини яратади.

Автор ҳикояларида тасвирлаган воқеалар XIV асрдан XXX асргача бўлган давр фониде кечади. Ёзувчи фантазияси кенг миқёсдаги воқеаларни қамраб олади. Воқеа ва ҳодисалар гоҳ ўтмишга, гоҳ олис келажакка, ёхуд замин қаъри ёки бошқа сайёраларга кўчиб туради. Энг муҳими, М. Маҳмудов ҳикояларида ғайри табиий, фантастик образ, восита, мотивлар қанчалик ишонарли бўлмасин, улар асосий мақсадга айланмайди. Ёзувчи ўзи яратган ғаройиб вазиятлар, техника мўъжизаларига маҳлиё бўлмайди. Унинг диққат марказида ҳамisha инсон, инсон-

нинг тақдири, келажаги туради. Ғайри табиий фантастик ҳолатлар ва мотивлар ёзувчи учун муҳим ҳаётӣ муаммоларни ифодалашда бир восита, холос. Зотан, илмий фантастиканинг қиммати ҳам шундадир. Бу эса М. Маҳмудов илмий-фантастик ҳикояларига ҳаётӣлик ва теранлик бахш этади.

Тўпламдаги илмий-фантастик ҳикояларнинг барчасини бирлаштириб турувчи асосий хусусият замонавийликдир. Ёзувчи ўтмиш ҳақида гапирганида унга замонамиз кўзи билан қарайди, ҳозирнинг моҳиятини келажак тасвири орқали очади, келажак тақдирини ҳам бугунги куннинг айрим фазилат ва қусурлари билан боғлай олади. Қисқаси, ёзувчининг диққат марказида доимо бугунги ҳаётимизнинг муҳим муаммолари туради. Шу сабабли ҳикоялардаги ғайри табиий фантастик образларда замондошларимизни таниб олиш қийин эмас.

«Мушкул муаммо», «Мен — мен эмасман», «Райҳондаги зарпечак», «Асрлар девори», «Сирли қаср», «Тескари кўзлар сайёраси» ҳикояларида автор лоқайдлик, тошбағирлик, мурасозлик, эътиқодсизлик каби иллатларга қарши исён кўтаради. Жумладан, «Мушкул муаммо» ҳикоясидаги воқеа 2501 йилда бўлиб ўтади. Унда мунофиқлик ҳақида гап боради. Бутун коинот олимлари, узоқ ўтмиш алломаларининг руҳлари йиғилишиб, инсониятни қийнаган бу иллат устида бosh қотирадилар. Ота-боболарнинг ҳскини топтаб, уларнинг васиятларини оёқ ости қилаётган авлодларнинг садоқатсизлиги, тутуриқсизлиги, фйаласуфларнинг яхшини ёмон, ёмонни яхши деб, воқеаларни бузиб кўрсатишлари алломаларни ташвишга солади. Алломалар эртадан бошлаб «оқни оқ, қорани қора» дейишга қарор қилдилар. Асар қаҳрамонлари самимиет, ростгўйлик, илм-фанда ҳалсллик фидойилари сифатида намоеён бўладилар. Бу тариха эзгуликка садоқат ҳозир ҳам башариятнинг ёрқин идеалларидандир.

Маҳкам Маҳмудов. Мангу куй излаб... Фантастик ва тарихий ҳикоялар. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979.

Китоблар оламида

УМИД



Муаммоларининг муҳимлиги жиҳатидан «Райҳондаги зарпечак» шу ҳикояга яқин туради. Баъзиларга хос иродасизлик, лоқайдлик, жонининг ҳузурини кўзлаб, беташвиш яшашга мейиллик ҳикоя қаҳрамони, истеъдодли ёш олим Мурод Тоҳировнинг ҳам виждонини ўтмаслаштириб қўйишига оз қолади. У эринчоқлиги туфайли райҳонни чирмаб олган зарпечакни юлиб ташлашга ҳафсала қилмайди. Фақат у дунёдан, устозидан келган телеграммага уни ҳушёр тортиради. Муроднинг виждони уйғонади. Кларнинг висоли олдида бир мuddат ожиз қолган, муросасозлик йўлига ўтиб, идеалларидан воз кечай деган Мурод зарпечакни юлишга тушади. Клара образида қалбсиз, шуҳратпараст шахсни кўрамиз. Марсдан келган бу хонимга ердаги обидаларнинг заррача қиммати йўқ. Шу сабабдан Ерга ўзининг ақл кучини беришни хоҳламайди. Лекин айти пайта Ергада обрў-этиборидан ажралиб қолишни ҳам истамайди. Кўнглида дунёда ягона лабораторияга бошлиқ бўлиш орзусини тугиб юради, бутун коинотда шуҳрат таратишни ўйлайди. Клара ҳақиқий райҳонга тушган зарпечак эди. Райҳонга зарар етказмай, зарпечакни қуритадиган дори топиш — ёзувчини қийнаган муаммо шу!

«Мен — мен эмасман», «Сирли қаср», «Тескари кўзлар сайёраси» ҳикояларида фан-техника тараққиёти, урбанизация билан боғлиқ муаммолар кўтарилган. Ёзувчини ақли роботлар яратиб қўйиб, ўзи роботга айланиб қолган одамлар масаласи ташвишга солади. «Мен — мен эмасман» ҳикояси персонажи расм муаллими Хом санъат асарларини фойдалилик нуқтаи назаридан баҳолайди. Уни табиатда рангларнинг кўпчилиги ранжитади. Шу сабабли Хом фақат бир хил рангнинг кўра оладиган кўз ихтиро қилади. Унинг тарбияси истеъдодли ёш расм Бехзодни фожияли иккиланишларга олиб келади. Оқибатда бир-бирини инкор этувчи икки Бехзод пайдо бўлади: улларнинг бирида қалб йўқ, иккинчиси нозик таъб; унис ақл-идрок билан иш кўрса, буниси муҳаббат ва гўзаллик билан тирик; бири бошлиқнинг айтганини кўр-кўрона адо этса, иккинчиси қалб амрига кўра яшайди; унис буй ва мартабали бўлиб кетса, буниси ишқ дардида оч ва юпун.. Пировардида биринчисининг рассомлик истеъдоди барбод бўлади, иккинчиси муҳаббат ва гўзаллиқни буюқларда қўшиқ қилиб кўйлайди. Инсондаги бу каби фожияли ички ихтилофни кўрсатиш орқали ёзувчи қалбсиз, ҳиссиётсиз одамлар устидан ҳукм чиқаради. «Сирли қаср» ҳикоясида эса ўз вазифасини бажаришдан бошқа нарса билмайдиган, беоморларнинг аҳоли билан иши йўқ робот-табиблар, фақат ижобий фактларининг ёзишга мослаштирилган робот-журналистлар образларини кўрамиз.

Илк тақриз ва мақолалари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинган умидли ёш танқидчи Урол Ўтаевнинг «Танқид ва услуб»¹ китоби, аввало, мавзу ва муаммоларининг актуаллиги билан диққатни тортади.

Автор танқидчилигимизни муҳим проблема — адабиётшунослигимизда ғоят кам ўрганилган услуб муаммоси билан боғлиқ ҳолда текширишга журъат этади.

«Бадий асар баҳонасида...» мақоласида кейинги йилларда танқидчиларимиз фаолиятида ўзига хос усул, яъни бирор ёзувчи ижодини баҳолашда конкрет асарга даврнинг муҳим, актуал масалалари нуқтаи

¹ Урол Ўтаев. Танқид ва услуб. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979.

«Мангу куй излаб...» ҳикоясининг қаҳрамонларидан бири Зоҳид олами сув босса тўпигга чиқмайдиган обиватель. У ўз ҳаловатидан бошқа нарса ҳақида ўйламайди. «Эртага ҳаммаёқ куйиб кул бўлса ҳам, биз Раъно билан бу жойдан узоқда бўламиз», дейди Зоҳид. Бу образ Г. Уэллс қаҳрамони — лоқайдлиги билан фашизмга йўл очиб берган крокет ўйинчисини эслатади. Ҳикояда қил профессор Озодгина эзгуликка садоқати, одамийлиги билан китобхон муҳаббатини қозонади. Ҳар қандай шароитда ҳам Озод ўзлугидан воз кечмайди, дардсиз яшашни истамайди. Унинг қалбида эзгулик, инсоний муҳаббат, гўзалликка интилиш мангу куй бўлиб қолади. Ёзувчи ҳикояларининг барчасида инсон қалбига оташ бағишлаган ана шундай мангу куйнинг ошиғи сифатида кўринади. «Қалбида куйи бор одамлар қайси замонда яшаса ҳам бир-бирларини яхши тушунадилар, қалби гўзалларни ана шу мангу куйдан таниб, севиб ардоқлайдилар» деган фикрга келади Озод. Ана шу сўзлар китобдаги барча ҳикояларнинг лейтмотиви ҳамдир.

М. Маҳмудов мураккаб инсоний ҳиссиётларни таҳлил этар экан, жамият тақдири, келажаги учун дард чекади. «Мангу куй излаб...» ҳикоясида табиат ва инсон муаммоси ҳам қўйилган. Ёзувчининг фикрича, она замин, табиат гўзалликларини менсимаслик инсон ҳаётини маъносиз қилиб қўяди. «Биз билмаган дунё...» ҳикоясида ҳам табиат муаммоси, унинг бойликларидан яхши ниятларда оқилона фойдаланиш масаласи кўтарилади. Асардаги ўз ҳаётини ҳавф остига қўйиб, океан қаъри сирларини очган фидойи ҳинд йигити китобхонда муҳаббат уйғотади. Ёзувчи қаҳрамондаги шижоат ва фидойилигининг кўрсатиб қолмасдан, ундаги инсонга хос ожизликларни ҳам очади. Бу — образни мавҳумликдан, схематизмдан қўтаради.

Китобга икки тарихий ҳикоя киритилган. Улар ўзаро ва ўзидан олдинги ҳикоялар билан ғоявий жиҳатдан узвий боғланганлиги туфайли тўпламининг умумий композицион яхлитлигига путур етмаган. Бундан кўп асрлар бурунги ҳаёт ҳақидаги «Шаклар маликаси» ва «Ҳиёнат» асарларини ўқир эканмиз, ёзувчининг инсонлар ўртасидаги маънавий вориликка ишора қилаётганини сезмай қолмаймиз. Инсонлараро мардлик, садоқат, севи, фидойилик узоқ ўтмишда ҳам ардоқланган, улар келажакда ҳам ардоқланади; хиёнат, зулм, сотқинлик, разиллик ҳамиса инсонда нафрат уйғотган ва келажакда ҳам худди шундай бўлади. Ўтмишга бағишланган ҳикоялардаги ана шу ғоя уларни кўринмас иплар орқали фантастик ҳикоялар билан улайди.

Бу икки тарихий ҳикоя мавзу, ғоя, маънавий идеал жиҳатидан ўзаро яқин ва бир-бирини тўлдирди. Шак-

назаридан ёндашиб, шу проблема-ларга бадий асардан жавоб қидириш тенденцияси яққол сезилаётгани ва кўпгина танқидчиларнинг асарлари бу жиҳатдан диққатга молик эканлиги мисоллар билан исботланган. Масалан, Озод Шарафиддинов «Ижоднинг катта йўлида» портретига ёзувчи Асқад Мухторнинг ижодий йўли, характер яратиш маҳорати, поэтик санъатини ихчам, лекин теран таҳлил этгани, айти пайта адиб ижоди, эстетик принциплари танқидчига замонавийликнинг моҳияти, уни қандай тушуниш мақбуллиги хусусида оригинал фикрлар билдиришга асос берганлиги таъкидланади. Бадий асар баҳонасида адабиёт ва ҳаётнинг муҳим муаммоларини кўтариш, уларни узвий алоқадорликда ўрганиш етуқлик нишонаси, маҳорат самараси,

лар маликаси гўзал Исфара ҳам профессор Озод орзу қилган «қалбида мангу куйи» бор инсонлардан. Гарчи у жуда қадим замонда яшаб ўтган бўлса-да, гарчи биз бу гўзал аёлни қувноқ базмларда эмас, балки қўлида кескир қилич билан жангу жадалларда кўрсак-да, «қалбидаги куй» воситасида дарров таниб оламиз.

Малик эри Омирни дилдан севади, уни ҳаммадан ботир деб билади, энг бахтиёр дамларини севилисининг номи билан боғлайди. Шу сабабли шоҳ Омир Куруш қўлига асир тушганини эшитиб, минглаб ватандошларини бу шармандалиқдан қутулиш учун жангга бошлаб боради. У юртининг мустақиллиги, севилисининг озодлиги йўлида мардонавор жанг қилади, душмани енгади. Лекин эри Омирни душман билан ҳамкорликда қўриб, ларзага тушади. Малика эрининг бу хатти-ҳаракатларини баҳолашда сира иккиланмайди: «У шаклар душманининг дўсти, демэк, шакларнинг ҳам душмани», деган қатъий хулосага келади. Шоҳ Омир Исфара учун нақадар ардоқли бўлмасин, малика хиёнатчи халқ номидан ҳукм чиқаради, «яқин дўсти, севиқли эри» бошига қилич солар экан, қўли қалтирамайди. Малика Исфара тимсолида биз гўзал ҳисларга бой, айти пайтда садоқат ва мардликни ҳар қандай бошқа ҳиссиётлардан юқори қўювчи қаҳрамон аёлни кўрамиз. Унинг хатти-ҳаракатлари китобхонни садоқатга, мардлик ва қаҳрамонликка даъват этади.

«Ҳиёнат» ҳикоясидаги Сароймулкхоним ҳам худди ана шундай мардлик, садоқат ва тўғрилик тарафдори. У дўстига хиёнат қилган эри Хусайнни жазолайди: унинг мағлубиятига сабабчи бўлади. Лекин ёзувчи малика Исфара қаҳрамонлиги билан Сароймулкхоним тадбиркорлиги ва айёрлиги ўртасида жиддий фарқ борлигига алоҳида ишора қилади. Бу ҳикояларнинг кетма-кет берилиши ва иккаласида ҳам аёл садоқати ҳақида гап юритилиши бежиз эмас. Сароймулкхоним халқ, ватан манфаатларидан кўра кўпроқ ўз манфати — Темурбекка мойиллиги туфайли дўстини айёрлик билан мағлуб этмоқчи бўлган эрига нисбатан ўзи ҳам «хиёнат» қилади. Бизнингча, асар сарлавҳаси ана шу иккала хиёнатга бирдай ишоради. Асосийи шуки, XIV аср ҳаётига хос кичик лавҳада биз феодал тузумининг иллатларини: тахт учун курашда энг қабиҳ усуллардан ҳам жирканмаслик, сарой можаролари, тахтпарастларнинг маънавий қашшоқлиги, мунофиқлигини очик кўрамиз.

Маълумки, ёзувчи мурожаат этган давр анчагина мураккаб эди. Бир кичик ҳикояда давр зиддиятларининг муҳим белгиларини кўрсатиш, қолаверса, давр колоритини бериш анча мушкул вазифа. Конкрет тарихий фактларга таяниб ёзилган бу ҳикояларда ёзувчи ана шу қийин вазифа-

албатта. Айти пайта, қамровни тор олиб, адабий асарнинг ўзидан нари чиқолмайдиган, уни давр муаммолари билан узвий алоқадорликда таҳлил этолмайдиган, баландарвоз, ялтироқ «танқидий» мақолалар ҳам тез-тез учраб туради. Мақоланинг бир жойида автор: «Айрим рисола ва мақолаларда бошқа бир нуқсонга дуч келамиз. Улар ёзаётган мақола-сининг ўқишли, табиий бўлишига интилиб, отпускани қаерда ўтказгани, командировкада кимларни учратгани, хуллас, кўрган-кечирганларини батафсил ёзишга ҳаракат» қиладилар, дея шахсий кузатишни баён этадики, авторнинг бу фикрига қўшилиш керак. Бироқ, назаримизда, мақола (шунингдек, «Танқидчи — ижодкор» мақоласи ҳам) тугалланмагандек таассурот қолдиради.

ни ууддалаган дейиш мумкин. Ҳикояларда, айтиқса, «Шаклар маликаси» да давр колорити ишонарли чизилган. Биз узоқ аждодларимизнинг яшаш тарзи, орзу-умидлари, маънавий дунёси ҳақида муҳим маълумотлар оламиз. Иккала ҳикояда ҳам тарихий колорит, ҳар бир тарихий деталь маълум ғоявий юк ташишга бўйсундирилган.

Маҳкам Маҳмудов ҳикояларининг тили ҳақида тўхтаб ўтиш ўринлидир. Хоҳ фантастик асарларда, хоҳ тарихий ҳикояларда бўлсин, ёзувчи тасвирда аниқлик ва ихчамликка интилади. Фантастик асарлар учун хос қатор терминлар, исмлар автор томонидан тўқилган бўлишига қарамай, улар мўъжизавий колоритга жуда мос тушади. Адиб ҳикояларнинг фантастик материалдан келиб чиқиб, ажойиб сўз ўйинлари яратади. «Ҳал қилинмаган масалалар шунақа кўпайиб кетдики, битта бошимиз камлик қиялпти», дейди академик Мўминов икки бошли донишмандга қараб. «Ерликларнинг ҳам бир нечтадан боши бор, аммо ўзлари билишмайди. Нега бўлмаса, бир одам ўз-ўзига зид иш қилади? Баъзилар бўлса бошини ишлатмай, бировларнинг бошини кўтариб юришади», дейди унга жавобан икки бошли донишманд. Булар аския пайровли, топиб айтилган латиф иборалар бўлмасдан, асарнинг ғоявий мазмунини очиб берадиган чуқур мушоҳада ҳамдир. Тарихий ҳикоялар тили анча жонли. Ёзувчи архаик сўзларни қалаштириб ташламайди, айрим характерли иборалар, бирикмалар орқали даврнинг тил колоритини ярата олади. Тўғри, баъзан ҳикояга «шаҳмат», «зал» каби XIV аср тилида учраши мумкин бўлмаган сўзларнинг ҳам кириб қолганлиги ачинарли, албатта.

Адабиётимизда фантастика ҳали анча ёш жанр. Шунга кўра унинг намуналарида нуқсонлар бўлиши табиий. Жумладан, М. Маҳмудовнинг фантастик ҳикояларида ҳам баъзи такрорлар мавжудлиги, айрим образларнинг қиёмига етмаганлиги, асар руҳига сингмай, декларациялигича қолиб кетган фикрлар, сайқалланмаган жумлалар учраб туриши каби камчиликлар бор. Баъзи ҳикояларда муаммолар (улар қанчалик муҳим бўлмасин) шунчалик кўпайиб кетадики, бу китобхонни чалғитади, ёзувчи ниятини конкрет ҳис этишга халал беради.

Лекин бу каби нуқсонлар китобнинг фазилатларига соя тушира олмайди. Ёзувчида фантастиканинг йирик жанрларига қўл уриш иқтидори сезилиб турибди. Китобхонларимиз Маҳкам Маҳмудовдан сирли келажак ҳақидаги йирик проблемаларни кўтариб чиқадиган, илмий мушоҳада билан теран бадийликнинг омехтаси бўлган анада мукамал асарлар кутадилар.

Азиз РАҲИМОВ,
Акрам КАТТАБЕКОВ,
филология фанлари кандидатлари

«Далиллаш санъати» — китобдаги пишиқ, мароқли мақолалардандир. «Бадий ижод намуналарига баҳо берувчи ҳар бир мунаққид ўз фикрини изчил мантиқ билан асослай олиши, ҳукмига ўқувчини, ёзувчини ишонтира олиши лозим». Танқидчига шундай юксак талаб қўйган автор бунга аввало ўзи амал қилишга интилади. Уролнинг М. Қўшхонов, П. Шермухамедов, И. Фафуров мақолаларидан танқидчилар маҳоратини очиш учун келтирган мисоллари ўринли, асосли, мантиқий муҳокама-лари ишонарлидир. Хусусан, И. Фафуровнинг «Икки шоир билан суҳбат» мақоласидаги фикрлар тарзи, муқояса орқали далиллаш усули яхши очиб берилган. Лекин тадиқотчининг ўзи бу синалган, самарали йўлдан, негадир, деярли фойдалан-

Болаларга ўқиб беринг

Анвар ОБИДЖОН

Саломномалар

Қўрқоқларнинг кўрқоғи
Филай Қуёнга салом,
Йўқдир яқин ўртоғи,
Шўрлик Чаёнга салом.

Шоҳдан шоҳга югурган,
Думида уй супурган,
Ёнғоқ чакиб тупурган
Шўх Олмаҳонга салом.

Арғамчидек буралар,
Янтоқларга ўралар,
Кўнғиз ўтса мўралар,
Бўғма илонга салом.

Қўтосларни йиқитган,
Қашқирларни кўрқитган,
Кийикларни ҳурқитган
Шўх Арслонга салом.

Мечкай қорни қовоқдир,
Бурни таппак товоқдир,
Икки лунжи лавоқдир,
Гўл Каркидонга салом.

Гулдор тўни келишган,
Қуртларни еб тўлишган,
Чирик дарахтни тешган
Қизиштистонга салом.

Қўрқар совуқ-ушукдан
Ҳамда олғир Мушукдан,
Ана, чиқди тешиқдан,
Писмиқ Сичқонга салом.

Тун-кун ерни қазиган,
Заҳда ётиб озиган,
Кўп тиришиб, оз еган
Гўсхўр Юмронга салом.

Игна-бигиз сотувчи,
Кузда лойға ботувчи,
Илсн пойлаб ётувчи
Типратиконга салом.

Булбул қаби изиллар,
Тоғ-тошларда ёзиллар,
Йиртқичлардан безиллар,
Дўстим Жайронга салом.

Тумшуклар

Тирикчилик учун, дўстлар,
Ҳаммага ҳам керак тумшук,
Ўз тумшуғи ҳар кимга соз,
Зарур эмас бўлак тумшук.

Бигизтумшук бўлар Лайлак,
Қайчитумшук эса Турна,

Балчиқларни титкиловчи —
Урдакчалар курактумшук.

Қашқирники қонли тумшук,
Айиқники шира тумшук,
Киртумшукдир Пўнғарғалар,
Итлар азал сўлактумшук.

Деганмишсиз: «Тумшук турин
Яхши билмас экан Булбул...»
Менинг ёзган китобчамга
Сўқибсиз-да, демак, тумшук?

Онамни соғиниб...

Совуқ тушаётир Тошкентга, она,
Оқшомларнинг ранги ўзгараётир.
Ҳазонлар бир макон излар — девона,
Аёз деразамдан мўралаётир.
Совуқ тушаётир Тошкентга, она,
Боғларда куйлайди зарҳал тўлқинлар.
Ҳаёлий қўл силқир ёз ҳам жимгина,
Осмонни йиғлатиб синар чақинлар.
Совуқ тушаётир Тошкентга, она,

Қайғурма, пальтом бор, қулоқчиним ҳам,
Бунда ҳам печь ёнар, иссиқдир хонам.
Овқат, пул етарли, бари етарли,
Фақат сен кераксан, сен керак, онам.
Кўксимга бош қўйиб йиғлаганда куз,
Юлдузлар оҳ чекиб портлаганида,
Мени чорлайверар меҳрибон оғуш,
Осмон гулдуракдан додлаганида.
Совуқ тушаётир Тошкентга, она,
Қайғурма, баридан келаман устун.
Мени шоир қилиб туққансан, она,
Шундай аёзларга ўт қўймоқ учун!
Совуқ тушаётир Тошкентга, она...

Йигит мактуб ёзар...
оппоқ қоғозга
Кўксидан тўкади юлдузларини.
Тўкади...
Тўкади аямай сира
Тилини куйдирган ўт сўзларини.
Почта қутисини силар қўллари,
Унга ташланади севги, кўз ёшлар.
Наҳот эрта яна нозик бармоқлар
Уларни жимгина ёғимлаб ташлар?..

Эшқобил ШУКУРОВ

маган. Китобда бир адиб ҳақида бир неча танқидчи ёзган мақолалар ўз-ўзича, умуман, дуруст таҳлил этилади. Автор муқояса йўлидан борганида ҳар бир танқидчининг савияси, қизиқиш доираси, услубий ўзига хослигини белгилаш осонлашар эди. Мақолада айрим тадқиқотларда бадиий асарга юзаки ёндашиш, фикрларни асослай олмаслик, насиҳатгўйликка берилиш, ҳаяжонларнинг тийиқсизлиги каби ҳоллар юз бераётганлиги куйиниб қайд этилади, далил сифатида «Сарчашма адиб ижодиди», «Ойбек ижодиди фольклор», «Шайхзода — бунёдкор шоир» каби китоблар, айрим мақолалардан мисоллар келтирилади. Автор Н. Раҳимов, Қ. Сейданов, М. Бақоевнинг умуман керакли асарларида адабиётлар дўстлиги, ҳамкорлигидек жиддий, муҳим проблемани жўн, юзаки талқин этиш ҳоллари учраётгани ҳақида гапириб, жумладан, шундай адолатли мулоҳазаларни ўртага ташлайди: «Мазкур тадқиқотларнинг авторлари асосий диққат-эътиборни миллий адабиётларнинг бир-бирини бойтаётгани, бир халқ адибининг иккинчи халқ адибига ижодий таъсирини конкрет

фактлар билан кўрсатиш ўрнига, кейинги 20—25 йил ичида Ўрта Осиё республикаларида неча декада бўлиб ўтди, ҳафталикларда кимлар қатнашдию кимлар нутқ сўзлади, кимлар қутлов шеъри ёзди, ким-ким билан «қорхат» ёзишиб туради, ўзбек ёзувчилари ижодиди қозоқ халқи ҳаёти акс этган неча асар бор, тожик адабиётида Ўзбекистонни мадҳ этувчи неча шеър бор каби иккинчи даражада фактлар билан ўралашиб қолган». «Портрет маҳорати» — танқиднинг етакчи жанрларидан бирига бағишланган, кузатишларга бой мақола. В. Зоҳидов, И. Султон, Ҳ. Ёқубов, Л. Қаюмов, М. Нурмухамедов, П. Шермухамедов, У. Норматов, М. Султонова, А. Расулов каби танқидчиларнинг портрет яратиш бобидаги изланишлари қизиқарли таҳлил қилинган. Ҳ. Ҳасанованинг Саида Зуннунова, Т. Турдиевнинг Раъно Узоқовага бағишланган портретларидаги жиддий нуқсонлар асосли кўрсатиб берилган. Масалан, У. Утаевнинг ёзишича, Ҳ. Ҳасанова рисоласида китобхон «Саида Зуннунова ижодининг ўзига хос фазилатларини

етарли даражада тасаввур қилолмайди, чинакам ҳис-туйғу билан битилган ёниқ асарларнинг шунчаки эҳтиросиз тавсифига дуч келади. Асарларнинг сюжетини баён қилиш, кўп сўзликлик, конкрет таҳлил қилиш ўрнига умумий мулоҳазалар билдириш, асосий манба эътибордан четда қолиб, ортиқча тафсилотларга берилиш рисоланинг кўпгина жойларида учрайди». Танқидчи бу каби нуқсонлар бошқа портретларга ҳам хослигини айтади. Лекин материал жиҳатдан ўзини чеклай билмаслик автор қамровининг маълум даражада ёйилиб кетишига олиб келган, айрим ўринларда таҳлилнинг лозим даражада теран чиқишига ҳалал берган. Модомики, танқидчи материал танлашда ўзини эркин тутган экан, Озод Шерафиддиновнинг баркамол, сермазмун портретларидан бирини, «Далиллаш санъати»да эса, И. Султоннинг бақувват мантиқ асосига қурилган мақолаларидан бирини кенг, батафсил таҳлил қилиб, маҳорат жиҳоларини кўрсатиб берса яхши бўлар эди. Урол Утаевнинг портрет соҳасидаги илк машқи, айтиш кераки, ду-

руст машқи бўлган «Адабиётимиз жонкуяри» асарида автор таниқли адабиётшунос, етук танқидчи Матёқуб Қўшжонов ижодини, маҳоратини анча кенг, қизиқарли таърифлаган. Айниқса, уч забардаст адиб — Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорнинг образ, характер яратиш санъати, услубий ўзига хослигини кўрсатиб беришдаги М. Қўшжоновнинг маҳорати яхши очилган. Автор «Қутлуғ қон», «Навой» романларининг М. Қўшжонов томонидан пишиқ, теран таҳлил этилганини исботлаш билан бирга, олим тадқиқотларида айрим баҳсли ўринлар, такрорлар, композицион тарқоқлик, баъзи асарларни (масалан, «Олтин водийдан шабадаларни») баҳолашда меъёрнинг бузилиш ҳоллари учраб туришини кўрсатиб ўтади. Фикримизча, Урол Утаев назарий, эстетик тайёргарлиги пухта, адабий танқид билан астойдил шуғулланаётган тадқиқотчиларимиздандир. Демакки, ундан янада пишиқ, мароқли асарлар кутишга ҳақлимиз.

Сайди УМИРОВ,
филология фанлари кандидати

ХАФАҚОННИ ЕНГИШ МУМКИН

Хафақон — гипертония юрак-томир хасталиклари гуруҳидаги касаллик ҳисобланади. Бу касаллик қон босимининг кучайишидан иборат бўлиб, майда артериялар — қизил қон томирлари зўриқиб таранглашуви натижасида юзага келади. Қон босимининг ошиши айрим касалликларнинг белгиси сифатида зухур этади. Чунончи, буйрак ва буйрак усти безлари яллиғланган, бош мияда ўсмалар пайдо бўлган, аёллар муайян ёшга етгач улар вужудида қонга боғлиқ ўзгаришлар юз берган кезларда қон босими ўзгаради. Бу хасталик айниқса асаб қақшаганда хуружга киради. Машҳур совет олимлари, И. Павлов, Г. Ланг ва А. Мясниковнинг фикрича, гипертония майда қон томирларининг торайиб марказий асаб системаси фаолиятининг издан чиқиши натижасидир. Қон босимининг юқори даражаси симоб устунининг 200—300 миллиметри, паст даражаси эса 150—130 миллиметрини ташкил этади. Касалликнинг оғир-енгиллигини қон босимининг юқори ва пастлиги белгиламайди. Қон босими бир кеча-кундуз давомида 10—15 миллиметр симоб устунни оралиғида ўзгариб туради. Дам олиш, айниқса уйку пайти босим бир оз пасаяди. Овқатдан сўнг эса, аксинча, кўтарилади. Бу ҳол жисмоний ва ақлий ишдан сўнг ҳам такрорланади. Шўр ва кучли таомларни кўп миқдорда истеъмол қилиш, ичкиликка берилиш, тамаки чекиш ҳам касалликни юзага чиқарувчи сабаблардан биридир. Шунингдек ҳаво совуган пайтларда ҳам қон томирлари торайиб, босим ошиб кетиши мумкин.

Хасталикни қўзғайдиган омиллардан яна бири буйрак фаолиятига боғлиқдир. Буйракдаги ренин моддаси буйрак усти безлари ишлаб чиқарадиган алдестеронни кучайтириши натижасида томир деворчаларида сув ушланиб қолиб, томирлар зўриқади, қон босими кўтарилади. Бу ҳол кишлоқ аҳлига қараганда шаҳарликларда уч барабар кўп учрайди.

Хафақон ривожланиши жиҳатидан уч босқичдан иборатдир.

Транзитор деб аталувчи биринчи босқичда қон босими қаттиқ чарчаш, асабийлашиш натижасида қисқа муддатга кўтарилади. Беморнинг боши айланиб, оғрий бошлайди, юраги тез-тез уради. Бундай кезларда дори истеъмол қилмай ҳордиқ чиқариш билан, асаб ҳаддан ташқари қақшаган тақдирда эса тинчлантирувчи дори ичиш билан босимни муътадиллаштириш мумкин.

Иккинчи босқичнинг ўзи яна иккига бўлинади. Лабил гипертония дейилувчи босқичда қон босими кўтарилади-ю, анчагача ўзгариб туради. Стабиль гипертония дейилувчи иккинчи босқичда эса қон босими ошганича ўзгармай тураверади. Биринчи босқичда ором олиш ва тинчлантирувчи дори истеъмол қилиш натижасида қон босими муътадиллашса, иккинчи фазада бир мунча оғирроқ кечади. Бунда қулоқ шанғиллайди, бош айланади, оғрийди, юрак ўйнайди, халлослаш, тахикардия, аритмия каби юрак хасталикларининг белгилари, тўш суяги орқасида юрак атрофида оғриқ сезилиши, ҳатто миокард инфаркти белгилари ҳам сезилиши мумкин.

Хафақоннинг учинчи босқичида ар-

териосклероз пайдо бўлади. Хасталик барқарор давом этиб, буйрак, мия, юрак томирлари зарарланади. Бу босқичда буйрак хасталигининг белгилари юзага чиқади, миокард чандиқланиши, миянинг қон билан таъминланиш жараёни ўзгариши мумкин. Хафақон хасталиги давомида гипертоник кризислар кузатилади, яъни касаллик тез-тез зўриқиб туради. Миокард инфаркти — инсулт худди шундай пайтларда юз бериши мумкин. Об-ҳавонинг тез ўзгариши, атмосфера босимининг кўтарилиши гипертоник кризисни вужудга келтиради.

Хафақон — бедаво хасталик эмас. Гипертониядан қутилиб кетиш мумкин. Бу кўпроқ беморнинг ўзига боғлиқ. Тўғри, дори-дармон ҳам шифоланишга ёрдам беради. Лекин одам ўзини тўғри парвариш қилмаса энг яхши дориларнинг ҳам нафи тегмайди. Хасталиқдан халос бўлиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Аввало киши беҳуда асабийлашишдан ўзини тийиши керак. Эрта-лабки бадантарбияни қанда қилманг. Ҳатто иш пайтида ҳам бўш вақт топиб жисмоний машқ билан шуғулланишга одатланинг. Юқори қаватларда яшайдиганлар, врачнинг руҳсати билан албатта, лифддан фойдаланмаганлари маъқул. Велосипед миниш, кўпроқ пиёда юриш ҳам беморнинг шифо топишида яхши ёрдам беради. Касалликнинг олдини олувчи омиллардан яна бири тартиб билан ишлаш ва тартиб билан дам олишдир. Ақлий ва жисмоний меҳнат узвий равишда боғланган ҳолда олиб борилгани маъқул. Хасталикнинг биринчи ва иккинчи босқичини кечираётган беморлар (айниқса олов билан ишловчилар, телефонисткалар, шофёрлар, телеграфистлар, машинисткалар) тунги сменада ишлашдан озод қилинишлари керак. Акс ҳолда хасталик зўрайиб кетиши мумкин.

Шанба ва яшанба кунлари шаҳар ташқарисидagi сўлим оромгоҳларга чиқиш, врач руҳсат берган тақдирда томорқада ишлаш каби машғулотлар яхши натижалар беради.

Вақтида етарли ухлаш шифонинг асосий омилларидан биридир. Ётиш олдидан очиқ ҳавода бир оз бўлсада сайр қилиш, қаҳва, аччиқ чой, спиртли ичимлик ичмаслик, тўйиб овқат емаслик мақсадга мувофиқдир. Аччиқ ва шўр овқат ўрнига сут маҳсулотлари ва ҳўл мева, уларнинг шарбатларини истеъмол қилган маъқул. Наъматақдан тайёрланган компотлар, қулупнай, қора смородина, олма, бақлажон, апельсин истеъмол қилиш қон босимининг кўтарилишига йўл бермайди. Беморларда шиш пайдо бўлган тақдирда олма ва сут маҳсулотларини кўпроқ бериш керак.

Академик И. Павловнинг таълимоти, инсон ўз асабини сақлай олмаса ва бошқара олмаса, ҳар хил муҳитнинг таъсирига мослаша олмаса, у ҳолда вужуди тез енгиллиб, тез хасталанади. Шундай экан, ундами, ишдами, кўчадами ёки транспортдами турли-туман икир-чикирга дуч келганда асабийлашавермаслик керак. Иродани мустаҳкамлаш зарур. Ана шунда хафақон хасталиги чекинади.

Шомурод ШОЖАЛИЛОВ,
Республикада хизмат кўрсатган врач.




Оқ йўл!



Олтин қўллар ижоди.



— Олтмиш уч ёшингиз билан табриқлайман!



ОШХОНА



Эҳтиёт шарт.



— Бунни қаранг, беш йил аввал съездга натаётганимизда бу ерлар тақир чўл эди-я!

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

— Иши ўрнидан силжимади, деб кўришинчи!..



Саломатлик — туман бойлик

ФРОНТ ЛАТИФАЛАРИ

Ҳазил-мутойба, ҳажв — инсоннинг доимий ҳамроҳи. Кулги шод-хуррамлик дамларида ҳам, шиддатли синов кунларида ҳам халқимизга ҳамдард, ҳамдам. Улуғ Ватан урушининг олоали йилларида ҳаётбахш, жанговар кулгининг ана шу хусусияти яна бир карра равшан намоён бўлди: жанг майдонларида, мамлакатимиз ичкарасида туғилган сон-саноксиз ҳаж-

вий-юмористик асарлар халқимизни мардликка, қахрамонликка, манфур фашизмни тор-мор қилишга даъват этди. Оқопларда яратилган ҳажвиёт совет кишининг букилмас продаси, некбин руҳининг ўзига хос тимсолидир.

Қуйида Ватан солдатларининг ижодидан намуналар босмоқдамиз.

МИШ-МИШЛАР

— Курт Пепке, полкимиз катта талафотга учради, деган миш-миш тарқатиб юрган эмишсиз.

— Бу гапни бугун иккинчи батальон солдатлари айтишаётган эди, герр обер-лейтенант!

— Яна ёлғончилик қиялпсиз! Руслар кунни кеча иккинчи батальонни қириб ташлаган бўлса-ю, улар қанақасига миш-миш тарқатадилар?!

ИБРАТЛИ САБОҚ

Муаллим. Ганс Штольц, «қочмон» феълени турланг.

Ганс. Мен қочаман, сен қочасан, у қочади; биз қочамиз, сиз қочасиз... Муаллим. Улар-чи?

Ганс. Улар ҳужум қиладилар, жаноб муаллим.

ТУҒРИ НОМ

— Фриц, дивизияларингни нега «Улин бош» дейдилар?

— Ахир дивизиямизда тирик бошлар қолмаган-да!

ОДДИЯ ҲИСОБ-КИТОБ

Офицер. Менинг ротамдан қанча одам қолди?

Солдат. Узингиз, жаноб офицер.

Офицер. Сен-чи?

Солдат. Мен бошқа ротадан қолганман.

НА МОСКВАДА, НА БЕРЛИНДА

Отто. Вилли, нима дейсан, биз бирор кун Москвада бўламизми?

Вилли. Билмадим, Берлинда бўлишимиз ҳам гумонга ўхшаб қолди.

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

— Герр оберст, ротамиз қизил аскарларни ўраб олди.

— Бўёққа келтиринглар!

— Кўнишмаяпти!

— Бўлмаса, ўзларинг келинглар!

— Қўйиб юборишмаяпти...

БИЛИМДОН

— Асир Карл Майер, Генрих Гейнени биласизми?

— Билганда-чи! У — бизнинг немис ёзувчимиз. Шахсан ўзим озмунча китобларини ёқдимми!

ТАШАБУС

Гитлер. Генерал, Кубанда ташаббус ҳали ҳам қўлимиздами?

Генерал. Йўқ, жаноб фюрер, ташаббус оёғимизга ўтган.

ҲОЗИРЖАВОБЛИК

— Капитан Шульц, нега солдатларингиз тўхтамасдан қочмоқда?

— Рухсат этинг, генерал жаноблари! Улар сиздан кейинда қолсалар, штаб билан алоқалари узилишидан қўрқадилар.

ХАБАР БОРМИ?

— Мюллердан хабар борми?

— Бор, ёзишича, тинч ётганмиш.

— Узи ёзганми?

— Йўқ, штаб бошлиғи.


М. САЪДИНОВ тайёрлаган

МУҚОВАДА

Биринчи бет. Пойриқлик кекса коммунист Назар Бобожонов ўғли Алишерни КПСС сафига қабул қилингани билан табрик-ламоқда. (14—15-бетлардаги «Ибратли умр» очеркини ўқинг.)

Тўртинчи бет. Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозининг илгор сут соғувчилари, КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа голиблари, ёш коммунистлар Юлдуз Қорабоева ва Муҳаббат Мамажонова.

Б. МИЗРОХИН фотолари



КРОССВОРД

Энига: 7. Гўзаллик. 8. Сабзавот. 11. Космодром. 12. Сайқалланган оломос. 14. Хом ашё. 15. Жой. 16. Полиэтилен. 19. Иссиқлик. 20. Шеърхонлик. 21. Рус совет ёзувчиси. 26. Ҳашарот. 27. Миллий таом. 30. Африкадаги дарё. 31. Буюк астроном. 32. Сўз туркуми. 35. Рўзгор буюми. 36. Физик асбоб. 37. Мўйнали ҳайвон. 38. Санъаткор.

Бўйига: 1. Қуш. 2. Оғирлик ўлчови. 3. Ҳарбий унвон. 4. Ой. 5. Дон. 6. Тожикистондаги шаҳар. 9. Ўзбекистондаги район. 10. Энг кичкина давлатлардан бири. 13. Медицина соҳаси. 17. Узум нави. 18. Машҳур рус ихтирочиси. 22. Халқ куйи. 23. Механик машина. 24. Халқ эртаги персонажи. 25. Синов. 28. Сув транспорти воситаси. 29. Илмий асар баёни. 33. Парранда. 34. Муносабат.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ

Тошкент

1-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 5. Тициан. 6. Курант. 9. Ҳаваскор. 11. Бақлажон. 16. Суффикс. 17. Адабиёт. 18. Асал. 20. Қорабайир. 21. Анор. 23. Омск. 25. «Декамерон». 28. Умар. 33. Пианино. 34. Криолит. 35. Трафарет. 37. Кострома. 39. Омонов. 40. Январь.

Бўйига: 1. Обида. 2. Динго. 3. Фалсафа. 4. Муаллим. 7. Домино. 8. Гавайи. 9. Ҳанжа. 10. Висла. 12. Жетон. 13. Нигер. 14. Эскалатор. 15. Макаренко. 19. Сўм. 22. Ота. 23. Офсет. 24. Супра. 26. Енисей. 27. Орипов. 29. Метро. 30. Ручка. 31. Макаров. 32. Платина. 36. Роман. 38. Мироб.

Зангори экран томошабинларининг юксак талаблари барча курсатувларнинг қизиқарли ва юқори савияда бўлишини таъозо этади. Ўзбекистон телевидениеси музикали кўрсатувлар редакциясининг ходимлари ҳам ана шу ният билан ижодий меҳнат қилмоқдалар. Суратда: музика редактори Абдижалил Мажидов болалар учун тайёрланаётган концерт репетициясига бошчилилик қилмоқда.

Д. ХУЖАЕВА фотоси

Бош редактор Асқад МУХТОР

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор А. САИДУМАРОВ

Корректор Н. ЙУЛДОШЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 22.12.80 й. Босишга рухсат этилди 29.01.81 й. Р—03385. Қоғоз 70×108¹/₈. Ботик усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 267190. Буюртма 4666. Нашр А—109.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



